

# УСМОН НОСИР УНУТМАС ЛЕНИ ВОГИМ



**Шеърлар  
Достонлар ва шеърий драма**

Тошкент  
Faafur Fулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
1988

Жамоатчилик асосида тўплаб нашрга тайёрловчи  
**Нодира Рашидова**

**Насир, Усмон.**

Унутмас мени боғим: Шеърлар. Достонлар ва шеърий драма / [Сўзбоши Э. Воҳидовни-ки].— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.— 304 б.

Ўзбек совет адабиётининг оташин шоири Усмон Носир чақмоқдек қисқа яшади, аммо унинг шеърлари абадий халқ мулкига айланиб қолди. Мазкур тўпламга атоқли шоирнинг энг сара асарлари жамланди.

Она юрга чексиз садоқат ва улкан муҳаббат билан битилган ушбу асарлар Сиз азиз ўқувчига катта завқ бағишлиайди, деб ишонамиз.

Насир, Усмон. Меня мой сад не забудет.

Н 47025702000—95  
М 352 (04)—88 Доп. 88

Уз2

ISBN 5—635—00128—9

## ЧАҚМОҚ УМРИ

Дунёда оз умр кўрганларни эслаганда, одатда у тирик бўлганда фалон ёшга кирган бўларди, оқсоқол бўлиб, қариялар қаторида мункиллаб юрган бўларди, деган каби гаплар айтилади. Мен негадир Лермонтов ва Есенинни, Ҳамза ва Усмон Носирни мункиллаб юрган чол сифатида кўз олдимга келтиромайман. Улар чақмоқ бўлиб дунёга келганлару, чақмоқдай оловли из қолдириб дунёдан ўтганлар.

Истеъдод шундай бир гавҳарки, у денгиз тубида, садаф ичида ҳам гавҳар; истеъдод шундай бир зилол ирмоқки, унинг ҳар қатрасида дарёларнинг қудрати, уммонларнинг теранлиги бор; истеъдод шундай бир гулки, унинг ҳар бир очилмаган ғунчасида чаманларнинг бўйи, таровати бор.

Усмон Носир истеъдоди ана шундай гавҳар, ана шундай ирмоқ, ана шундай ғунча эди.

Усмон Носир қисқа ҳаётида беш шеърий китоб, бир достон, бир шеърий драма ёзиб қолдирди. Пушкиннинг «Боғчасарой фонтани», Лермонтовнинг «Демон» асарларини ўзбек тилига юксак маҳорат билан таржима қилди. Бу китоблар ичида айниқса «Юрак», «Меҳрим» деб аталган икки тўплам Усмон Носир ижодининг қўш чўққиси ҳисобланади.

Юрак, сенсан менинг созим,

Тилимни найга жўр этдинг...

Усмон Носирнинг бирталай шеърлари, «Нахшон» достони ўзбек шеърияти хазинасидан жой олган.

Шоир қилган таржималар бу мушкул санъатнинг ёрқин намуналари сифатида, кўп авлод таржимонлар учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қиласди.


Усмон Носирнинг замондоши, қаҳрамон адиб, чех халқи фарзанди, ўзбек халқининг дўсти Юлиус Фучик: «Одамлар, ҳушёр бўлинг, мен сизни севардим!» деган сўзларни айтган. Усмон Носир ўз ижоди билан, ўз қисмати билан ҳар нафас бизга: «Одамлар, ҳушёр бўлинг, мен сизни севардим!» деб туради.

Давр халққа унинг ифтихори бўлган, унинг юраги бўлган фарзандларни қайтариб берди. Бугун Усмон Носир номли кўчада истиқомат қилувчиларнинг баҳти болалари Усмон Носир номли мактабда ўқийдилар. Алвон галстук таққан қизалоқ ифтихор билан: «Мен Усмон Носир номли пионер отрядидан бўламан», дейди.

Шоир умри унинг шеърларида давом этади.

*Эркин ВОҲИДОВ*

# ШЕЪРИМ! ЯНА ЎЗИНГ ЯХШИСАН



## I

*Шеърим! Яна ўзинг яхшисан,  
Боққа кирсанг гуллар шарманда.  
Бир мен эмас, ҳаёт шахсисан,  
Жоним каби яшайсан манда...*

## ЮРАК

Юрак, сенсан менинг созим,  
Тилимни найга жўр этдинг.  
Кўзимга ойни беркитдинг,  
Юрак, сенсан ишқбозим.

Сенга тор келди бу кўкрак,  
Севинчинг тошди қирғоқдан.  
Тилим чарчар, ажаб, гоҳи  
Сени таржима қилмоқдан.

Сен, эй, сен — ўйноқи дилбар,  
Зафардан изла ёрингни.  
Тўлиб қайна, тошиб ўйна,  
Тирикман, куйла борингни.

Итоат эт!  
Агар сендан  
Ватан рози эмас бўлса,  
Ёрил, чақмоққа айлан сен,  
Ёрил! Майли, тамом ўлсам!..

*Самарқанд, 1933*

## ЯНА ШЕЪРИМГА

(Сонет)

Шеърим! Яна ўзинг яхвисан,  
Боққа кирсанг, гуллар шарманда.  
Бир мен эмас, ҳаёт шахисан,  
Жоним каби яшайсан манда.

Юрагимнинг дарди — нақвисан,  
Қилолмайман сени ҳеч канда!  
Ўт бўлурми ишқи йўқ танда?  
Дардимсанки, шеърим яхвисан.

Сен орада кўприк бўлдинг-да,  
Гейне билан ўртоқ тутиндим.  
Лермонтовдан кўмак ўтиндим.

Бутун умрим сенинг бўйнингда.  
Саҳарда қон тупурсам, майли.  
Мен — Мажнунман, шеърим, сен —  
Лайли!

1935

## **БОЛАЛИГИМГА**

Капалакнинг гул эмганин кўрдим,  
Эслаб кетдим сени, малагим...  
Сен бердингми, шунча ширин  
шеърни,  
Эй, барглари кўм-кўк палагим?

*1934*

\* \* \*

Гулзор — чаман. Юр, боғларга  
Элтай етаклаб.  
Бинафшалар териб берай  
Сенга этаклаб...

Чаккангга тақ! Тўлиб турсин  
Ойдек юзларинг.  
Кундай ёруғ, тундай қора  
Экан кўзларинг.

Тингла, эркам, ўртоғимсан,  
Кўнглимни очай.  
Қоним шеър бўлиб оқсин-да,  
Мен қайта ичай.

Истайманки, оқар қоним  
Тамом бўлмасин.  
Истайманки, севар ёrim  
Ташлаб кетмасин.

Чунки, дўстлик меҳри билан  
Шодлигим ўсар.  
У ҳар қачон ёнбошимда  
Соямдай юрар.

У, сен, қўзим. Юр, боғларга  
Элтай етаклаб.

Бинафшалар териб берай  
Сенга этаклаб.

Бу шоир, деб, енгил, деб  
Асти ўйлама!  
Упган ўпичларим ҳақи,  
Инонтираман.

Агар, даркор бўлса ҳар чоқ,  
Чорласа Ватан,  
Қўлёзмаларимци ташлаб,  
Шинель кияман.

Уддасидан чиқолмасам  
Аҳдимни, унда —  
Браунингни қўлимга бер  
Қоп-қора тунда.

Ўз жазомни ўзим берай,  
Азоб-ла ўлай...  
Йўқ!.. Ҳамдам бўл, қўлимдан тут,  
Жангларга кирай!

1934

\* \* \*

Илҳомимнинг вақти йўқ, селдай келади,  
Жаллоддек раҳм этмай дилни тилади...  
Аёндир: бир куни айлайди хароб...  
Майлига. Меҳримни, гўёки шароб —  
Шимиридим. Яшайман, тилсин дилимни.  
Бемеҳнат севмайман тирик тилимни.

1935

## **БОФИМ**

О, у қандай фусункор!  
Нур билан тўлган бутун.  
Гуллари чаман-чаман,  
Мен уларни ичаман.  
Кўнглимда яшнар баҳор...  
Нур билан тўлган бутун.

Баргдек узилиб кетсам,  
Унутмас мени боғим.  
Ишимни ҳурмат қилур,  
Гуллардан ҳайкал қурур,  
Минг йиллардан кейин ҳам  
Унутмас мени боғим!

Шеърларим янграб қолур...  
Бир умрга ўлмайман!  
Ҳаётимнинг давоми —  
Қелажагимга ҳомий,  
Урнимга боғбон бўлур:  
Бир умрга ўлмайман!

О, у қандай давомдор!  
Нур билан тўлган бутун.  
Гуллари чаман-чаман,  
Мен уларни ичаман.  
Кўнглимда яшнар баҳор...  
Нур билан тўлган бутун.

1935

\* \* \*

(Оқ шеър)

Луғатимда сўзим анча кўп,  
Қайси бири билан бошлайин?  
Шундай шодман, шодлигим беҳад...  
Қўнглим шодлигимдан ўсади!

Сентябрнинг кечаси салқин,  
Онам каби юмшоқ беозор.  
Шуъласи осмонга етган  
Ёнар пионер машъаласи...

Шу дунёда мен, гўё севинчдан  
Қанот ясаб, учардим баланд.  
Ўша баланд осмон тубидан  
Ёшлигимни табрик айлардим.

Ташкент, 1934

## ЁШЛИК

Кунларимни ёшлигимдан аямадим,  
Менда ёшлик нокасликни ҳеч кўрмади.  
Қиз севганда, ҳўнгир-ҳўнгир қон йиғладим,  
Гўё қалбим амр-азмимни бир сўрмади.

Ёшлигимнинг тарозуси бепосанги,  
Бир палласи баҳор тоши билан оғир:  
Севинчим кўп... шодлигим зўр... тилим бийрон,  
Қайси умр, шундай ёшлик кўрди, ахир?

Юрагимга аччиқ-аччиқ ботар эди,  
«Боғ кўчада» шаршаракнинг мунгли куйи...  
Ҳайрон бўлиб, болаликда ўйлар эдим,  
Қайдадир, деб бу офтобнинг ётар уйи?

Болалигим гул боғларни кўролмаган,  
Фарид бўлиб, мунгшиб юрган кечаларда.  
Юлдуз санаб, йилдан узун кечаларда  
Ҳисобига сира, азал етолмаган.

Аямадим ёшлигимдан кунларимни,  
Нокасликни рано кўрмай, севинтиридим.  
Чунки, унда юрагимда ўлиб қолган  
Болалигим, эркалигим тирилтиридим.

Ёшлигимнинг саргузашти бениҳоят,  
Бисоти ҳам тасодифга тўлиб битган...  
Кейин билсам, тасодифлар зарур экан,  
Ходисани етакларкан сабабият.

Тошкент, 1934

## БОБОМНИНГ ФАЛСАФАСИ

(Оқ шеър)

Ёш эдим, ер гўё тор эди,  
Дард ели сочимни тўздирган.  
Осмонга кўз ташлай олмасдим,  
Кипригим оғирлик қиласди.

Бир оқшом. Ой тўлган, ел ўйнар,  
То баланд сурайё зангори.  
Баргларга уч урган игна нур,  
Юлдузлар жимиirlар. Чароғон.

Қўкраги лиқ тўла орзуни  
Ҳасса қилиб ушлаб, ўтмишда  
Ойини, йилини йўқотиб,  
Бахтининг хокини излаган.

Топмаган, кулфатнинг сепларини  
Ялаган, дув тирик пешона —  
Онам, эсда, силаб-сийпалаб  
Насиҳат қилди, ки, бу деди:

«Дунё — у,  
Дунё — бу.  
Бил, болам!  
Бобогинанг бор эди, қари.  
Сен билмайсан, у ўлиб кетган  
Мома сени йўргаклаган кеч».

У дерди: «Тақдирга ўшқирманг,  
Зўрлик ҳам, инсоф ҳам худодан.

Бу жанжал йўқолар бир кун,  
Аммо, сиз талашманг «ҳаққим» деб.  
Ёмондан яхшилик яралар.  
Ақл — фақат дунёни яхшилар!»

Болалик вақтимиз онамнинг  
Ортидан «ая»лаб чопгандай,  
Насиҳатлари ҳам ортидан —  
Болалик майлида қувганман.

Инониб, онам деб, сўзига  
Бош эгиб, қул бўлиб йилларим  
Азоб кўчасида кечганлар...  
Кўзимга расм солган уқубат!

Ер менга тор бўлиб кўринган,  
Кўкракка қўл қўйиб, эгилган.  
Осмон кенглигига боқолмай  
Ўтганман. Кўзларим жиққа ёш.

Ўқидим, англадим ҳаётни,  
Ҳар сўзи мазмундор «диамат».  
«Мантиқни тушундим тоза ҳам,  
Фалсафа не экан билдим мен.

Ўтган кунларимними ахтарай?  
Қайтариб бермасин, маккора!  
Майли, бу фалсафа беражак  
Менга ҳар бир кунни йил қилиб.

Менда битди энди бобомнинг  
Мен туғилмай туриб қолгани,  
Онамнинг айтгани насиҳат,  
Битди менда энди, бутунлай!

Онажон, кел энди, мен сенга  
Үргатай, ҳаётни англатай.  
Ташла, боболарнинг ўгитин,  
Эскидай, ўзимга она бўл!

Менда битди оғир' курашлар сўнггида,  
Сенда яшаётир у ҳали.  
Лекин, битажаги аниқдир,  
Битажак у, ўлажак албат!

*Самарқанд, 1935*

## **БЕГОНА**

Сенинг ойинг меникидан чиройлими?  
Айрилиққа бардош бериб чидайдими?  
Қайғусини кулги билан,  
Шодлигини йиғи билан  
Изҳор қила оладими?

Менинг ойим сеникидан чиройлидир,  
Айрилиққа ақллидир, чидамлидир.  
Қайғусини кулги билан,  
Шодлигини йиғи билан  
Изҳор қила олади у!

Қўз олдимда муздек қотиб турасан сен,  
Ярамайсан курашларга, бегона сен!  
Жаҳлим ёмон, сақланиб қол.  
Ол, нури йўқ ойингни ол,  
Сўнгра йўқол даргоҳимдан!

Кулгиларим орқасида заҳарим бор,  
О, ишонма, бўлолмайсан сен менга ёр!  
Ниятингда ўзга фикр,  
Тилларингда ўзга зикр...  
Йўқол! Жаҳлимни қўзғатма!!!

1934

\* \* \*

Юрганмисиз бирга ой билан  
Оқшом пайти кўм-кўк ўрмонда?  
Майсаларга шабнам қўнганда  
Шундай яхши тинч бўлар экан!

Шитир-шитир ўйнар шабода,  
Барглар мусиқаси бир ширин...  
Ҳаво гўё тиниқ, соф бода,  
Қўнгил сезар ҳаётнинг сирин.

Мен маст бўлиб қолдим бир кеча,  
Сил ўпкамни анча яйратдим.  
Ухламасдан то тонг отгунча  
Дилгинамни роса сайратдим.

1935

\* \* \*

Ҳаёт ҳали менинг олдимда,  
Ақлим ўсар, фикрим юксалар.  
Аммо, кўрганларим ёдимда,  
Ҳаммаси ҳам бутунлай қолар.

Ўша пайтда қайсиси кулги,  
Қайси бири берар ҳаяжон.  
Бу шеъримнинг боиси шулки:  
Фикр — бола, бола — ўсувчан!

1935

## НИЛ ВА РИМ

(Тарих китобидан)

### I

Лампам ёнур... Яраланган қанотдек оғир  
Үй босади. Юрагимда гүё сел ёғир.  
Қийналаман. Тиришаман. Ҳушим паришон,  
Үтмиш, ҳозир ва келажак кўринур ҳар он  
Тиришаман, бутун кучим кўзимга келар;  
Чироғимга парвонадек уринар йиллар,  
Тўрт атрофим тўлиб кетар куйган қанотга...  
Хаёлимда: катта сахро, мен миниб отга —  
Шамолдан тез, булатлардан енгил чопаман,  
Куйиб тушган ҳар қанотдан бир жон топаман.  
Термиламан ўлик кўзга (нега қўрқайин?)  
Барчасидан ўйиб олиб кўзининг ойин —  
Термиламан: қичқиради йиллар, одамлар.  
Эшитилар менга улар босган қадамлар...

### II

Сариқ қумлар орасидан қон рангли қуёш  
Кўтарила. Нил оқадир — қуллар тўккан ёш.  
Фарёдларга чидолмайди ер билан осмон.  
Ро қаерда? Азириса? Қийнайди Тифан!  
Кимга йиглаб, кимдан мадад кутсин бемор  
қул?

Эрки қулфдир, ҳаёти қулф, бор худолар қулф!  
Косасида сув йўқ, қуруқ халтаси — нон йўқ!  
Ботаётган қуёш каби рангида қон йўқ. 0  
Кўзида кўз йўқ, белида бел йўқ, ҳайҳот!

Фиръавн уни чумолидай эзади: войдод!..  
Фиръавннинг ҳукми қаттиқ, фиръавн хўжайин,  
Худоларга у манзурдир, ҳаёти тайин.  
Неки қилса, ўзи билур, ўзи ҳукмрон,  
Миср бўйлаб Нил оқадир — қуллар тўккан  
қон!

### III

То Минисдан Рамзесгача, Рамзесдан нари  
«Малика қиз» Клеопатра ҳукмрон даври.  
Ундан тортиб... яна узоқ, яна кўп йиллар  
Харсанг билан ётқизилган неча минг йўллар.  
Кўз ёшидан, дил тошидан қурилган ҳайкал  
Мағрур турар, мағрур боқар, ҳеч бирон маҳал  
На одамдан, на замондан қўрқмас асти у.  
Ғазабини ютиб ўлган қуллар дасти бу!  
Қуллар... (Менман у қулларнинг ўлмас

авлоди,  
Мана менман, у қулларнинг ҳеч сўнмас ёди.  
Мана менман, фалакларга лов-лов ўт қўйиб,  
Оталаримнинг бошидан пойдевор ўйиб,  
Озодлигим обидасин қурган инсонман!  
Ўша жонман, ўша қонман ва ўша шонман!)

### IV

Отим учар (хаёлимда) олдинга доим,  
Аввал баҳор осмонидек йиғлар гадо Рим.  
Эмчагида бир томизим сути йўқ она  
Гўдагини тош остига бостирди, ана!  
Ўлим яхши, ўлим агар, шундай хор бўлса!  
Бир парча нон нима ўзи? Шунга зор бўлса!  
Наҳот, чақмоқ ёндиrmайди бутун очунни?

Кул фардидай умр — тогдай кулфат учунми?  
Жавоб бергин менга, закки қадимги Ҳомер,  
Кўз ёшию қонга ростдан ташнами бу ер?  
Қўй, яхши чол! Қўнглим тўлди, гаплашамиз  
сўнг,  
Бу нимаси? Эшитасанми, оғир, ҳазин мунг?  
Ҳамон йиғлар яланғоч Рим, ҳамон дил эзар,  
Ҳамон тилла қадаҳда қон ичар Цезарь!

## V

Рим устида шамсиядек туманли осмон,  
Катта циркка сиғишимасдан қайнар оломон:  
«Одам билан ҳайвон ўйин кўрсатар эмиш...»  
(Бундай қилиқ бизнинг учун қандайин  
эриш!..)

Тишларини иржайтириб бўкирган йўлбарс  
Тўрт тарафга ташланади, талпиниб ларс-ларс.  
Оч кўзлари қонга тўлган, сакраб ўйнайди...  
О, бечора, қоч! У сени тирик қўймайди!  
Ана! Ана, тирноғини нишлаб келар у,  
Чангал солди! Халқ ўрнидан бирдан турди  
дув...

Чапак чалди. «Эй, аҳмоқ Рим, севинма қонга!  
Бундан бошқа хўрлик борми, ахир, инсонга?—  
Деди парча-парча бўлган гладиатор.  
Рим — ўйиндан ўлим кутган жинни театр!»

## VI

Иссиқ излар... ҳамон у исёндан из бордек,  
Булутларнинг орасинда юрар Спартак.  
Осмон — қалқон, камон ёйи — чақмоқ, ёна ўт,  
Зулм учун йифи, фифон ва эрксизлик суд.  
Жавоб берсин Афлотунми, Вергилийми, ё —

Бошқа бири, қани ким у? Қим мард? Қим  
гувох  
Ки тун қанча қора бўлса, ой шунча ёрур!  
Спартакнинг лашкарлари ҳали ҳам борур.  
Мана менман, у исённинг ўлмас авлоди.  
Мана менман, у қулларнинг ҳеч сўнмас ёди.  
Мана менман, фалакларга лов-лов ўт қўйиб.  
Оталаримнинг бошидан пойдевор ўйиб,  
Келажагим обидасин қурган инсонман!  
Ўша жонман, ўша қонман ва ўша шонман!

1935

\* \* \*

Денгиз ойна каби ялтирад,  
Тўлқинларга суқим оқади.  
Оққуш мунгли-мунгли оҳ урар,  
Ҳазин куйи дилга ёқади,  
Ўтираман, кўнглим осуда,  
Бошим узра барг шитирлади.  
Соялари лиммо-лим сувда  
Танга-танга бўлиб титрайди.  
Қандай яхши, кечқурун ёлғиз  
Юрсанг, кўнгил асти тўймаса.  
Ой — гўёки паришонҳол қиз,  
Сочларини ёзиб ўйнаса...

*Болтиқ дengizi, 1935*

## И УЛЧИ

Йўлчиман, манзилим денгиздан нари,  
Ложувард уфқининг тубига яқин.  
Кўнглимда дардларим дарёдек оқин,  
Чайқалар кўзларим тикилган сари.  
О, йўллар!

Чу, қора тойчогим! Чу, қора йўрғам!  
Муродга қасд қилиб юргурган етур.  
Бўронни севмаса, дил нечун тепур?  
Тириклик не керак бемеҳнат, беғам?!  
Чу, қора йўрғам!

1935

\* \* \*

Юр, тоғларга чиқайлик,  
Майли, юр!  
Эҳ... қандайин чиройлик,  
Оппоқ нур...

Олмос каби оппоқ қор  
Ялтирап.  
Нега мунча дил оқар,  
Қалтирап?

Биласанми, ёшлик бу  
Тўймаган!  
Тиним билмас, гўё сув  
Ўйнаган...

Шунга ўта чиройлик  
Кўринур'...  
Юр, тоғларга чиқайлик.  
Майли, юр!

1935

\* \* \*

Дўстларим, хабар олинг. Кўнглим куяди:  
Бир тараф — ёшлигимнинг шўхлиги мағур,  
Бир тараф — тажрибамнинг дарслари турур,  
Икки ёқ сўғишади. Уруш қилади.

Кўнглим ёнади. Қийин. Қоним қўзғалур...  
Ўзим ўзимга тинчлик берай деб агар:  
«Бу кураш, оғир кураш, биттаси енгар...»  
Десам, қўйсам... Охирда менга не қолур?

1935

## **КАРВОН БОРАДИ**

(Ўртоқ Кировнинг ўлимига)

Қайғурма, ўйим... Чарх урма, хаёл...  
Ҳали дил тўла армон!  
Карвон боради, йўллари ойдин,  
Кўзлари ойдин карвон.

Чулғади тинчлик... Ўйим, йиғлайсанми?  
Битди юрак бардоши,  
Кетди бир карвонбоши дейсанми,  
Равонми қайғунг ёши?

Йиғлама, эркам, йўллари ойдин,  
Карвон боради. Сафар —  
Чархи узундир. Кўзлари ойдин,  
Хандон кулади зафар!

Кетди у йўлчи... Бизнинг умр —  
У умрнинг давоми.  
Яшар экан биз: биздаги армон,  
Йўлда карвон... Азами?

Йўқ! Қайғурма, ўйим, қасдлар қолажак  
Карвон ортида чангдай...  
Кел, куйла, у умрнинг давомин,  
Шеъримни унга боғлай!

1934

\* \* \*

Ширин бўлди ҳаёт иқлими  
Ҳаққим билан туғилганимдан.  
Шўхлик кутиб, қуюлганимдан  
Роса таниб олдим ақлимни.

О, қуюлиш — аччиқ тажриба!  
Чақирасан, туриб «ҳо», дейман,  
Чунки, келажагим ҳажрида  
Мен умримни яхши танийман!

Тойим учар... ҳо... анча олдин,  
Қўлга олиб истак-раъйимни.  
Баланд қўйиб эрка найимни,  
Катта йўлга чиққанман, ойдин...

Байроғимсан йўлимда ҳар вақт  
О, ҳаётим — аччиқ тажриба.  
Ким қийналса, тилак ҳажрида  
Уни кутар саодат ва баҳт!

Мен борғаман севинганимдан,  
Умримнинг йўқ ҳеч ҳам тиним.  
Ўзимга ҳақ туюлганимдан,  
Ширин бўлди ҳаёт иқлими!..

1935

1870<sup>1</sup>

Волга! Волга! Оч Руснинг ёши,  
Волга! Волга! Фифонли дарё.  
Қуёш гўё Разиннинг боши  
Кенг бағрингда ҳамон мағрур, о!...

Унутилмас йилларнинг ёди!  
Некрасовни зор-зор йифлатган  
Бурлакларнинг аччиқ фарёди  
Тубларингга тош бўлиб ботган...

О, тили йўқ сариқ тошларим,  
О, бақрайган совуқ мурдалар,  
Кўзғолингиз! Оқар ёшларим,  
Юрагимни алам бурдалар!

Чидолмайман! Қон құсар бўри,  
Қон қусади дворян — аblaҳ!  
Бисоти — тун, қоронғи — маблаҳ —  
Русия гадо, Руссиянинг шўри!

Аввал баҳор шаббода қалин Барглар билан ўйнашар эди.

<sup>1</sup> «Лениннома» поэмасининг кириш қисми.

У билмади кимнинг туққанин,  
Аммо оналардай шод эди.

Она — асти ботмайдиган ой;  
Оқ булатдай соф ва юмшоқ дил.  
Умри — асил шоирниридай:  
Орзуси — йил, меҳнати — минг йил!

О, меҳрибон ва иссиқ сийна,  
Ким билмайди оч бардошини!  
Дарё-дарё тўкар ёшини  
Ким билмайдики боиси на?

Она — эркдир, бола — зўр қайғу,  
Қайғусини афзал билади —  
Ва азобга сўз бермайди у.  
Бу сафар ҳам тоғдай чидади.

О... билмади кимни туққанин,  
Фақат ҳар галгидай шод эди.  
Тишда баҳор, шаббода қалин  
Барглар билан ўйнашар эди...

1935

## **ДИЛИМДАДИР МАНГУГА БУТУН**

Январъ кунларининг бири эди,  
Танаффусда ўйнаб юрадик.  
Мактаб ҳовлисида, кенг анҳорда,  
Шовқин солиб биз муз сурардик.  
Бирдан мудир ўзи зангни чалиб,  
Бизга деди:— Болалар, залга!  
Зангни одатда у чалмас эди,  
Ҳайрон бўлдик биз бу аҳволга.  
Зал лиқ тўлди, аввал келиб кирган  
Расм муаллими: «Жим», деди.  
Орқасидан шинель кийган расо  
Кириб келди, паришон эди.  
Ким билади, нега мунча хафа,  
Нега ёш бор унинг кўзида?  
Нега оғир нафас олар у,  
Калта-калта, узуқ сўзида?  
«Етимлар! Горкада Ленин ўлди!»—  
Деди. Аёқ қоқди бор йифин.  
Шундан кейингина сезган бўлдим  
Эшикдаги январъ совуғин.  
Шундац кейингина мен англадим  
Ўлим борлигини дунёда.  
Шундан кейин ҳар кун кўрдим  
Юрагимда, ерда, ҳавода.  
Шундан кейин хаёлимга келди  
Ўтканларнинг тупроқ бўлгани.  
Шундан кейин қасамёд этдим  
Яхши ўлим билан ўлгани!

Шундан кейин менга аён бўлди  
(Тарқаларкан аста у йигин)  
Ленин учун тугилиш куни бор-у,  
Аммо ўлим куни йўқлиги.  
Шундан бери дилга ўт туташган,  
Хаёлимда ҳамон ўша күп.  
Мен Ленини дилимга қўмганиман,  
Дилимдадир мангуга бутун.

1927, январь

## ЭРТАНИ СЕВИНИБ ҚУТ



### II

Яна кўнглимда эрка бир шодлик  
Яна тилимда севгили шеърим.  
Яна то ичдан томчилар суқдор,  
Томчилар сувдек эзилган меҳрим.  
Яна кўнглимда эрка бир шодлик...

## МОНОЛОГ

Севги! Сенинг ширии тилингдан  
Ким ўпмаган, ким тищламаган?  
Дардинг ёйдай тилиб кўксидан,  
Ким қалбидан қонлар тўкмаган?

Сени яхши биламан, гўзал,  
Петраркани ўқигацим бор.  
Буюк Римнинг Санфоси азал  
Хаёлимни ошиқдай тортар.

Биламанки, Тассо бечора  
Роҳат кўрмай ўтган бир умр.  
Эй, маккора қиз, Леонора,  
Номи қора билан ёзилгур!..

Балки гулдан яралган пари  
Тошкўнгилли Биатриче:  
— Гадосан,— деб қочмас нари  
Данте бахтили бўларди пича!

Балки, Гамлет ойдин тунларда  
Офелияни эркалатарди.  
Балки, узун сочини силаб  
Аzonгача эртак айтарди.

Агар хиёнатни билмаса,  
Эзмаса фожия юрагин!

Йўқ. Йўқ, шоир! Гар шундай  
бўлса,  
Шекспирнинг йўқди кераги!

Дездемона, гуноҳсиз дилбар,  
Жигар қонларингни ичган ким?  
Биламан, Отелло, биламан,  
Отелло ҳақлими?.. Шоир жим!..

Жим!.. Уфқдан ботар қуёшни  
Шарт кесилган бошга ўхшатдим.  
Парча-парча куйган шафақлар  
Тирқираган қонни эслатди!

Қандай қўрқинч! Қандай  
қабоҳат!  
Мумкин эмас ҳеч қийналмасдан!  
Ақлидан озганми муҳаббат?  
Мумкин эмас, қарши турмасдан!

Мумкин эмас, эй, олий жаноб,  
Неча юракни айлаб хароб.  
Шоҳона тож кийган муҳаббат,  
Мумкин эмас! Қандай қабоҳат!

Ки одамниг ўзигинамас,  
Ҳиссини ҳам хароб қилса давр!  
Қийналаман!.. Юрагимда ҳовур...  
Бу — қаршилик! Йўқ! Гина эмас.  
Бу — қаршилик! Кўринг тарихни.

Парвонадек қаноти куйган,  
Бу — қаршилик! Кўринг тарихни.

Умр тепасида мушт туйган...  
Қийналаман виждон билан ман,  
Мумкин эмас, қарши турмасдан!  
Ўз зиммамга катта иш олдим:  
Эҳтимолки, тамом қилмасдан —  
Умрим тугар. Аммо, бўлмайди  
(Кўнглим ўрнига ҳеч тушмайди.)  
Сенга қарши бош кўтармасдан  
Асрларни йиғлатган севги!..

1933

## **НАСИМАГА ДЕГАНИМ**

Йўқ, ҳали ҳаммаси ўтганмас,  
Кўп ҳали ҳаётда насибам.  
Силлигим безараар, ҳеч гапмас,  
Борини кўраман, Насимам,  
Йўқ, ҳали ҳаммаси ўтганмас!

Олдимда кутадир имтиҳон —  
Мен оғир жангларда бўларман.  
Насима! Бу кунги иссиқ қон,  
О, балки тўкилур... ўларман...  
Олдимда кутадир имтиҳон!

Ўйланиб, кўзингга қарасам,  
Иккита денгиздай кўринур...  
Насима! Ичаман рост қасам,  
Оловдек ловиллаб дил ёнур,  
Бахтлиман, жангларга ярасам!

*1935*

## **ЮКСАЛ, ОППОГИМ**

Мен кўрганда анча ёш эдинг,  
Улғайибсан ҳусн кирибди.

Юрагингга тор келган танинг  
Кенгайибди, хўп келишибди...

Банги чолнинг ўчган шами каби  
Ўчиб кетди оти ўтмишнинг!  
Ўйноқ бўлиб ўртоқларнинг лаби,  
Ширин сўзлар қолмас сира тилнинг  
Тагларида беркиниб, ўлиб.

Аччиғланмас умринг бўғилиб.  
Рангларингга ранг қўшилибди;  
Буғдой каби қоп-қора юзинг!  
Чарос каби қоп-қора кўзинг,  
Кўзларингга ой беркинибди.

Сабоқларинг ақл беради,  
Қўлтифингда дафтар, китобинг.  
Курсга борасан.  
Кўчалардан  
Тингладим мен босган қадаминг,  
Юксал, оппоғим, қўзичофим,  
Қўлни парда қилма, очигил,  
Юксал, оппоғим!

*Қўқон, 1931*

\* \* \*

Ёдимдадир узоқ Шимол,  
Ёдимдадир, у тинч оқшом.  
Сув бетига эгилган тол  
Шивир-шивир қилиб беҳол  
Сўзлагандай эди боқсам.

Шунда сен ҳам етиб келдинг,  
О, денгизнинг оқ қундузи.  
Кўл бўйидан чечак тердинг,  
Эсадалик деб менга бердинг,  
Эсингдами, Шимол қизи?

Ҳали-ҳали қулоғимда  
Қалтираб куйлаган гитар,  
Үрган изинг ёноғимда,  
Кулкиларинг саноғимда,  
Дилдан улар қайга кетар?

1935

## ҚИЗЛАР

### I

#### ҮРТОҚ

Қуёш каби жаҳонга машҳур  
Ёшлигимнинг ҳамроғи Хумор.  
Мен биламан, кўнглимиз баҳор,  
Мен биламан, ширин бу умр!

Мен биламан, йиллар ел каби  
Тез ўтади... Тўймай қоламан.  
Шунда хаёлимни сел каби  
Ўтмиш босар... Эсга оламан.

Ҳам келажак, ҳам буқун, ҳам у  
Ўтмиш бўлган шонли онларни.  
Бизнинг шодлик учун жангларда  
Дарё-дарё оққан қонларни.

Шунда кўзим ёниб кетади,  
Сен тоғ каби босиб келасан.  
Қандай яхши, Хумор, сен борсан —  
Дўстларимдан... Кўнглим ўсади!

Бошга қайғу тушса, бўлишдик.  
Шодлик бўлса, тенг шерик бўлди.  
Шунинг учун кўнглимиз баҳор,  
Баҳор ишқи билан лиқ тўлди.

Қандай шодлик, бутун умрни  
Яхши шеърдай ёддан биламан.

Қандай яхши, Хумор, сен билан  
Эски ерда бирга юраман!

Қандай шодлик, Ватан... юр!— деса,  
Бирга қатор турамиз, Хумор.  
Мен — командири, сен — ҳамшира,  
Ҳамон кўнглимиизда гулбаҳор!

## II

### МУҲАББАТ

Дарё чайқалди сабодан,  
Ойнинг нури чил-чил синади.  
Денгиз каби мовий ҳавода  
Юлдузларнинг сайри тинади.

— Муҳаббат, тур, Муҳаббат, уйғон,—  
Дейди секин меҳрибон она.  
Ширин тушлар кўриб тўймаган  
Муҳаббатхон уйғонар, яна...

Шу дам, билмам, на хаёл кечди,  
Шаҳло кўзи сузилиб кетди...  
Барг узилди, барг бетидаги —  
Ой парча ҳам узилиб кетди.

Салқин ҳаво аста қўяр лаб  
Оппоқ бетларига кўчада.  
Кўрмоқ учун уни атайлаб,  
Якка юлдуз қопти кечадан!

Муҳаббатхон елиб боради,  
Дуррасини ўйнар шаббода.  
Карвон булут кўчар самодан:  
Республика тонги отади.

Муҳаббатни қучди комбинат,  
Шаҳло кўзи сузилиб кетди.  
Барг узилди. Барг бетидаги  
Хира ой ҳам узилиб кетди.

Сабија қолди мис ангишвона,  
Энди бармоғини сиқмайди.  
Қайғусига айлаб нишона  
Сафсар чойшабларни тикмайди:  
Шеър париси — илҳом Муҳаббат!

### III ОИИМЖОН

#### 1

«Ўлгур, қаҳраб қолгур, хирмони!  
Мунча ширин-шакар бўлибсан?  
Тўлин ойдай роса тўлибсан,  
Кошки, юзингга акс солган  
Зухро юлдуз асти ўчмаса  
Кошки, бетингдаги тиниқлик  
Бегона лабларга кўчмаса.

Кошки, шундай чирой сен учун  
Молинг бўлиб қолса умрбод.  
Кошки, орзу-ҳавасни бутун  
Булбул каби ўқиб бўлса ёд.

Кошки, баҳтим сиёҳ бўлмаса,  
Шабнам бўлиб, инсам баргингга!  
Кошки, хўжайним сўкмаса,  
Сени қўйиб берсам ҳаддингга».

<sup>1</sup> Узумнинг бир тури.

Деди. Қўзларида сел, равон,  
Тирноқ урди бандига аста.  
Узум узилди-ю... бирпасда  
Ерга тушди...

Эзилди: вой... Қон!

Боғ тўрида охирги юлдуз  
Йилт этди-да, ўчди бутунлай.  
Сезмай қолди зорланувчи қиз,  
Саҳар унга пинҳонди тундай...

Пинҳон эди унга бор' умр,  
Чунки, ҳаёт этмишди басир,  
У, фалакдан узилиб тушган  
Қуёш эди... Ва лекин асир!

2

Сийрак туман босган бир саҳар,  
Саватларда лиқ тўла узум.  
Қора сочи белидан узун  
Ойим ишком аро барг йифар.

Қўзларида асар қолмаган,  
Хунибийрон тўккан ёшидан.  
Рўмолини олиб бошидан,  
Елкасига пешкач ташлаган.

Ёнбошида, пастак супада  
Ўғилчаси ухлаб ётади.  
Жавдираган қора кўзидан  
Тўлиб-тошган меҳр томади.

Қажавалар' лиқ оламжаҳон,  
Хирмонию, кишмиш, даройи...  
Қолхоз гулзорида Ойимжон  
Кундуз Қуёш, кечаси Ойи.

## IV

ОҚИЛА

*Кеча*

Кечагина етти пофона  
 Шотичадан томга чиққанды,  
 Онанг сени уришар эди:  
 — Йиқиласан, Оқил, жувонмарг!

*Бугун*

Оқ шоҳидан қанотинг сенинг,  
 Қантар каби ўйнаб осмонда.  
 Булутларни сайд әтиб юрдинг,  
 Олам қойил сенга, Оқила!

*Эртага*

Юлдузларни асир оласан,  
 Сендан битта илтимосим бор:  
 Сен ўшанды, мана шоир!— деб,  
 Зуҳро юлдузин менга бергин!

## V

АРМИНА

### 1. Бир қизни кўрдим

Юзимга оч, суқли қарадинг,  
 Лабларингда ширин табассум.  
 Балки, мени ошна санадинг,  
 Майли, қолай ёнингда бир зум.

Майли, қолай, сездим ўйнашин  
 Осмон билан ўхшар кўзингни.

Ҳой, ўйли қиз, ниғоҳи яшин,  
Тортинмасдан тила арзингни!

Сен қарайсан, сенга кўнгилли  
Тўлқинларнинг куйлаб оқиши.  
Сен қарайсан, сенга севимли  
Буёнларнинг чечак отиши.

Сен қарайсан баланд қирғоқдан  
Узоқ юлдузларга термулиб...  
Оққумларда излар қолдириб,  
Кимни кутиб чиқдинг бу ёққа?

## 2. Қўзлар, яхши қолинг

Асли кўк кўз экан — кўз деган.  
Худди денгиз... Ишқу ҳурматни  
Кема қилиб, юзсанг ўшандан,  
Англар эдинг бутун неъматни!

Қўрасанми, қандай чиройли  
Тикилганча боқиб турса у?  
Чидолмайман, пишган тут каби  
Оёғига тўкилмасдан дув.

Қўзлар!  
Оққуш учди қаёққа?  
Қанотида олиб кетсайди.  
Бутун ўйим мана шу хатда,  
Эгасига тезда етсайди!

Қўзлар!  
Яхши қолинг мен кетай,  
Нотаниш қиз, хатинг омонат.  
Хотиржам бўл, мен шуни айтай:  
Шоир қилолмайди хиёнат!

### 3. Қиз хатидан парчалар

Бу ёқларда сулув бўлади  
Май ойининг салқин тунлари.  
Чечак отса буён гуллари  
Қирғоқ чирой билан тўлади».

Бу ёқларда далалар ташна,  
Сув умрнинг қони ўрнида.  
Бу ёқларда даштлар қўйнида  
Мен зарурман ва лекин шошма».

Мендан хурсанд ҳамма кўнгилдан,  
Агроном қиз,— дейди барчаси.  
Мен бу ёқда, қумлар қўйнида  
Инқилобнинг кичик парчаси!»

Парча-парча синса сув узра.  
Туман ўтиб келган ой — яхши.  
Агар боксам, шундай бир' сира  
Нигоҳингни элтади нақши...»

Шу ой билан чиқиб ҳар оқшом  
Хаёлингни қиласан, севгим.  
Қайда бўлсан, қаерга борсан  
Йўқолгандай худди бир кимим...»

«. . . . . . . . . .

Сен қалбимда ўчмас суратсан,  
Қандай қилиб сени соғинмай?  
Сувлар гўё менга оқин — май,  
Қарайман-да, дил овутаман!»

«. . . . . . . . . .

Ортиқ чанқовликда ўстирган  
Гулзорим бор, оқ гулларим бор.  
Улар сени танийди кўпдан,  
Улар сенга кўпдан интизор».

«. . . . . . . . . .

Қора рангни асли севмасдим,  
Энди тун ҳам кундуз билан тенг.  
Билмоқ эди бу сирни қасдим,  
Билсам қора экан кўзларинг!»

«. . . . . . . . . .

Сиқиласман эслаган чоқда  
Сеңинг билан кечган дамларни,  
Аммо, армон буюк бу ёқда:  
Келтирмайман ёнга ғамларни!»

«. . . . . . . . . .

Сиқилсам-да, соғинсам-да, мен,  
Ватан хоҳишини тутаман!  
Хафа бўлма, унумтагин сен  
Унумтайман, мен ҳам кутаман!»

«. . . . . . . . . .

Майли, севгимизнинг онлари  
Узоқларда тўйдирмай ўтсин.  
Майли, керак бўлса қонларим  
Сув ўрнида ерга тўкилсин».

«. . . . . . . . . . .

(Кечир мени оппоғим, бекам,  
Омонатни ошкор айладим.  
Биламан, ваъдадан айнидим,  
Қандай қиласай шоирлик экан!»)

#### 4. Сен севасан

Сен севасан салқин ва енгил,  
Аму чўмилтирган шамолни.  
Сен севасан, нотаниш сингил,  
Кўнглингдаги тўла армонни.

Севар ёринг сендан узоқда  
Ичиккансан бу ёқда ёлғиз.  
Лекин Ватан ошиқ этган қиз  
Севгинг ундан кучли бу ёқда!

Хаёлларга чўмиб қарайсан  
Тўлқинларинг юксак ёрингдан.  
Ўйларингни чангга қорасан,  
Қолиш кучли келар борингдан.

1936

\* \* \*

Мовийлик денгизи борлиқни кўмган,  
Бетимга салқин ел аста уринар...  
Нигоҳим кундузнинг нурига чўмган,  
Узоқдан чинакчи қизлар кўринар.

Кўнглимга қуйилар шўх, қичиқ ялла,  
Осмондай юксалар орзу ва армон.  
Оқ гуллар очилиб етилган палла,  
Булутдай тўлғанар каттакон хирмон...

1934

## **БИРИНЧИ ХАТ**

(Тоқтошини ўқиб)

### I

Ухла, қўзим, ухла, оппоғим,  
Йшонган боғим.  
Суянган тоғим алла-ю, алла...  
Ухла, қўзим, ухла, дагарим,  
Ухла, акарим.  
Ухла шакарим, алла-ю, алла...

### II

Ҳали гул ёшлигим шамолдай ўйнар,  
Севгим бирон қизда тинмаган ҳали.  
Ҳали сочим қора, ишқ-ла тарайман,  
Оппоқ қиров дона инмаган ҳали.

Ҳали туғилганинг йўқ, ўғлим Қундуз,  
Она бўлиб бирор келган йўқ уйга.  
Бола тўғрисида бир шеър битириб,  
Чарчаб ухлаганда, кирдинг тушимга.

Қандай ширинсану, қандай кўркамсан,  
Отанг ўргулсинми, сухсурим, сендан?  
Оҳо!.. Қадди-қоматинг раъно,  
Нозик кулгу учар анор лабингдан.

Кўзми ўша? Ёки қоп-қора чарос?  
Ой нурида якка шудринг донами?

У қайрилган қошми, ёки қуш қанот?  
Боқишиларинг баҳор, ё нишонами?

Сен ўсажак насл кўргазмасидан?  
Кел, ўпайин тўйиб, кел қучоқлайн.  
Келгин, бексрларга оқмасин суқим.  
Келгин, бир нарсам бор бағрим қатида.

Сенга берай, олгин!  
Кел!  
Қочди уйқум,  
Қўзларимни очдим: терлаб кетибман...

Шундай бўлармикан?  
Ўйимчувалди.  
Қани ота бўлсан, ўғлим бўлса-ю...  
Юрак жониворим беҳол увалди.

### III

Тушим қурсин, кўнглим паришон,  
Хаёлимда сен яшаб кетдинг.  
Юрагимга ишқ ташлаб кетдинг,  
Тушим қурсин, кўнглим паришон.

Ҳавасимни ушатай десанг,  
Онанг асл севганим бўлсин,  
Туғил, эркам, кўзларим кўрсин,  
Ҳавасимни ушатай десанг.

Ҳавасларим бир ушалсин деб,  
Сенга хат ёзгали ўтирдим —  
Юрагимдан дур-гавҳар тўқдим,  
Ҳавасларим бир ушалсин, деб.

## IV

Менинг хатим бир эртакдек бўлар,  
Роса мароқ билан ўқирсан.  
Ўз-ўзингдан алланима ўйлаб,  
Алланималарни тўқирсан.

Майли, ўғлим, майли, раъно насл,  
Мен ёзаман сенга хатимни.  
Орзуйим бор, зора хатим билан  
Унутмассан менинг отимни.

## V

Биз фронтдан енгиб қайтганда,  
енгиб қайтганда,  
Мамлакатни кўрдик, вайрона;  
Синган завод, куйган далалар,  
куйган далалар.

Очлик қанот ёзган ҳар ёнда...  
Юрт устида ёш тўкар осмон,  
ёш тўкар осмон.

Йифлаб ўтирмадик қайфу еб,  
Мамлакатни тиклагани кетдик,  
тиклагани кетдик,  
Бу боғларнинг боғбони — биз! — деб.

## VI

Одамни одам эканин  
Бизлар кўрсатдик!  
Тиф ва очлик... Ҳатто ажал  
Балосин енгдик!

Боғлар унди, боғлар ўси,  
Гуллади боғлар...  
Шуҳратимиз қаршисида  
Титради тоғлар!

## VII

Ададлар дунёда фақат бир сағина  
Яшарди чўтланиб, қуруқ ҳисобгина,  
Биз тараф уларни кўтардик пешма-пеш:  
917 ва буюк бешма-беш.

## VIII

Менинг хатим бир эртакдек бўлар,  
Роса мароқ билан ўқирсан.  
Ўз-ўзингдан алланима ўйлаб,  
Балки, алланима тўқирсан.

Балки, дерсан улар ким бўлганлар?  
Ёки насли бошқа бир одам?  
Бизга ўхшаб шўрва ичганларми?  
Ё, бўлмаса дев бўлган отам?!

Йўқ, болажон, бизнинг йилларнинг ҳам  
Фасли: баҳор, ёзу қиши ва куз.  
Биз ҳам шўрва қайнатганмиз роса,  
Қайнатганмиз гўшт, картошка, туз.

Биз ҳам истаганча ўйнаб-кулган,  
Кунларимиз кечган соатбай.  
Уч сменлаб ишда қолсак ҳамки,  
Кун ҳар куни чиқиб ботгандай.

Гул тақиши канда қилмаганмиз,  
Пайт-пайтида ўпич сўрганмиз.  
Ойли тунлар, тиниқ кўллар бўйи  
Севган қора сочни ўрганмиз...

Бизлар фақат сизларга пеш бўлиб,  
Сизнинг номингиздан урушган.  
Кенг ижодий, асл ҳаёт учун  
Фарзандларни жангга суришган!

1932



Яна кўнглимда эрка бир шодлик,  
Яна тилимда севгили шеърим.  
Яна то ичдан томчилар суқдор,  
Томчилар сувдек эзилган меҳрим.  
Яна кўнглимда эрка бир шодлик.

Яна гул баҳор, яна кулган қиз,  
Яна осмоннинг топ-тоза таги,  
Яна гулларнинг қайрилган барги,  
Қайрилган барига инган оч салқин...  
Яна гул баҳор, яна кулган қиз.

Яна меҳрибон, шонли Ватаним,  
Яна гулларга чўмилган бекат.  
Яна сен ўсган шонли мамлакат,  
Шонли мамлакат, салом Ереван!  
Салом, меҳрибон, шонли Ватаним!

*Ереван, 17.VII.1934*

## СЕНГА, СИНГЛИМ

(Укам Равзахонга)

Кўчаларда қуёш байрам этар,  
Ел — оркестр ўйнайди хурсанд.  
Биласанми, бу тўп қайга кетар?  
Қолма! Орқасидан югур сан!

Қолма! Осмон кўм-кўк байроқ каби  
Бош устингда ёйилган ҳамон.  
Тутқич бермай худди симоб каби  
Олға қараб ташланар ҳар он.

Тинглайсанми, темир қадамларни?  
Эҳ, қандай кўп, олдингдаги тўп!  
Югур! Қичқир! Бермагин дамларни,  
Севин, севинтиргин, дегин хўп!..

1934

\* \* \*

Шафақ — узун, қизил лента  
Денгиз четида.  
Шовиллаб шабада елар  
Тўлқин бетида.

Оппоқ қаноти қайрилиб  
Оққуш учарми?  
Ёнбағирлаб, мунча пастда,  
Сувга тушарми?

Чирик-чирик...  
Чирик-чирик...

Эй, оққушим, оппоқ қушим,  
Саломингми бу?  
Ёки, кечмиш эсдалиги  
Аламли қайфу.

Билмадим мен, учиб ўтдинг,  
Кўздан йўқолдинг.  
Билмадим мен, негадир сен  
Юракни олдинг.  
Эсларимга тушиб кетди  
Йилларнинг куйи,

Кўз олдимда Шаумяннинг  
Бasti — бор бўйи...  
Хаёлларим чўзилди-да,  
Сув билан оқди...  
Шафақ — узун, қизил лента,  
Денгизга ботди.

*Каспий-Боку, 1934*

## **ХАЙР, СЕВАН**

Ел эсар ҳув-хувлаб,  
Тўлқинлар шўх, эркин  
Қўксимга отилган  
Томчи сув не деркин?

Ҳали ҳам бағрим ҳўл,  
Эсимдан кетмайди.  
Ажралгим келмайди,  
Эй, шиша, олтин кўл!

Сен билан ширинди —  
Шакарди ҳар бир он.  
Найлайки, бу ҳижрон  
Киприкка илинди?!

Алвидо, мармар сув,  
Алвидо, қирғоқлар!  
Алвидо, марварид,  
Сачралган оппоқлар!

Сувларга тўш қўйган  
Кенг осмон, алвидо!  
Тунларга нақш ўйган  
Ой макон, алвидо!

*Eреван, 7.VII.1934*

## КОРАБ

Оқшом тушди, тоғни туман босди,  
Юлдуз билан тўлди денгиз ости.

Ўйнайди шамол,  
Ухлайди шимол...

Соҳил қолди, яна олға қараб  
Чиқди аста тоғдай буюк кораб.

Сувлар чайқалди,  
Ой қалқиб қолди.

Бўрон, чақмоқ, довул ундан йироқ  
Тилак байроқ, тилак қўзда чироқ.

Пириллаб ёнур,  
Недан тап тортур?

Ўлим, қўрқув, йўқлик қўрқитолмас  
Тилак байроқ, тилак қўлга компас

Бехатар сафар!  
Бўйсунар зафар!

Оқшом тушган, тоғни туман босган,  
Тиник сувда чўкиб ётар осмон...

Мен қараб қолдим,  
Кенг нафас олдим.

*Мурманск, 1935*

## ДЕНГИЗГА

Оқ денгиз, яхши қол! Яхши қол, Шимол!  
Кўнглимда ишқингни олиб қайтаман.  
Сочимни ўйнайди муздек шўх шамол,  
Мен унга дардимни қандай айтаман?

Кечқурун қирғоқда айланиб танҳо,  
Севдим, севиб қолдим тўлқинларингни.  
Ойни чўмилтирган тинч тунларингни  
Тушимда кўрганда не қиласман, о?

Ўйнагил сўнг марта, чайқал, эркалан!  
Армоним қолмасин кетар олдимда.  
Бағрингда балиқдай юзган оқ елкан  
Бир умр сайр этгай менинг ёдимда...

Яхши қол, эркин сув! Яхши қол, денгиз!  
Тўлқинлар, қўйнимга қиздай кирдингиз...

*Oқ денгиз, 1935*

## ФАЗАБ

Мұхит кенг, фўртана кучли,  
зўравон,  
Тўлқинлар қаҳрида қолар  
**хору-хас!**  
Їўл ойдин, ишонч-ла борар  
карвон,  
На қуюн, на тўфон қарши келолмас!  
Ҳеч қарши келолмас, мұхит  
зўр экан,  
Мачтасиз, тиргаксиз, йиртилган  
елкан!  
Ўлимдир тақдири унинг  
шубҳасиз!  
Бир танмиз, бир жонмиз  
бизлар ҳаммамиз.  
Ҳар томчи қонимиз Ватанга фидо!  
«Ўлим!»дир ҳар қалбдан  
чиққан ҳар нидо.  
Ўлим сенга, душман! Ўлим,  
ваҳший ёв!  
Сўрайман, ўртоқ суд, кесинг беаёв!

## УЛИМ ЙҮҚ

Доҳий у — порлаган қуёш,  
Нури билан тўлган баҳтли дил.  
Мен ожизман, шоирлигим ёш,  
Таърифига кучсиз мингта тил!  
Шеър жуда тор. Сиғдиролмайман  
Эй, келажак шоири, дўстим.  
Бу энг катта камчилик-кўстим,  
Мени кечир, сендан сўрайман!  
Одамзод то тирик бўларкан,  
Тиллар минг бор ўзгарсалар ҳам  
Бу ном унутилмас! Йўқ!  
А... Истроил мен сенга қойил,  
Ки — қўл бериб кўришгансан сен.  
Сендан баҳтли йўқ бу жаҳонда!  
Мен биламан, севинч ёшлари  
Юрагингда қайнаган, тошган  
Уни кўрган замона ўйнаб...  
Чунки, унинг номи баҳт эрур,  
Чунки, унинг ишқи денгиздай  
Кенг ва улуғ, соҳилсиз, олов...  
Қофиямни кўргин, етмайди,  
Келажакнинг шоири, кечир,  
Бу энг катта камчилик-кўстим!  
У порлаган қуёш ботмагай,  
Биз ҳаммамиз унинг жонимиз,  
Биз ўлмаймиз. У ҳам ўлмайди!

1935

## ОҚ ЮВИБ, ОҚ ТАРАБ

Онажоним, соғ бўлсанг  
Севинчим менинг.  
Ўзим ҳар жойда, дилимда —  
Меҳринг ўти сенинг.  
Ҳол сўрабсан шу хатингда,  
Онам, икки кўзим:  
«Ўғлим, ўқишиларинг қалай,  
Сиҳатмисан, қўзим?»  
Кунлар ҳавас уйғотганлар,  
Тилак йўлга кирган.  
Ўғлинг уста бўлиб энди  
Тўп-тўғри сўзлардан —  
Байтлар тўқийтурган бўлган.  
Онажоним, соғ бўлсанг  
Севинчим менинг.  
Ўзим ҳар жойда, дилимда —  
Меҳринг ўти сенинг.  
Эсингдами, ғариб она,  
У қишиларнинг заҳри?  
Юзни моматалоқ қилган  
У йилларнинг қаҳри?  
Меҳрибоним, ёдга тушди,  
Бир куни куз наҳори,  
Сарғайиб ерга тушгани  
Бир кўм-кўк япроқнинг.  
Қон, ёшлар-ла тўлганда  
У кўзларинг сени,  
Тупроққа юз тутганда

Умринг баҳори.  
Қора кунларнинг азобини кечалари санаб,  
Кечалари санаб,  
Оёқ яланг, бош яланғоч  
Қолган кунлар қани?  
Онажоним, ўтди йиллар,  
Ўчди йиллар оти...  
Эсга солма, меҳрибоним —  
Кўриша олмай дийдор,  
Ажралишиб кетганмиз...  
Мен кўчаларда хор...  
Эсга солма, муштумзўр —  
У хўжаларни:  
Мени кўп қийнади,  
Жоди олиб қўлларимни —  
Қонларимни кеткизди,  
Уриб юзларимга у,  
Ҳолимни биткизди...  
Онажоним, ўтди йиллар,  
Ўчди йилларнинг оти.  
Юзларимга қара, қани?  
Йилларнинг заҳри қани?

• • • • • • • • •

Ёдга тушиб қувонтирас  
Ширин гулларнинг  
Салом-ла қўйин очган  
Интернатим менинг...  
Қўлтиғимдан тутган Мўйдин,  
Жавлон, Абдуллолар,  
Кўчалардан топиб мени,  
Ювган комсомоллар.  
Кўзларимнинг қорасидан  
Суратлар солганлар.

Дилларимнинг саҳифасида  
Ўчмас ёзилганлар...  
Яхши, она,  
Ўқиши яхши,  
Сиҳатлигимдир яхши.  
Боражакман, ўтказай-чи,  
Бу ўқиши йилини...  
Оқ юволмай, оқ таролмай  
Ўтган бўлсанг, она,  
Оқ ювиб, оқ тараф  
Қатта қилди замона.  
Онажоним, соғ бўлсанг бас,  
Севинчим учун менинг,  
Ўзим ҳар жойда,  
Дилимда —  
Меҳринг ўти сенинг.

*Самарқанд, 1931*

## ҚОРА САТРЛАР

Келдим, яна ёдимга тушди  
О, шаҳарим, ўсган ерларим.  
Хаёл яна қуш каби учди,  
Яна сени куйлар шеърларим...

Йиғлаб ўтардим қўчалардан;  
Кўз ёшимни шимган ер гувоҳ.  
Топиб келиб, тун кечалардан  
Интернатга бермадингми, оҳ?

Етим қолганимни биламан:  
Мен бешикда, худди иккита  
Чўян соқقا каби кўз билан  
Жон беришин кўрганман унда...

Ҳали-ҳали ухлар пайтимда  
Мисолини қиласман хаёл.  
Нега баҳоримда — ҳаётимда,  
Тирилишин қилмай, эҳтимол?

Отам ўлди, мен сарсон бўлдим.  
Шум етим,— деб сўқдилар мени.  
Ажаб кунга мубтало бўлдим,  
Қўчаларга қувдилар мени.

Ўша кунлар дилимда ҳаёт.  
(Оғир ғамни унутиб бўлмас!)

Тур!— дедилар,— тур, етимча зот!  
Иложим йўқ, тураман бирпас.

Сўнгра ўзим — ўзим олдимдан  
Қарамасдан кулиб ўтаман.  
У эски «ман» фақат ёдимда,  
Энди менда яшар бошқа «ман!»

Эсимда, бу ерга ёш келдим,  
Қоним тўкилган жойни билмай.  
Кўчаларда шамолдек елдим,  
Тентиб, ором не экан, билмай!

Мана боғим, мана интернат,  
Ҳали-ҳамон очилар сирень.  
Бу ер менга, ҳаётимга кат  
Берган учун кўринар ширин.

Мен бу ерда биринчи дафъа,  
Икки сўзни қоғия қилдим.  
Мен бу ерда биринчи дафъа  
Икки кўзнинг ўтида куйдим...

Э!.. Бу майли. Яна эсимда  
Кўчаларда оққан дарё қон.  
Мен билмайман, аммо тушимда —  
Шунда акамни кўрдим қурбон...

Қетдим, деган, қайтиб келмаган,  
Зулмга сабри чидолмаган.  
Йигит эди, сўзлар эди рост,  
Фақат, шуни биламан, холос!

О, у юрак, о, у, тилла бош,  
Ўлим учун чиққанми эдинг?

Йўқ, биламан, фақат тинч яшаш —  
Эркинг учун олишган эдинг!

Майли, уканг сенинг учун ҳам  
Яшар. Юзга кирмасдан ўлмас!  
Эсимдасан ҳар қачон, ҳар дам,  
Оғир ғамни унутиб бўлмас!

Онам тирик, сенмисан, она?  
Кўкрагингга бош қўяй, яна.  
Кўз ёшини бас қил, йиглама!  
Ўлган илонларни қўзғама.

Дайдиб кетган ўғлингни кечир,  
Эмгим келди, меҳрингдан ичир,  
Маст бўлайин чақалоқ каби...  
Тўйсин ўғлингни ташна қалби!

— Куйиб адо бўлдим кўйингда...  
— Бас қил! Йифи кўзни бузади.  
Қара, деразанинг кўлида  
Бахтли кунлар ойи юзади...

Истайсанми, нур кийинтирай?  
Истайсанми, олиб кетайин?  
Юргин, чаманзорга элтайин,  
Юр, туғишган қоним, ўргилай!..

Келдим, яна эсимга тушди  
Болалигим, ўсган ерларим.  
Дилимдан тўкилган шеърларим,  
Хаёл қуши қўкларга учди...

*Март, 1933*

## МЕН ҲАМ БОРАМАН

Саноқли кунларнинг  
Саккиз минг саккизи...  
Қафтимда йилларнинг  
Йигирма бири бор.  
Айлантириб гардиш,  
Гуллатиб баҳор,  
Меҳрибонона сиқиб  
Солган оқ изи.  
Ёш ва хуш. Анча кеч  
Дунё кўрдим мен.  
Кураш кунларига  
Завқим оқади...  
Шеърим узоқларга  
Қанот қоқади.  
Дейман: «Кеч туғилдим,  
Нелар кўрдим мен?»  
Мен бўлганим йўқ  
Фронтда ўқчи,  
Шонли подпольега  
Улгуролмадим.  
Бир бомбадай ростлаб  
Ёшлигимни, мен  
Душманларга қарши  
Эҳ!.. Узолмадим.  
Нева суви — сарғиш,  
Аврора — олов,  
Қизил матрос бўлиб  
Байроқ тутмадим.

Смольнийда — постда  
Шлём кийиб,  
Совуқ ҳаволардан  
Құлтум ютмадим.  
Колчакларга қарши  
Үқ отолмадим  
Тайга бўйларида  
Партизан бўлиб,  
Совуқларни енгиб,  
Дарёлар кечиб,  
Сибирияни бўйлаб  
От чополмадим.  
Эҳ-ҳе... Қора денгиз  
Қирғоқларида  
Байроқларни тикиб  
Советлар учун,  
Миллионларга жамлаб  
Ёшлигин кучин,  
Қўшиқ айтотмадим.  
Украинанинг ели  
Сочимни тараб,  
Олча боғларидан  
Олиб ўтолмади,  
Царицин. Фронт.  
Ўша сафларда  
Менинг йигитлигим  
Бўй кўрсатмади.  
Кеч туғилдим. Аммо,  
Қола олмадим  
Икки бўлак йўлнинг  
Аросатида.  
Ҳар бир сўзим — синфий,  
Фалсафий фард,  
Синфий онг ётади  
Фаросатимда.  
Қўлларимда мәтин,

Тоғлар ўяман,  
Ернинг юрагида  
Ҳаёт тиргизиб.  
Езган шеърим билан  
Эски ва чирик  
Онгнинг хонасига  
Янги киргизиб.  
Менинг ёшлигимнинг  
Донги ҳар ерда —  
Днепрнинг ойи,  
Чироқларида.  
Маънисидан тортиб,  
Мансабигача  
Унинг кети борган  
Йироқларида.  
Шамоллардан бўлак  
Ҳеч на бормаган.  
Ташна, қашшоқ, хилват,  
Қумли чўлларга  
Босиб борди қадам.  
Елкан ташлади  
Сокин, кўлмак, тинч  
Дарё, йўлларга.  
Баланд. Фалакларнинг  
Пинжига кирган  
Помир чўққисини  
Босиб чиқди у.  
Ҳатто булутларнинг  
Сайёр бошига  
Хилпираган қизил  
Байроқ тикди у.  
Таништирди чексиз  
Фазолар билан  
Олиб чиқиб ердан  
Асл ҳавони.  
Само тепасидан

Чалди янгратиб  
«Енгув» деган, янги  
Асл навони.  
Тунлар ухламасдан  
Трактор суриб,  
Ой ботарга қадар  
Тикиб оқ чигит,  
Ҳосил билан дунё  
Рекордин берди,  
Менинг гул ёшлигим —  
Шодмондай йигит.  
Мамлакатим танҳо,  
Шон ва шарафли.  
Дунё икки кўз-ла  
Тинмай боқади:  
Бири — пролетариат —  
Мардона дастгир.  
Бири — душман тараф —  
Кўйиб ётади.  
Душман талвасада...  
Ўлим хавфи зўр.  
Истар, чегарадан  
Отни солдирсин.  
Истар, иссиқ қонни  
Совуқ қолдирсин,  
Бўҳтон қазиётир  
Унга чуқур гўр!  
Қўярмидик, жиндак  
Босиб ўтсин у,  
Қўярмидик, вайрон  
Қилсин Москвани.  
Қўярмидик, бизнинг  
Қонни тўксин у,  
Қўярмидик омон  
Қора — маст ёвни!  
Агар от солдирса

### **Чегарамиздан.**

Агар сабзазорга,  
«Кирай!» деб кўрса,  
Менинг ёшлик босар  
Қулонгир қаттиқ.  
Менинг ёшлик деяр:  
«Азамат, кўрсат!»  
Шу сафларда ботир  
Ёш ва шўх нафар,  
Мен ҳам боражакман  
Олдда пешқадам.  
Менинг билан бирга  
Синглим ва дадам.  
Қайтиши йўқ, асло,  
Олмосдан зафар!

*Самарқанд, 1933*

## **БОДОМ ГУЛЛАГАН ҚЕЧАСИ**

Ойдин кеча  
Сутдек оппоқ  
Хар ер  
Хар бир жой,  
Доираи камондан  
Боқар кумуш ой.  
Ой нурини  
Дераза  
Тақиб сув оқар,  
Жимирлаб  
Ой акси ётар.  
Ой нурини  
Кўзга солиб  
Кўрдим ялангдан  
Бодом гуллаб қолибди  
Оч пушки рангда...  
Шу кечада  
Бодом гули  
Рангга кирганда  
Ойнинг нури  
Яёв юриб эркин кулганда  
Кеча чокини сўкиб,  
Юксаладир бир садо,  
Юксак кучидан  
Парча-парча йўлда ётган  
Ойнинг нурлари,  
Дам липиллаб,  
Дам жимирлаб титраб қолади...

Бунда трактор борадир  
Паҳлавон каби  
Гурсиллайди  
Унинг қўйган  
Ҳар бир қадами...  
Тун қўйни  
Чақмоқ каби  
Ёрган трактор  
«Диктатура буйруғи»  
Деб йўл борадир  
Ҳайдов планини жадал  
Тез битиргали,  
Партиянинг деганини  
Бажо этгали  
Салмоқ қадам  
Ташлаб бардам  
Бағрига ернинг,  
Тилка-тилкасин чиқариб  
Қора тупроқнинг  
Остин-устун қилиб, яна  
Базўр онтариб  
Ой йўлакдан борадир  
Кучли ҳайқириб...  
Бутун туннинг  
Эрки шунинг,  
Бодом гуллаган кечанинг  
Шеъри ҳам шунинг!  
Темир отга  
Эгар урган  
Оддий бир йигит,  
Шу қишлоқнинг ўспирини,  
Битта комсомол,  
Шу колхознинг  
Бир аъзоси,  
Зарбдор боласи,  
Кўклам учун

Жон куйдириб, тунларни яндаб,  
Пўлат отнинг юганидан  
Маҳкамлаб,  
Ушлаб,  
Нухта солиб қаншаридан  
Ойдин кечага,  
Темир қозиқ қоқиб қўйиб  
Анча тепага  
Юлдузларнинг пойгасидан  
Ютиб марралар  
Меҳнатни ҳар дам билан  
Бошдан карралаб,  
Бораётир  
«Тунлар ҳам  
Ишми?» демасдан,  
«Бўлса бўлар»,  
Деган гапни  
Қилиб турмасдан  
Ҳайдов планини жадал,  
Тез-тез битиргали,  
Партиянинг этганини  
Бажо этгали...  
Тўрт томонга  
Шовқин солиб  
Эркни олиб,  
Ой йўлакдан борадир  
Дадил ҳайқириб...  
Юган ушлаб  
Баланд ерга  
Зарб билан ҳайдаб  
Большевик суръат билан  
Тунларни яндаб  
Бораётган йигитга  
Тикилиб қаранг:  
Оддийгина бир ўспирин,  
Ўзи буғдойранг,

Қоши туташиб кетган,  
Ойнак кўзлари,  
Гул-лоладек  
Ўзга келган  
Чўзиқ юзлари...  
Умри боғидан баҳор  
Йигирма бир бор  
Намойиш қилиб ўтган.  
Кечганлар йиллар...  
Ҳар баҳорнинг мақтовини  
Бир деб бўлмайди,  
Ҳар баҳорни  
«Куртак тугиб,  
Гуллар очар» деб,  
«Ҳар дилга ҳам  
Ширин-шакар  
Илҳом солар» деб,  
Ҳар баҳорнинг мақтови  
Бирдек бўлмайди:  
Бечоранинг бош-кўзини  
Бирор ювмаган,  
Пешонасин силаб,  
Ўғлим демаган —  
Вабо билан кўз юмгандан  
Тоза бор шўри.  
Лаҳат тортиб,  
Йўқ қилгандан  
Она меҳри  
Қони тўкилган  
Эшикдан  
Бўлиб дарбадар,  
Ёш бошидан  
Санғиб қолган  
Кўнгли қарс синиб,  
Ўз эркидан  
Хоҳишидан

Бадарға бўлиб...  
Ёш бошидан  
Ҳар эшикда  
«Бир бурда нон», деб  
«Жон аяжон,  
Раҳм қилинг,  
Ўлдим очдан», деб  
Сарғайиб сомон бўлиб  
Зор-зор қақшаган.  
Бечора  
Фарид бўлиб  
Якка,  
Ул қолган...  
Қарол юриб  
Кўп эзилган  
Сағир —  
Ёш умр,  
Юрак-бағри  
Куйиб кетган  
Бамисли кўмир!..  
Дакки, дастепки билан  
Улғайган, ўсган,  
Бахти очилиб...  
Эрк олиб,  
Ўзига келган...  
• • • • • • •

Кечирган у  
У кунларни, дарди-ғамларни,  
Кечирган у нафасини  
Қисган дамларни!..  
Юрак тўла ҳавасини  
Очиб ташлаган.  
Рангларига ранг қўшилган  
Қонларига қон.  
Колхозда зарбдор бўлиб —

Жон-дили билан  
Ҳар бир ишни пухта қилиб  
Пишиқ бажариб,  
Олдда борган комсомолнинг  
Сафдоши бўлиб  
Меҳнат билан обрў олиб  
Илгари кетган.  
Колхоз ёшлар мактабида  
Савод чиқариб,  
Хат таниб,  
Янги онги  
Кенг шуур  
Топиб  
Темир отнинг тизгинини  
Қўлига олди.  
Темир отнинг ҳисобини  
Қўнглига солди.  
Катта бойнинг ўғиллари  
Ўриб ёлини,  
Гижинглатиб минар эди  
Саман тойини...  
Замон келиб,  
Бизнинг йигит  
«Минайин», деди,  
Тракторни  
Кўриб колхоз  
Ерида бир кун,  
Юрагида сақлаб шунда  
Атайн ҳавас,  
Курс тугатиб,  
Тракторга  
Жабдуғни уриб,  
Сура кетди колхозида  
Тракторини,  
Муштумзўрни онтаргандай  
ОНТАРИБ ерни

• • • • • • • • • •  
Ой кўчасидан ўтиб,  
Трактор ҳайдаб  
Тунги дақиқаларни  
Зарб уриб жамлаб  
Тез битиргали  
Партиянинг деганини  
Бажо этгали

• • • • • • • • • •  
• • • • • • • • • •

Ой шамчироқ  
Ҳаммаёқ оқ,  
Момиқдай кеча  
Ҳайдай деган мўлжалидан  
Қолганди пича,  
Аллакимнинг саси келди  
Чақирган бўлиб,  
Ер устидан  
«Лаббай», деди  
Трактор суриб...  
Марза бошига бориб  
Тўхтади қараб...  
Яқинлашди бир киши-ю,  
«Ўртоқ, ҳол хароб,  
Охтариб келдим кечалаб  
Кўшни қишлоқдан  
Бизнинг трактор, билмадик,  
Бузилиб қолди...  
Колхозчилар атай

Сизга  
Мени юборди  
Тузалмаса  
Катта зарба  
Беради ишга,  
Тузалмаса  
Кечикамиз  
Чигит экишга...»  
Қандай юрак  
Чидаб турсин,  
Уз ўртоғингни  
Кўз олдингда  
Кўли чиқиб,  
Ногирон қолса?..  
Қандай юрак  
Чидаб турсин,  
Ён колхозингда  
Бирор шикаст  
Рўй бериб  
Иш тўхтаб турса?..  
Ҳамма колхоз —  
Битта колхоз.  
Файрат билан,  
Битта йўлдан  
Бир мақсадга  
Интилар бўлса,  
«Қани, юринг,  
Буни қўйиб,  
Бўлмаса сизга  
Бориб кўрайлик  
Нима гап?..  
Уни билайлик  
Аzonгача бўлса ҳамки,  
Бир илож қилиб,  
Тузатайлик.

Колхозда  
Иш оқсамасин.  
Қани, юринг,  
Тез борайлик,  
Кутиб турмасин!»

• • • • •  
Ярим кеча  
Ой сафардан  
Тинай деган пайт,  
Сўқмоқ йўлдан  
Икки киши  
Тезлаб борадир  
Изма-из қувиб уларни  
Ойнинг нурлари,  
Тош бошидан товонгача  
Нурлар соладир.  
Бодом гуллаган кечаси  
Ой кечасидан  
Қўшни қишлоққа кетди...  
Илк саҳардан  
Уз ерида тракторни  
Ҳайдаш керак,  
Ў югуради.  
Чунки, ишонч  
Берган ўт юрак,  
Ки «йўқ» демай  
Отланди, келди.

\* \* \*

Техникани эгаллаган  
Оддий большевик  
Унга ошна  
Ҳар битта винт

Ҳар битта,  
Ҳар битта болтиқ...  
Колхозида тракторист  
Бардам ва тетик  
Жамоага кўнгилли  
Уста механик  
Бутун куннинг  
Эрки шунинг,  
Майли ҳам шунинг,  
Бодом гуллаган кечанинг  
Шеъри ҳам шунинг!..

*Қўқон 1930*

## ҚУЕШ БИЛАН СУҲБАТ

(Кўқон шаҳар  
III-партконференциясига рапорт)

Кийди тос тўн,  
Гумбази осмон,  
Оловланди олмача юзлар,  
Тун кетди, эргашиб шу чоқ  
Ўткан кунлар  
Орқа кетидан  
Бўй кўрсатди ернинг онаси  
Шириш-ширин жилмайиш билан,  
Бера кетди ўтли қўлини  
Менга ўртоқ ҳурмати билан,  
Тутдим қўлин, менинг бошгинам  
Устида бўлиб сарбаст гиря,  
Нурин қўйди менинг кўзимга  
Менинг кулгим билан у, кула...  
Йигирманчи баҳорига даст  
Берган, узатган умрим менинг,  
Кунлар шуури билан зўр, ки —  
— Тўлган дедим, армоним менинг!  
Менга ошна бу олтин нурли из  
Кўзларимни очгандан берли.  
Менга ошна бу ўтли, дилбар сўз  
Тилим сўзга киргандан берли.  
Менинг бўйим комсомолда  
Юксалган, ўсан, кўтарилган.  
Тилим-чи менинг мажлисларда  
Сўзга ўрганган,—  
Бурро бўлган.  
Менинг умрим, давр билан бир

Қадам қўядир, қарс босадир.  
Шунинг учун менинг ҳар сўзим  
Курашнинг шеъри деб,  
Эҳ, аталадир.

Шунинг учун менинг бу тилим  
Курашнинг тили аталадир!  
Шунинг учун менинг бу тилим  
Курашнинг тили аталадир!  
Қўл тутғандан сўзимни отдим  
Ўртоқ қуёш,  
Она — қуёшга:

— «Дунёда ҳеч бир умр йўқ, ки  
Етар бўлса сенинг ёшингга.  
Сен ҳаммадан қари, умрли,  
Сенинг кўзларинг, дунё кўргандир  
Сен дунёнинг тарихшуноси,  
Дунё сендан тарих топгандир.  
Тарих гувоҳ, ўртоқ қуёш,  
Сўйла достон, менга сўйлагин,  
Ўғлинг, ўртоғинг, шоиринг  
Достонга мазмун яратган!»

— Индамади...

Дунё кўрган, билган ҳар бир жон.  
— «Ана чиқди, кулди» деб айтар  
Ҳар бир тилли ҳар ерда, ҳар он..  
Сўйлай сенга, тингла қуёш сен,  
Билганимни — янги бир достон.  
Достонники достонлардан ҳам —  
— Кўп юқори, довруқли достон.

Сен умрда ҳалигача тингламагансан,  
Эшит қуёш,  
Эшит мени, эй:—

Кўрганмидинг, биласанми, айт —  
— Шундай вақт, шундай кунларни?  
Умринг бўйи чиққанмидинг сира  
Ҳеч бир жаҳон кеча — тунлари?

Сен билмагаň,  
Кучинг етмаган,  
Тунлар тонгини оттирдик биз,  
Кўр, қизилликни!  
Кўр, тонгларни!  
(Сендан мастилик истамайман мен,  
Истайманки — мени, фақат —  
Қулоқ бериб тинглашингни!)

— Биласанми қандайин суръат,  
Қандай чидам, қандай куч билан,  
Яшаш ўқини ўтказдик биз  
Бунда жангур, курашлар билан?  
Кўрганинг йўқ! Инкор этмагин,  
Мен ҳам гап билар бир комсомолман.

— Ки, яъни бир большевик аскар  
Менинг кучларим янграйдир  
Бунда ҳамон ҳар сезур башар:  
Қура кетдик ва туза кетдик  
Эскиликка қарши бир дунё...  
(Кўздан йироқ ифлос мози у  
Кирли,  
Аламли,  
Доғли ҳолда!..)

• • • • • • • •

Колхоз даласида Мелибой,  
Завқ билан кетмон уради,  
Тракторни ҳайдаб йўлга солиб,  
Дам бермай кўриқ очадилар.  
Агрономнинг ширин суҳбати  
Ҳар дилига қанддек ёқадир,  
Турсунали иш билан елиб  
Агрономдан йўл ўрганадир.  
Олияхон, Мелихон, Анор,  
Нор кампирлар қурт тутишадир;  
Бир галаси ҳунархонада

Кийим бичиб, кийим тикадир...  
Гўдакларнинг юзлари қизил  
Тарбиялар, ясли озода.  
Қомсомоллар бақувват, нодир  
Бел боғлаган, қолдириб доғда  
Такясида эзиб кўкнорни  
Ранги сўлган — бузуқ жонларни...  
Турдимат чол савод чиқарган  
Газетани ўқийдир шатир...  
Отабойлар мажлисда чиқиб  
Сўз қиласидир... эҳ!.. жуда ўткир...  
Хайринисо эшик очадир  
Кўлда қалам билан дафтари,  
Пишиқтирган у сабофини  
Мактабига томон чопадир...  
Бунда тарқоқ, қўрқоқ қишлоқлар.  
Бир колектив қилиб бемалол  
Батрак, камбағал ва ўрта ҳол  
Рўзгорларни яна бошқатдан  
Янги усул билан қурадир,  
Пахта учун кураш борадир  
Бел боғлаган колхозлар бутун,  
Иш бўлса-чи, сира толмайдир  
На кундузи ва на кечаси!..

Теваракка сас бериб завод  
Тонгда гудогини чаладир...  
Тош кўчалар бўйлаб ишчилар  
Дарё каби чўзиқ оқадир...  
Боради дизели ёнига  
Нефть ёндириб, қувват берадир.  
«Джин» машинани яхшилаб,  
Пахталарни тоза саралаб  
Давр чийриғидан ўтказадир.  
Фабриканинг ипакларини

Қумри силлиқ қилиб ўрайдир...  
Надя унга иш ўргатадир,  
Яхши усулни у кўргазадир .  
Шаҳар обод бўла борадир,  
Солиниб қават-қават уйлар  
Сув навлари... тош кўчалар,  
Фараҳ ҳар ённи қоплар  
Кечалари идораларда  
Ёнар электр ва нурларидан  
Кўмак бўлиб шуъла тушадир:  
Кўрсанг ишда ўртоқ хизматчи,  
Ададларда гигант чиқарар...  
Партияning тўғри йўлида.  
Ҳар жабҳада кураш қизиган,  
Ҳар жабҳада бизники енгган  
Партияning тўғри йўлида

Қурила кетди гигантлар  
Пўлатлардан пойдеворлари...  
Бўй кўрсатди, қурилди бунда  
Социализмнинг қўрғонлари...  
Бунда Сельмаш, бунда Чирчиқнинг  
Ҳар ҳўплами керак бўладир...  
Электрик ойлар яратиб,  
Электрик кучлар туғадир...  
Темир қадам билан саноат  
Қурилиши олға борадир.  
Замон эркини қўлга олган  
Танобини билиб соладир...  
Кишинаб йўлга чиқсан паровоз  
Даштлар ўтиб сира толмайдир!  
Транспорт социализмнинг  
Хизматига жон куйдирадир.  
Шундай... бунда қайтадан яна  
Қурилаётир янги бир дунё

— «Биз ҳозир қадамни қўйдик  
Социализм гул боғига».

Қуёш!

Қуёш!

Ҳой, ўртоқ қуёш,

Мана сенга достон... ҳали бу

Қўшиқ тугаб битгани йўқдир,

Достон ҳали тамом бўлгани йўқдир...

Қуёш!

Бу менинг синфдошларим

— Қурувчилари янги ҳаётнинг,

Уларки

Большевик.

Большевик —

Биз юрганда

Силкинар ер

Турмас тек!

1931 йил

## ТАЪЗИМ

*A. C. Пушкинга*

Теран сўз уммонинг ичра ғарқ бўлиб,  
Аранг чиқа олдим шеърий қирғоққа.  
Ёниқ сатрларда нурланган кўзим  
Равшан боқаётир йироқ-йироққа.

Катта ғала-ғовур олам сатҳида  
Овозингни мутлоқ ўзгача билдим,  
Овозингга монанд шеърлар ёзмоққа  
Саҳарлар ухламай бағримни тилдим.

Янгидан кўкарди фикр — руҳимда  
Ҳиди йўқ, унутилган қуриган чечак.  
Гоҳо кўринади гўзал Татьянанг  
Бизнинг хонамиизда бўлиб келинчак.

Гоҳо рақс этарлар қаршимда туриб  
Жилвакор, ҳусндор черкас қизлари.  
Хуллас, асло ўчмас бўлиб қолдирав  
Лириканг қалбимга солган излари.

Худди ўзингдайин майдондадурман,  
Хур илҳом эгаси — шоир бўлиб мен.  
Дилдан умидларим куйламоқдаман,  
Сен истаган озод замонада мен.

Мен ўзимга хонман, ўзимга султон.  
Қўл чўзиб ҳеч кимдан кутмайман эҳсоҳ.

Эл юрт учун ёниб куйлайман,  
Истагим ҳур ва тинч яшасин инсон.

Эзгу озодлик-ла қонун бирлашган,  
Айрилмас бир тусда жипслашган улар.  
Содиқ қўллар тутган ўткир қиличлар,  
Ватанни қўриқлар жанговар аскар.

Жўшқин илҳом билан сен ҳам сафдасан  
Ижодинг мухлиси — дўст миллат билан.  
Дил-дилдан ҳурматинг айлаймиз бажо  
Халқим боқмас сенга ҳеч миннат билан

1937

## ИСРОИЛ

### I

#### ТУШИМДАГИ ОДАМ

Кўзим юмсам, қора кафанди,  
Соя каби беқон, беҳаёт  
Бир скелет кўринди... Ҳайҳот!  
Тушимми, ўнг? Бу — қандақа сир?  
«Қўрқма, шоир! Мен — майиб асир,  
Мен — одамман. Кўзни очмасдан  
Бешигимни тебратди ўлим.  
Дунё кўриб, кўрмасин унум,  
Чидолмадим йўққа қочмасдан:  
Мен ўлганман кўзни очмасдан!  
Ўлим! Ўлим! Хунук зарурат!  
Тур, эй шоир, руҳингни уйғот,  
Ачин! Агар фифон билан зор  
Айланолса эди тутунга.  
*Мен кўрган зулм, мен тортган озор*  
Бутун ёруғ жаҳонни мозор —  
Қилиб, буркаб қўярди тунга!..  
Мана бу кул, биласанми, ким?  
Бу мен эмиш. Қулки! Инонма!  
Мен одамман. Мана имон. Ма,  
Буни олгин. Мана пичоқ, жим,  
Ховлиқмасдан дилингни кес. Бер,  
Мен тирилмоқ истайман, шоир!  
Қўрқма мендан. Босинқирама,  
Мен — гулханда ёнган Бруно,  
Мен — Темурнинг қули, шаҳиди.  
Мен — ҳарамда зўрланган бир қиз,  
Мен — кўмирга айланган юлдуз.

Мен — оч қолган, ялангоч дәхқоң,  
Мен — дорларга осилган «бунтар».  
Мен — бегуноҳ кўп эзилган жон.  
Мен — одамман. Оlam танийди.  
Ойдин кўр, тўрт оёқقا тўнтар,  
Яхши қара, танийсанми? А...  
Чарчаб қолдим, ором бер. Ухлай,  
Йўқ! Шошма, мен ҳаммани йўқлай,  
Сен бизни кўр. Босинқирама.  
Халал берма, олам уйқуда...  
Бас қил, шоир, кўп алжирама!  
«Ҳай, ўликлар! Қелинг! Ҳай... тўда!»  
Ранги заҳил, қора кафанли,  
Соя каби беқон, беҳаёт  
Скелетлар кўринди... ҳайҳот!..—  
Мен уйғондим. Чўчиб уйғондим.  
Осмон тоза. Ой юзар эркин,  
Чиркин хаёлларга чулғандим.  
Улим! Улим! Ҳаёт учун биз  
Гўё кўқдан отилган юлдуз.  
Оч қўйнингга ташландик бирдан.  
Сен кучлисан. Аммоқи, сендан  
Одам баттар!— дедик; юксалди.  
Одам — одам ҳаққини олди!

## II

### ҮНГИМДАГИ ОДАМ

(Икки ўтич)

Худди тилла капалаклардай  
Шитирлашиб тўкилар барглар.  
Узоқларда кимдир чалар най,  
Банди чуқур ҳис билан тўла.

Қиз кўнглини ёндирап дардлар  
Бетларида етилган шуъла...  
Қиз. Сочлари тўлқин урган қиз,  
Кимни кутар хилватда ёлғиз?  
Қачонгина ерга осмондан  
Тушиб қолган экан бу юлдуз?  
Ким экан у, маътал бўлгани?  
Ким экан у, баҳтли ўспирин?  
Қиз кутиши — ҳаммадан бурун —  
Эр йигитнинг нурга тўлгани!  
Қиз. Сочлари тўлқин урган қиз,  
Кимни кутар хилватда ёлғиз?  
Қачонгина ерга осмондан  
Тушиб қолган экан бу юлдуз?  
У қучоқлаб олди. Муз каби  
Эриб кетган сезди қиз ўзин.  
Юзларига тегди юз. Лаби —  
Лабга тегди. Юмди қиз кўзин...  
Шу чоқ... фарбдан келган бир булут  
Ой юзини тўсди. Бир замон —  
Қоронгилик босди. Тўрт томон  
Жимжит эди. Босмишди сукут...  
Ой ҳам билмай қолди бу сирни.

Жувон. Кўзи яшнаган жувон,  
Сочи тўлқин урган келинчак,  
Кимни кутар? Бир қучоқ чечак?  
Кимга туҳфа? Кимга армуғон?  
Шундай гуллар илинибдики,  
Қаритмайди асти кўнгилни!  
Интизорлик билинибдирки,  
Қучоғига босибдир гулни.  
Киши қанча интизор бўлса,  
Севги шунча ширин туюлар,

(О... Ў қиммат, нозик туйғулар,  
Унутмайман, ҳаттоки ўлсам!)

Энди уни қучоқлади бу...  
Дилдан сезди буюк бир туйғу...  
Хаёллари қаш каби учди,  
Ёдига, ҳа... хилват тун тушди.  
Юзларига юз тегди. Лаби —  
Лаблар билан олишган каби  
Устунликнинг йўлини тутди,  
Ким шоширар жангиди, ютди.  
Үпичларга сифмади шекил  
Унинг ишқи, интизорлиги,  
Куёвининг кўксига буткул  
Ташланди... ва нишондорлигин  
Кенг кўз билан кўриб Ўғилой,  
Не қилишни билмади бирпас.  
Сўнгра, бирдан узмасдан нафас,  
Кўкракдаги Ленинни тинмай  
Чўлпиллатиб ўпди... о, ўпди.  
Дам эрини, дам уни ўпди...  
Чилдирманинг дили ўйнарди,  
Халқ денгиздай тошиб қайнарди...  
Ҳамма кўрди бу катта сирни!

### III

#### МУНЧОҚ КЎЗЛАР

Пирпиратиб мунчоқ кўзларин  
Кушлардан ҳам эрта уйғонди.  
Пирпиратиб мунчоқ кўзларин  
Дадасига қараб тўлғанди:  
Ширин ухлаб ётади ана.  
Бугун тинчиб ухлабдир она.  
Аммо, буни не билсин бола?

Кийғос уриб юборди, ол-а...  
Ўғилойнинг уйқуси қочди,  
Исройл ҳам кўзини очди.  
Дадасидан узилмай кўзи  
Маммасига тирмашди қўзи...  
Бола. У, бир қофоз қайиқча,  
Умр кўлобинда бепарво.  
Гўё тетапоя айиқча,  
Фақат, шодликни этар даъво!  
Бор истаги: асти тинмайин,  
Худди шоир ҳорган калласин  
Икки қўллаб ухлатгандайин,  
Она уни тинч аллаласин!  
Отасига ортиқ ичиккан  
Иброҳимжон ёпишиб олди.  
Ҳатто ҳозиргина эмизган  
Сийнани ҳам хоҳламай қолди.  
«Шакарим... о! Шакарим, ўғлим,  
Ўргулайн бахтингдан, тўқлим,  
Сен боғимнинг қизил гулисан,  
Қизил гулдаги булбулисан.  
Қўзларингдан оқмагай ёшинг!  
Тилла бўлсин, Иброҳим бошинг!  
Ойдек ёруғ бўлсин шу юзинг,  
Ҳалол, ўғлим, ошаган тузинг»,—  
Деган бўлиб ўйга шўмфиди,  
Хаёлида босган ким эди?  
«Қани энди тирик бўлсалар,  
Исройлни келиб кўрсалар.  
Отам... онам... ва акаларим!»  
Анча фурсат ўйлаб қолди дим.  
Сигирини соғди Ўғилой,  
Қўйларига терт солди. Ой  
Девордан паст тушиб йўқолди,  
Тут бошида қўйруғи қолди...  
Буни кўриб дакани хўроз

Осмон бўйи кўтарди парвоз  
Пирпиратиб мунчоқ кўзларин,  
Дадасидан тушмади доим.  
Ўсар... Ўсар кичик Иброҳим,  
Пирпиратиб мунчоқ кўзларин!

## IV

### УНИНГ ИШҚИ

Сутдай ойдин кечаси, жимжит.  
Ер бошида чарчамас йигит.  
Кўзларини уфқа қадар:  
Бу чеккадан у четга қадар  
Қулоч ёзган зумрад чаманзор,  
Кўм-кўк шоҳи қанотин ёзар...  
Напармон гул очилиб қолди,  
Унинг ишқи сочилиб қолди.  
Ҳар битта барг, ҳар битта шона —  
Унинг ишқи учун нишона!  
Кўзларини уфқа қадар:  
Бу чеккадан у четга қадар  
Сув кутадир ташна қолган ер.  
Этагини печкаш олган эр —  
Чарчамасдан, то тонг отгунча  
Суғорадир роса тўйгунча.  
Олмос янглиғ шудринг донаси  
Барг бетида симобдек ўйнар.  
Бу боғларнинг уста — доноси  
Севинчидан булоқдек қайнар.  
Унинг ишқи ташна қолмайди.  
У, ишқидан асти тонмайди!  
Туп ўзини кўтаролмайди  
Хосилининг кўп бўлганидан.  
Кўнгли лиммо-лим тўлганидан  
У, асти ҳам тинч туролмайди;

«О, гулларим! Азиз гулларим,  
Бекор кетмади у тунларим,—  
Парваришим, берган яхобим,  
Сира ором билмаган хобим,  
Бутун кучим, меҳнатим, терим,  
Қиздай тўлиб етилдинг, ерим!  
Хирмон-хирмон қилиб элтаман,  
Куёш каби яшнаб элтаман.  
Хурсанд бўлар мендан барчаси,  
Мен даврнинг кичик парчаси,  
Умрим бутун сенинг измингда,  
Мен яшайман сенинг исмингдан.  
Доно доҳим, буюк Ватаним,  
Мана сенга жоним ва таним!»

## **ҲАҚИҚАТ ҚАЛАМИ**

*(Мухбирларга бағишилаб)*

Қўлингда тинмай ўйнар  
Ҳақиқатчи қаламинг.  
Умид куйини тинглар  
Қалбингда йўқ аламинг.  
Ҳақиқатни ёзасан  
Борлиқни сен кезасан,  
Золим кўнглин эзасан,  
Эркин йўлни чизасан.  
Қадамингда зўр умид  
Ҳар вақт чақнаб тошади.  
Кўнглиндаги зўр белги  
Истак тоғин ошади.

\* \* \*

Шафақ ўчай деб қолди  
Қаптар қонидек рангиз...  
Кўзларимни узмайман.

Дединг:— Энди ўчар у,  
Утган қайтиб келмайди,  
Эртани севиниб кут!..

*1934*

\* \* \*

Кушча каби деразамга урар қанотин  
Водийлардан чечак тақиб келган сентябрь.  
Шодланаман, туйгуларим қайнар бесабр:  
Кенг кўз билан ишонаман: ширин ҳаётим!

Шу чоғдаги юрагимни тинглангиз ҳой, ҳу...  
Акс-садоси гумбурлайди гўё замбарак:  
«Сезгиларнинг бебозори — менимча — туйғу,  
Менга шодлик ва гулларнинг лаблари керак!»

1934

## ДОСТОНЛАР



### III

*Кўз тутдим, кўзларим нигорон бўлди;  
О, дилбар симбарим, юзлари қирмиз,  
Киприги кўксига соя солган қиз,  
Кўз тутдим, юрагим тўла қон бўлди...*

## КИРИШ

Лирика!  
Лирикам,  
Ўйна, кўлкалан,  
Кўлкалан юракнинг  
Покиза найи!  
Сен учун,  
Сен учун,  
Буюк ўлқадан  
Сафарбар этилиб  
Келдим атайин.  
Севгилим, бу кунги  
Найлар — қўшиқлар  
Авжланар чертарак  
Эртанинг созин.  
Лирика,  
Лирикам,  
Сайроқ булбулим,  
Сенга зафарларни  
Куйламак лозим!  
Чу!.. шеърим,  
Чу, ўртоқ,  
Қанот бўлсин ел.  
Эҳ... қанот бўлсин ел  
Учар йўлларда...  
Сен шундай бахтлики,  
Шундай бахтлики,  
Етилдинг ва тўлдинг.  
Туғишган

Синглимга бермаганимни:  
Хурматим,  
Иzzатим,  
Ишқим, меҳримни  
Сенга берибманки  
Ўйнаб-кулсин деб,  
Юртимнинг найини  
Узмай сузсин деб...  
Бил шуни лирикам,  
Ўйна, кўлкалан,  
Кўлкалан, юракнинг  
Покиза найи,  
Сен билан...  
Сен билан,  
Бирга зарб урсин  
Юртимнинг маҳкам  
Қон кезар пайи!..  
Бунча ширин экан  
Сўзларинг сенинг  
Бунча ҳам  
Хур ёнар  
Кўзларинг сенинг,  
Қалбдан энтигади  
Ҳар даминг, гўзал,  
Сенга тил берганда  
Шеърим ҳар маҳал!..  
Сен билан сўзлашмак  
Орзу этгандим.  
Ёшликда онамдан тинглаганимда:  
«Шоир деган бир  
Тоифа бор»,— деб  
Ёд билганимда,  
Тил тагида қолмас  
Ширин сўзлари  
Эркам,  
Лирикам,

Ўйна, кўлкалан,  
Сенга яна ширин  
Бир тил келтирдим,  
Бурро тил келтирдим  
Буюк ўлкадан:  
...Эҳ, қанча,  
Эҳ, қанча  
Ўтган насллар  
Кўрмаганлар бундай  
Юксак нуқтани;  
Билмаганлар бундай  
Юксак нуқтани.  
Эҳ, қанча,  
Кечган асрлар!  
Соқов гадолардай  
**Индамай тилсиз,**  
Кўрлардай очолмай  
Кўзини сира  
Ўтди йиллар...  
Асрлар...  
Яна асрлар  
Боққундай  
Из солмай  
Шундай бир сира...  
Дамлар ўзлигини  
Йўқотиб кетди...  
Кунлар  
Қора туннинг  
Кўйнида шўнғиб,  
Ўйлар туманларда  
Дайдиб, тентираб,  
Нафас уфқлари  
Бўғилиб, димиқиб...  
Юрак уришлари  
Мўътадил тепган  
Қайси бир ҳамхонам

Қайси ишқ билан  
Назар ташласин:—  
Ўтган...  
Кечган...  
Сувлардай жим кетган  
Тарих китобини  
Ўқий бошласин?..  
Ҳеч қачон,  
Ҳеч қачон...  
Ўсар насллар,  
Кўздан нари олмас  
Ҳеч қачон...  
Ўсар насллар,  
Кўздан нари олмас  
Бизнинг йилларни  
Асрлар.  
Келажак, келар асрлар  
Авжлатиб черталар  
Бизнинг қилларни!  
Биз ўзгартиш ясаб  
Ер тарихида  
Янгидан нусхалаб хариталарни  
Ойнинг қадамига  
Қадам қўшдик, биз,  
Бутун умри бўйлаб  
Ғамли дунёning  
Тўйига янгидан одам қўшдик биз!  
Боғлардек,  
Баҳорда кулган боғлардек  
Ўсдик биз,  
Ундинк биз,  
Кулди биз тараф.  
Шунинг-чун,  
Шунинг-чун  
Тиниқ юзимиз,

Шунинг-чун,  
Шунинг-чун  
Бизда шон-шараф!  
Ипакдек мулойим,  
Олмосдек тоза,  
Ингичка, асабий  
Нурлар таратиб,  
Даврнинг  
Электр чироғи ёнган:  
Коллектив юраги  
Ижод-ла тўла,  
Ҳар он,  
Ҳар пайтда  
Янги яратиб,  
Эрта учун юриб  
Узоқ... толмасдан  
Кенг, ойдин кўчадан  
Қадамни бошлаб  
Эртанинг баҳтини  
Олиб бораман!  
Чўлларга гул тикиб,  
Чаманзор этиб,  
Шаҳар ўтиб,  
Дашт ўтиб,  
Денгизлар ўтиб,  
Тарих бетига  
Темир из ташлаб,  
Эртанинг баҳтини  
Олиб бораман!  
Сарбаст ва оғир  
Қадам юради...  
Қаердан унинг  
Овози келса,  
Билингиз унда ҳам  
Инқилоб яшар!—

Сарбаст ва оғир  
Қадам юради...  
Бу кунги ҳар қадам  
Бир эшик очар;  
Бу кунги  
Жонкуяр  
Бастакор,  
Полвон,  
Содиқ,  
Инонган  
Ҳар битта одам  
Бузилмас,  
Занг босмас,  
Бир ҳайкал топар,  
Ҳайкалки,  
Ўчмас,  
Сўнмас  
Нур сочар!..  
...Лирикам, кўлкалан,  
Кўлкалан, гўзал,  
Сен ҳам  
Бу куннинг  
Бир ижодчиси,  
Найлардан фишт ясаб  
Пойдевор урар  
Қурувчи...  
Қурувчи...  
Эртанинг,  
Ёруғ эртанинг  
Ҳайқириқ сололган  
Ўткир жарчиси...  
Кўлкалан!  
Тил бердим,  
Юракнинг найи,  
Кўлкалан!

Эркам —  
Лирикам менинг —  
Ювган,  
Тараган,  
Қараган юртнинг  
Хизматин  
Қилишлик  
Вазифанг сенинг!..

1933

## НОРБУТА

(Шу номли достондан парчалар)

Омон бўлсак, кўришармиз!

Қиши. Изғирин елар бекарор,  
Туннинг сочи тўзиган, бесар.  
Тўйнуқдан қия қараган ой  
Узун шокила шуъла тўкар.

Уйцинг заккина қорасига,  
Бир тола нур секин ёпишди.  
Сарваройнинг қош орасига...

Нега қошлари чимирилган?  
Нега йиғлар у хунибийрон?  
Қаёқдандир кирган жичча ел  
Уй ичиди туртениб, ҳайрон...

Уй бурчида бошини солиб,  
Лабларини тишлаб, тек турган,  
Ўйларига етолмагандай,  
Узун-узун хаёллар сурган  
Норбўта-ку, не бўлди ўзи?  
Нелар бўлди, сўйлагин, қўзи!

«Шундай энди. Сарвар, йиғлама,  
Зинҳор қайғурмагин, чечагим,  
Кўришармиз омон бўлсак, эркам,  
Койинмагин, ачир ивларим...

Кетар бўлдим. Мен кетар бўлдим,  
Не қилайин, Сарвар оппоғим.  
Сен ҳам отам, ҳам озам, укам,  
Қариндошим... ишонган боғим.

Унутар деб ўйлама сира,  
Нега сени унутай, қўзим?  
Сен жонимсан, сен армонимсан,  
Сен юрагим, сен икки кўзим.

Биламан мен, азобим катта,  
Хаёллари чуқур ва чигал.  
Майли, ёлғизликни ҳамроҳ қил,  
Сабр қил-чи, то келгунча гал.

Ёшларингни тўқма, сел қилиб,  
Сенга қандай-қандай англатай?»

Уй қоронғу. Кеча жим, сокин,  
Узоқларда итнинг улуви.  
Секин жилдир-жилдир оқади  
Томорқада ариқнинг суви.

Ой девор ортига ўтмасдан,  
Тонг ёришмасдан-оқармасдан,  
Бўта узун йўлга чиқмоқчи  
Ҳеч ким билмай, сезмай, кўрмасдан.

«Қайга кетаман, дейсиз, Бўтам?»  
Сарваройнинг ёши тўкилди.  
Ёлғизликда не қиламан, дер —  
Шўрим қурсин... Не қилай энди?!

Норбўтанинг кўзларида ҳам  
Еш бор экан, артди билдиrmай.

Қандай қилиб у ҳам ташласин  
Севганини — Сарварни шундай.

Қийин айрилиқнинг дардлари,  
Юрагингни ебоқ ташлайди.  
Тоғ кўринар зарра фардлари,  
Аямасдан кўзни ёшлайди.

Қандай қилсин Норбўта ахир,  
У ҳам ташлай демади уни.  
Қандай қилсин Норбўта ахир,  
Аҳвол мажбур этса гар шуни?

У ҳам ташлай демади уни,  
Норнинг ҳам куяди юраги.  
У ҳам ташлай демади уни,  
Бу эмасди унинг тилаги.

Ки севганидан ажралсин у,  
Ешлик чечагини қолдирсин.  
Ёзги сувлар каби сарғайиб,  
Кўзларини ҳижрон толдирсин.

Сарварини ортиқ севади,  
Сарварни деб, нелар кечирди.  
Сарварни деб, ухламаган ҳеч.  
Сарварни деб, кўзи ич урди.

Бир кўрганда, шув этган юрак,  
Бир куз куни далада юриб.  
Яна тўйларда кўриб уни,  
Юрган орқасидан ўй суриб...

Шундай қўзисини қолдириб,  
Йўқолишга кўнгли бўлмас-ку,

Лекин мажбур, бечора Бўта,  
Кетган билан, кетиб ўлмас-ку.

«Кўзим,— деди,— қўзим»,— деди у,  
Юпатайин Сарваримни, деб.  
Гап рост келмай: Сарвар йиғлайди,  
Юпатиши бўлмай сира эп.

Мана, севганидан Сарварни  
Юрагини очиб ташлади,  
Нега кетар бўлганини у,  
Сарварига айта бошлади:

«Сенинг учун, гулим, айтаман,  
Лекин мени йўлдан тўхтатма.  
Беш-олти кун азобингни деб,  
Кўкрагингга оғир ўқ отма!

Кул қилди-ку босмачи дасти,  
Иллар қақшаган-ку дастидан,  
Эҳ, ёнаман, чидам йўқ асти,  
Эсга олсам ота-онамни.

Биласан-ку, бечора отам,  
Муштипар онамни бегуноҳ  
Иссиқ қонларини тўқдилар...  
Оҳ!..»

«Менинг акамнинг ҳам бошига  
Етган бало шулар бўлди-да.  
Дом-дараксиз кетди йўқолиб»,—  
Деди Сарвар сўзини бўлиб.

Бўта силаб пешонасини  
Йиғисидан тинган Сарварнинг,

Гапларини давом эттирди,  
Кандай қисқа қилсам, деб гапни.

«Шундай, Сарвар, нимасин айтай,  
Сенга булар ойнадай равшан.  
Энди, эшит,  
Шу кун кечқурун  
Үлдирдим.  
— Қимни?  
— Үлдирдим.  
— Войдод!  
— Жим, аҳмоқ, додлама!..»

Сарвар ўзлигини йўқотди,  
Калласини буркаб кўрпага,  
Кўрқиб, титраб сўради:  
— Норим, кимни?  
Айтинг, ҳам нега?

«Тўхта, энди, мен айтиб берай,  
Қасам ички, бирор билмасин.  
Мен сени севаман. Зинҳор ҳеч  
Юрагингдан тилга чиқмасин!»

«Кеча кечаси мен, Раҳим ота  
Хўжайнинг буғдойин тортдик.  
Раҳим ота иккита қопга  
Тортмай солган экан сал ортиқ.

Бир пудча кам келган буғдойдан,  
Қоплаганлар сотилгандан сўнг.  
Шунинг учун Раҳим отани  
Чунон урди қамчилаб, у тўнг.

Бечора чол ҳолидан кетди,  
Мен суюклаб уйига элтдим.

Ёмон урган экан, шу кеча  
Жон берган у, кексайган етим.

Бу кун чидамасдан, ғазабим,  
Оловланди ортиқ қўзғалгач,  
Катта омборда, кўз қорайгач,  
Пайтин топиб, пичоқ урдим мен.

Финг демасдан йиқилди Ғани,  
Ўлдирдим!  
Омборни қулфлаб,  
Тўғри уйга келганим ўша!»

— Нима бўлди сизга, Норбўта,  
Энди не қиласиз,вой ўлай?—  
Норбўтага ташланди Сарвар  
Бир нарсадан чўчиб қўрқандай.

— Қўрқма, қўзим. Майли, қонга қон.  
Ўч!

Энди англадингми сўзни?  
Мен кетаман.

— Мен не қиласин?

— Қўрқувга асир берма ўзни!

— Мендан сўрасалар не дейман?

— Дегин, кўрганим йўқ, келмади!

— Мени қийнаб сўрасалар-чи?

— Дегин, кўрганим йўқ, келмади.

Ортиқ кутолмайман, Сарварим,  
Зинҳор мени йўлдан тўхтатма!  
Беш-олти кун айрилиқни деб,  
Кўкрагимга оғир ўқ отма!

Мен кетайин, Сарварим, ўптири,  
Балки йиллар қайта олмасман.

Лек, эркам, мени унутмагил!  
— Сени ўлсам ҳам унутмасман!

Кунлар келар. Қайтиб келарман.  
Омон бўлсак, кўришармиз яна,  
Хайр, оппоғим!  
— (Ииғлаб) Хайр, Бўтам!  
— Хайр!

### ЧАСОВОЙ

Кўлда милтиқ,  
Постда Норбўта.  
Ой — командир  
Кезиб юради.  
Муздек ел эсар,  
Яшил, зумрад  
Ўйноқ баргларнинг  
Оқ бағрида  
Тўлқин уради...

Тун. Ойдин. Ел.  
Постда часовой.  
Юрак ажаб  
Тез тепки берар.  
Кўзлар ўтдек  
Яшнаган чақнаб.  
Тўрт томонга  
Қараб тикилар...

«От!..»  
Қайси ўнгир,  
Қайси тоғлиқда  
Оч бўрилар  
Увиллаб қолди?

Қайси ерни,  
Қайси бошлиқни  
Бўрон босди,  
Зўр довул олди?

«От!..»  
Жимжит ухлаб  
Ётган ўрмонда  
Қари сада  
Оғиб кетдими?  
Тун тинчлиги  
Билан тинч ётган  
Уфқларга  
Бориб етдими?

«От!..»  
Шивирлади  
Ўйнаган юрак,  
Қўл бақувват  
Тутди кўлангир.  
Ким шитирлаб  
Ўтди бу ёрдан?  
Ким ташлади  
Саёқ кўланка?

Норбўтанинг яшнаган кўзи  
Узоқларда кўрди қорани.  
Кўрди тунда —  
Бегона оёқ,  
Балки...  
Балки душман  
Юзи қорадир,  
Мандат! — деди, —  
Эй... пропуска!  
Отаман, жилма!  
Яқин келма,

Қора ўчди.  
(Бекиндимикан?)  
Юрак сира  
Тинчий олмади.  
Елдек юрди,  
**Үрмонга кирди.**  
Елди... Кезди,  
Топа олмади.  
Үткинчикир.  
Ким билан, бундан  
Қай йўл билан  
Үткинчи юрар?  
Чувалдилар ўйлар,  
Тикилди кўзлар,  
Юрак яна  
Ажаб тез тепки урар.

Сигнал постдан!  
«Етди йигитлар  
**Из қувалаб**  
Кетди йигитлар».  
Тинчлик босди.  
Фақат жарда сув  
Тошлар суриб  
Оқар чўзилиб,  
Хаёл тутқич  
Бермайин қўйди.  
Чалкаш ипак  
Каби узилиб...

Ой этаги  
Тоғ этаги  
Тоғ чўққисида  
Сал илиниб

Қолди, тун ранги  
Үчди... Оппоқ,  
Оппоқ оқариб  
Тонг келади...  
Тун қора шоҳи  
Рўмолини ташлаб бошига  
Уфқ — қирдан  
Йўқолиб кетди.  
Ойнинг батис  
Этаги тоғнинг  
Чўққисидан  
Йиртилиб, пастга  
Япроқ каби  
Пириллаб кетди.  
Яйлов бағри  
Майса гиламлар.  
Салқин ўрмон  
Қуюқ ям-яшил.  
Эрта билан  
Тоза кенг нафас  
Эмар диёр  
Етилиб асил...

Норбўтанинг  
Ўша кўзлари  
Ҳали-ҳамон  
Тикилиб қарап,  
Ҳали-ҳамон  
Кўлангирда қўл  
Ҳали-ҳамон  
Қалб тинчимаган.  
«Эй, ёв юрак,  
Ёмон ниятли,  
Чиқсанг, чиқ-да,  
Кўкрагингни тут!

Ё ўйнашмоқ  
Мен-ла истайсан?  
Билмайсанми,  
Норбўта менман!  
Пост онамнинг  
Бағридан қиммат.  
Мен шу постлар  
Учун яралган.  
Мени алла  
Қилган ерлар шу,  
Менинг сочим  
Шунда таралган  
Унутсам мен  
Отам-онамни,  
Ҳатто умримни,  
Унутмасман  
Шонли постимни!»

«От!..»  
Ўқ учди  
Ажаб зинғиллаб,  
Оқ булутдан  
Кенг соябони  
Тоғ учига  
Чирмашиб кетди  
Бемаҳалда  
Юксалган парвоз...  
Ўққа учди.

Бегона қора  
Ўғри мушук  
Сингари пусиб,  
Пост олдида,  
Чуқур ўнгирда  
Кўзин қисиб,  
Енгар ўққа

Учди фалокат!  
«Қон қус, ўлгур,  
Сенга ёзиқ шу.  
Тонг отдирап  
Туннинг ҳукми бу!»

Норбўта, сен,  
Нималар қилдинг,  
Ўз кўксимга кўлангир босиб,  
Ўз қонингни  
Тўқдингми ерга?  
Норбўта, сен,  
Нималар қилдинг?

«Ука... ука»,—  
Деди лаблари,  
Сўнгра кучсиз  
Юмилиб қолди.  
Нафаси тўхтаб,  
Қўзи бақрайиб,  
Ранги ўчиб,  
Киртайиб қолди.

«Ака»,— дединг,  
Отдинг ўзингни.  
Бағринг босдинг  
Сўнган бағрига.  
Жавдиратиб кўзларини Нор  
Сакраб турди.

Бегонами бу?  
«Бегона! Эҳ... Душман ўласи.  
Тфу! Сенга  
Ки қора юрак.  
Бир эмчакдан  
Эмган эсак ҳам,

Тилак бизни  
Бутун айирган.  
Мен от қўйиб  
Тўғри йўл олдим.  
Сени душман  
Томон қайирган».  
Устида кир,  
Йиртиқ чопони.  
Моғор босган  
Яктақ эгнида.  
Ичдан тизма  
Ҳароми ўқлар  
Хиштагида  
Иккита бомба.

«Нималарни  
Қилмоқчи бўлдинг?»  
Кўкрагингда  
Ўзга бир армон?  
Қон қусиб ўл,  
Иzlаринг ўчин!  
Қон қусиб ўл,  
Дили кир душман!  
Унутсам мен,  
Отам-онамни,  
Унутсам мен  
Қариндошимни.  
Унутсам мен,  
Ҳатто умримни,  
Унутмасман  
Шонли постимни!»  
Сарвар.  
...Дарахтларда қиров ялтирад,  
Дамни кесар ҳавонинг заҳри.  
Қор бетида қиздай қалтирад  
Кумуш нурлар... Очилар баҳри.

Шундай чоқда шоирнинг, лекин  
У бебаҳра, ўйи соҳилсиз,  
Хаёл, фикр...— ғариб, соҳибсиз  
Сарваройни не қилса экан?!

Оппоқ кечада! Сени олимдай  
Текшираман: сенга ягона  
Бир хосият борки, онамдай  
Мен танийман боқсан ҳамона.  
Шовқин-суронлардан эмганим  
Оч фикримни унинг қўйнида  
Қайталабдан ёзар эсларим,  
Феълим маҳкам пишади унда.

Тинчлик! Қанотингни кенгроқ ёй,  
Бошқа нарса кирмасин ўйга.  
Ана, йиглар ғариб Сарварой  
Муздек совуқ, қоронғу уйда.  
Тундай қора киприклар ора  
Иккита шам ёнар лишиллаб.  
Иложи йўқ, силқайин она  
Келинига боқар мўлтиллаб,—  
Мўлтиллар-да... Қуриган кўзлар  
Ўғли учун йўқ ёшни излар...  
Зийлари дарз дарчани бўрон  
Шарақ-шарақ уриб қўрқитар.  
Хаёллари гўёки тўзон,  
Сарвар лахта-лахта қон ютар.  
Кўкрагини очиб ташлар у:  
Дами оғир... Жони қийналар.  
(Жуда ёмон дард билан қайғу,  
Дил жигарни гўштдай қиймалар.)

Латта пилик тутаб токчада  
Кўкимтири ёш тўкар жинчироқ.

Поёни йўқ тилсиз кечада  
Бу аҳволни ким қипти сўроқ?  
Ҳеч ким! Бунга шоҳид у йиллар,  
Куйиб кулга айланган диллар.  
Жинчироқнинг хира шуъласи  
Еритолмас уйнинг юзини.  
Қора куннинг тахир тузини  
Тота-тота тоза меъдаси —  
Куйган кампир, гўё ўнгирда  
Езни кутиб ётган оҳудек  
Жонсарак ва ичиккан шўрлик —  
Келинини юпатар дилда —  
Ўзи ҳам кўп куяр. Аммо ҳеч  
Чораси йўқ: йифи беҳуда.  
— Тақдир, болам...

Ҳамма уйқуда —  
Вақт ҳам ўзи ярим тундан кеч...  
Тинчлик. Фақат уйгоқ Сарварой:  
Қалб чирмандадек уради.  
Ташқарида бўрон урган ой  
Қор бетида дайдиб юради...  
Ухлай олмай бечора ҳалак,  
Толган кўзга уйқу келса-чи?..  
Ёнбошида тўлғанганд сочи  
Гажак бўлиб ётган илондек  
Кўринади... Нафас қисади,  
Ташда ҳамон бўрон эсади.

«Эй, худойим! Кулфатми, фақат  
Ато қилган насибанг бутун?  
Кўрмайсанми, ёнди-ку тоқат!  
Бор оламни босди-ку тутун!  
Нега раҳминг келмайди? Ёки  
Раҳмдиллик йироқми сендан?  
Бардошимнинг сўкилди чоки...  
Ол, беором жонингни мендан!

Мунчалик ғам, мунчалик мунгни  
Битта жоним қайга жо қилар?  
Шунчалик-да банданинг кўнгли!  
Қачонгача қадни ё қилар?  
Ўзинг подшоҳ... Ўзинг биласан,  
Неки қилсанг, ўзинг қиласан!..»  
Деган каби бақрайиб ётган  
Нурсиз кўзлар о... ухлаб кетди,  
Тинди бўрон, оқ чиммат ёпган  
Ой ҳам энди уфққа етди...  
Ухла, ғариб-етим, келинчак,  
Ором олсин кўзларинг жиндак!

(Мен сезмайман қаҳрамонимни  
Агар жиндек уйқуга ётса.  
Елга ташлаб қиммат онимни  
Бекорларга ҳавола этса.  
Менинг учун бу даҳмазадир,  
Аммо ўқувчига маззадир:  
Шундай пайтда мен шарҳ беришга  
Мажбур бўлиб қоламан, кейин —  
Аллақандай сўзлар теришга  
Ва уларга янгидан кийим  
Кийгизишга овора бўлиб  
Қолганимда, ўқувчи кўриб,  
Воқеалар гаранг қилган бош  
Бирпас дам олади, шунда бўш —  
Нафас олар, унга маззадир.  
Аммо менга бу даҳмазадир!  
Майли, шоир! Майли, ўқувчи!  
Бу ҳам катта ишнинг бир бурчи,  
Бир парча гўшт — юрак шунча кенг,  
Ҳаммасини сифдирадир тенг,  
Қани, энди давом этайлик,  
Ишнинг охирига этайлик!)  
У ухлади... қарғалар уйғоқ,

Қарғалар шод тонг отганига.  
Ана, худди тутгандай тўлғоқ  
Кучан билан ўнг қўл ёғига —  
Ағдарилди, бечорани ким  
Қўрқитади? Ҳамма атроф жим...  
Войдод!..— деди, кимдантир қочди,  
Чўчиб кетди, кўзини очди:  
Қоронғу уй... титрайди дир-дир.  
Қўрқиб кетиб уйғонган кампир,  
Қўкрагига туфлади. «Келин,  
Нима бўлди?»— деди ва секин  
Силаб-сийпалади бошини,  
Енги билан артди ёшини.  
Сарвар унга термулиб аста.  
Гўё узоқ ётган бир хаста  
Пуфак каби шишиб қовоғи,  
Суви қуриб, қақшаб томоғи,  
Най бандидек дами узилиб,  
Қўнгли тўлиб, сатта хўрсиниб:—  
— Туш кўрибман, — деди, — бувижон,  
Айланайин сиздан оҳ... қачон  
Ёруғлик кун келар биз учун?  
Нега тақдир кўрсатмас кучин?  
Идиш эмиш, аммо бирйўла  
Яхши кўрган пиёлачамни,—  
Бирор олган эмиш... ачамни...  
(Ўлган онасини эслайди она.)  
Сўкармишман. «Ҳеч ким билмайди!»—  
Дер эмиш у. Бир вақт қарасам,  
Девордаги михда турганмиш.  
«Вой ўлай мен», деб олай десам,  
Қўлларимдан бирор тутармиш.  
«Қўй,— дер эмиш,— зўрға турибди,  
Қўл тегизма, ёмон бўлади,  
Тушиб кетса, яксон бўлади».  
«Йўқ!— дермишман,— жонимдан азиз

Пиёламни нима учун ман,  
Шу ҳолича қўйиб қўяман?  
Жон поччажон, мени тутманг сиз!»—  
Деб қўлидан чиққан эмишман.  
Аммо михга етмас эмишман...  
Гангиб қопман, йўқ эмиш ҳушим...  
Чўчиб туриб қарасам, тушим.  
«Паноҳида асрасин эгам,  
Нозик ерда экан»,— деди-ю,  
Юм-юм йиғлаб кетди кампир ҳам...  
Яна оламни босди қайғу...

Шоир, бўлди. Дам олгин бир оз,  
Бузилмасин жаранлаган соз!

## ФАЛОКАТ

Тун уфқقا бошлади ҳужум,  
Қоп-қоронғу. Отряд тұхтади.  
Хорган отлар бөш солишган, жим...  
— Дам олингиз! — деди командарм,  
Катта тошга сүянди ўзи.  
Үйқу босар, аммо кучли шарм:  
Ярми очиқ илиниб қўзи  
Худди қүшдай омонат мудрар,  
Үйқу ўлсин қаёққа судрар?  
Онда-сонда юлдуз йилтирадар,  
Ой ҳам энди чиқа бошлади.  
Оқаришиб оғоч бошлари,  
Кумуш каби барглар дилдирадар.  
Ел эсади, ел эсар дайди,  
Отряд ширин-ширин ухлайди.  
Бу ер бехавф, тұрт тараф жимжит...  
Ойдек уйғоқ пойлоқчи йигит.

Күтарилди ой аста-секин,  
Сутдай нурга чўмилди водий.  
Мизғиб ётар командарм, лекин  
Узоқларда хаёли-ёди:  
Эсларига Украина тушар...

Тўриқ оти ел каби учар,  
Елкасида бешотар милтиқ.  
Моғор босган кўйлаги йиртиқ,  
Кун бўйи оч, жангларда олдин.

Осмонларда офтоби — олтин,  
Булут каби енгил ва ихчам,  
Енгув учун ҳамон хотиржам,  
Лекин сабр қилолмай дил ҳеч,  
От устида ўйнатиб қилич,  
Қўнғироқсоч, барваста ботир...  
Махно билан жанг қилаётир...  
Оҳа... Қувиб кетди... Ҳою-ҳу...  
Ўлим шараф, ҳайдасам қўркув  
Худди бодроқ каби ёғар ўқ...  
Жон кўринмас кўзга, асло, йўқ.  
Дов бўлмаса, енгув бўлурми?  
Енголмасанг, кўнгил тўлурми?  
Зафар керак, зафар! Ҳою-ҳу...  
Яна зўрлик қиласи уйқу,  
Узоқларга тикилиб қолиб,  
Мудраб кетар нигоҳи толиб...  
Тонготар пайт аёз ҳам тушди  
Шинелини ўраб, қунушди.  
Эски Киев ортида сокин,  
Кенг Днепр оқади, локин,  
Командирнинг кўзи қирғоқда —  
Ям-яшил ўт кўкарган ёқда.  
У томонда — тоғ этагида,  
Бир қабр бор тошнинг тагида,  
Фарёд қилиб йиғлайди она,  
Командармда уйқу йўқ яна.

Босинқираб қийналар жони,  
Чўмиб турап қир ва тош ёни...  
Ой сарғайиб тоғлардан ботар,  
Юлдузларда нур йўқ, тонг отар.  
— Пича мизғи, командир ўртоқ,  
Тонг отишга ҳали кўп узоқ,—  
Деди яна бир уйғоқ товуш.  
Командир жим, командир хомуш

Унга қараб тикилар. Үйғоқ.  
— Буюрингиз, командарм ўртоқ,  
— Отлансинми отряд?  
— Ухла, йўқ.  
— Сув берайми?  
— Нима? Кимга?.. Йўқ,  
Жавоб калта, тўмтоқ ва узоқ,  
Командирнинг авзойи бузуқ.  
Махоркани ўради, тортди,  
Буруқсаган тутун таратди.  
Кўзларини юмди тик туриб,  
Балки яна хаёллар суреб,  
Ким билади нени ўйлайди...  
Ана, секин қўшиқ куйлади:  
«Порлатарди байроқларни  
Яралардан оққан қон.  
Юрди, Донбасс партизани  
Кучли, абжир эскадрон...»  
Ашулани сўнгини чўзмай,  
«Дон», деди-ю, бирақай тинди.  
Махоркани ташлади, энди  
Тутаб ётган ўтдан кўз узмай  
Тикилганча қараб қолди у.  
Норбўтага ошина эди бу,  
Кўпдан бери бирга яшайлар,  
Бирга туриб, бирга ошайлар,  
Неча марта ўлимдан қолган  
Командири сўзламас ёлғон.  
Уч жойидан ўқ егани рост,  
Тўртинчи ўқ тегмаган, холос.  
Роса абжир, табиати зих.  
Кўп ўйлайди, кўп иш қилади,  
Сал нарсага тез сиқилади.  
Хурсанд бўлса, кулади, қаҳ-қаҳ...  
Аччиғланса, кўзлари соқقا,  
Суҳбатида ажойиб маза,

Жангни сувдек билади тоза,  
У юрганда жон оламан дер,—  
Яхши ўртоқ, уста командир.  
Гоҳо шундай күнгли бузилар,  
Хаёллари узоқ чўзилар.  
Шундай пайтда Норбўта ҳушёр,  
Қайфусига дарров бўлар ёр.  
Уни жондан азиз кўради,  
Қайфусини лазиз кўради.  
Шунинг учун бу ҳам ёқади,  
Командири бунга боқади.  
Кўзларида меҳру вафо бор,  
Она каби содиқ, вафодор.  
Ўша тошга суюнди яна.  
Кўзи ҳамон Бўтада, ана  
Тилга кирди, Норбўта тинглар,  
«Коронги уй, ярадор инграр,  
Сув деганда, сув томизамаён.  
Уҳ деганда, оғриқ сезаман.  
Қон оқади тизиллаб шар-шар  
Ранги ўчиб, гўёки мармар.  
Борган сари оқариб кам-кам  
Тоғдан оғир ётади... акам.  
У икки бор калла кўтарди,  
Тили гапга келмай, йўталди.  
Ёнди... куйди... азобланди. Ўт...  
Бутун олам гўёки тобут —  
Кўзларимга ёмон кўринди.  
У бечора шундай уринди.  
Аммо ҳайҳот!.. Айтолмади сўз,  
Азобига чидолмади кўз,  
Билолмадим не қилишимни  
Суғурдим-да ён қиличимни  
Азобидан қутултирай деб,  
Үйқусини осон қилай деб.  
Кўзларимни юмиб, мўлжаллаб

Шарт бошини олдим...  
    Үл, жаллод!  
Деган овоз чинқириб кетди.  
Фарёд қилдим, фарёдим кучсиз  
Ҳам қабрсиз, ҳамда тобутсиз,  
Ўша ерда қолди бечора.  
Бутун олам кийинди қора...  
Сўнгра... сўнгра... яна кетдим мен,  
«Ўч олишми? Душман! Шошма, сен,  
Ут қўяман, ёндираман, от!»—  
Дедим кетдим, бўлгани шу, ёд —  
Ҳали-ҳали эслайди уни,  
Фигонимнинг чиқар тутуни.  
Не хил яшаш, қандай жон бериш.  
Ҳаёт шарти! Билмакка тириш!  
Ўлим гоҳо зафар келтирас.  
Буни камдан-кам одам билар...  
Ой ботишда тонг қоронғуси,  
Ширин командармнинг уйқуси.

Сал ўтмади ҳайқирган овоз  
Бор тинчлигин бузди:  
— Эй... отлан!  
Ҳамма уйғоқ, ҳамма тайёр, ғоз.  
Қулогини чимириди отлар.  
Отряд борар, командир мағрур  
Кўз қиличдан ўткирлик қилур —  
Атрофига қараб, яйрайди,  
Тўриқ оти кишина ўйнайди.  
Хаёлида ғариб онаси  
Ёш тўқади, ҳар бир донаси  
Яроғланиб дарду ғам билан  
Кайғу-алам ва ситам билан  
Аскар каби ўтар ғлидан,  
Қаёқларга чорлар ортидан?  
Чақмоқ чақар, кўнглида қайғу...

Не қиларин билмай борар у.  
(Одам гоҳо шундай бўлади.  
Ўю фикр билан тўлади —  
Ҳаммаси ҳам қиммат ва ширин —  
Шунда билмас не қилишилигин.)  
Тоғу тошлар кўзига гўё  
Худди босиб келаётган ёв  
Қўринади, юраги нотинч,  
От устида гўё темир синч  
Қотиб қолган туюди ўзин,  
Беихтиёр юмади кўзин.  
Бирдан тўхтаб шарпа сезгандек  
Дурбун қўйиб қарайди андек.  
Яна тоғлар... яна тошлар... қир...  
Нега кўнгил қалтирар дир-дир?  
Бургут каби отряд кутади.  
Шу чоқда уч десанг, учади.  
— Ҳали узоқ, кўприк келган йўқ,—  
Деди секин командир,— хавф йўқ,—  
Орқасига қараб:  
— Чоп! — деди.  
Отряд чопар, отряд хўп, деди.  
Тақарақлаб түёқ сасланди.  
Отлар шамол билан басланди,  
Қомандирнинг оти учади,  
Туёғидан тупроқ кўчади.  
Совуқ ҳаво хунук ғувиллар,  
Акс-садоси тоғда ғувиллар.  
Анча узоқ кетиб қолди у.  
Ўқ чақнади. Не гап бўлди бу?  
От устидан парт учиб кетди,  
Наҳот, сўнгги дақиқа етди?  
Ҳаммани ҳам босди ҳаяжон:  
Наҳот уни маҳв этди ўлим?  
Ҳамма бирдан бошига келди  
Муҳаббати ёнига келди.

Не қилишини билмади ҳеч ким,  
Бутун атроф жавоб бермас, жим...  
Мўлдир-мўлдир йиғлар, қаноти —  
Синган қушдай бошида оти,  
Бўронларни енгиб келган у,  
Шер юракнинг тақдирими бу?  
«Эй валати дайди қўрғошин,  
Чиқ ўртага, бўлса бардошинг  
Ғазабимиз олдида, фўдай!»—  
Деди тоғни талқон қилгудай  
Ваҳшат билан ўшқириб Бўта.  
Чурқ этмади ҳеч бирон рота.  
Бирпас жимлик ҳукмрон бўлди,  
Ҳамма кўнгил қон билан тўлди.

Шунда бирдан ўқ чиқди яна,  
Бир аскарни шарт йиқди яна.  
Ҳамма қочди, ҳамма қўзғолди,  
Ҳар ким ҳар тарафга йўл олди.  
Қайси ёққа қочсанг, омон йўқ.  
Тўрт томондан ёғар ваҳший ўқ,  
Ҳалқа қилиб ўраб олган ёв.  
«Ким ботинар, қайсингда бор дов?  
Биз ногаҳон ўлимдан эмас,  
Кураш билан баҳтлимиз! Қочма!»—  
Деди Бўта, эҳ гуррос-гуррос.  
Тўп-тўп йигит гўёки сочма —  
Порох каби ёвга ташланди.  
Қонли оғир сўғиш бошланди.  
Булар пастда жойлари яйлов  
Ўнгирларга пусиб олган ёв.

Қочмасалар хароб этади  
Бу ҳолга ким жавоб этади?  
Умрида ҳеч адашмаган эр  
Бу гал хато қилган командир.

Ахир неча марта юришда,  
Душман қайды, билиб буришда —  
Кўймас эди олмасдан зафар,  
Не фалокат босди бу сафар?  
Ёмғир каби ўқ ёғилади...  
Ўлим ёмон, ҳамма билади!  
Тонг отди-ю, уфқ қоронғу,  
Осмон чекар дардли бир қайғу.  
Тоғ булоги йигитларнинг кайфи беором,  
Тош кўзидан тўкар оппоқ қон...  
Йигитларнинг кайфи беором,  
Хар нарсага қарамай беном  
Неки бўлса, еб ташлагудай,  
Аlam билан жанг бошлагудай,  
Жаҳл билан босарлар қамчи.  
Терлар қўйиб томчи ва томчи,  
Тош демасдан, кўлоб демасдан,  
Йўлбарс каби ҳеч тап тортмасдан,  
Жон ҳаприда югурап отлар,  
Не отларки, учар қанотлар...  
Душман қувар, ўқ ёғилади...  
Ўлим ёмон, ҳамма билади!  
Бефойда ўлгандан кўра,  
Кочиш яхши! Ўзингдан сўра!  
Мард кишининг мардлиги ҳаёт.  
Ўлим мардлик берарми? Ҳайхот!

Ортда қолди чарчаб саман от,  
Ортда қолди якка пулемёт,  
Душман босиб келар, нечора?  
Пулемётчи йигит бечора  
Наҳот, банди тушиб қолади?  
— Йўқ! Аввало жонни олади,  
Сўнгра аскар бўлсан бўларман.  
О! Қайтингиз!.. Майли, ўларман...—

Деди-ю, шарт тушди отидан.  
Шу ҷоқда от ўнг қанотидан  
Ўқ еди-да, таппа йиқилди,  
Пулемётчи энди не қилди?  
Абжир йигит ўтдан ҳайиқмай  
Қўзи қонга тўлиб айиқдай  
Куч сезди-ю, отни тўнтарди,  
Пулемётчи дарров ўнгарди.  
Тириллатиб сайратага кетди,  
Бормисан!— деб, эҳ... ота кетди...  
Худди тутдай тўкилди душман  
Бу аҳволат деди: «Урушман!»  
Қани, душман дов қилолса-чи,  
Бирон қадам ҳам жилолса-чи!  
Душман кучли эканин билгач,  
Бунга дили гувоҳлик бергач,  
Отрядларни узоқ кеткизмай,  
Қаршидаги қирдан ўткизмай,  
Бор ўқини расамат қилиб,  
Ўз жонидан кечиб, ишқилиб —  
Йўлни анча боғлаб турди Нор.

Ўқ оз қолди, нима чора бор?  
Ўзи домга илинган овга  
Ўхшаб, асир тушсинми ёвга?  
Иўқ!— деди-да, командир сўзин  
Эслаб кетди, о... ўзи ўзин  
Ўлдирмакни ўйлаб, тиф билан  
Кекирдакка ўқталди... бирдан  
Ўзи қўрқиб кетди ўзидан!  
Қон томарди икки кўзидан!..

• • • • • • • • •

*Қўқон, 1932-1933*

## НАХШОН

(Багишлов)

Боғларга намозгар  
Салқини тушди,  
Гуллар нам баргини  
Қайирди аста.  
Офтоб ҳам сув ичар  
Тоғлардан пастда,  
Лоладек қип-қизил  
Үт шафақ ўчди.

Кўз тутдим,  
Кўзларим нигорон бўлди;  
О, дилбар,  
Сиймбарим, юзлари қирмиз,  
Киприги кўксига  
Соя солган қиз,  
Кўз тутдим,  
Юрагим тўла қон бўлди.

Шаббода боларидаӣ  
Гулзор узра шўх,  
Ой фонарини  
Ёқди — қиз оқшом,  
Яша!..

Сен келдинг  
Севгилим, Нахшон,  
Сув қизи — сувсарим.  
Киприклари ўқ,

Сен келдинг,  
Кўнглимга сув каби оқдинг.  
Сен келдинг —  
Рухимда яшаш бошланди,  
Севинчдан кўзларим  
Беҳол ёшланди.  
Сен келдинг,  
Шеъримга чечаклар тақдинг.

Сен келдинг,  
Ваъдага вафодор малак,  
Оппоқ қўлингними  
Сийпалаб ўпай?  
Кора сочингними,  
Сийпалаб ўрай?  
Ваъда этайними,  
Сенга деб фалак?

Арзирди  
Фалакни этсам ҳадя,  
Афсус...  
Фазо ҳали менга қул эмас,  
Майли... боримни  
Айлай армуғон.  
Гарчи у,  
Ажойиб, асл гул эмас,  
Нахшон, эй, ёшлигим  
Севгилим, ма, ол!

Ишқимнинг энг олий  
Туҳфаси — шеърим.  
Ўқи!  
Лабларингдан тўйиб эмгани,  
Шеъримга беркинди  
Атайлаб меҳрим.

\* \* \*

Шоти бўлиб  
Кўкка чирмашган нола.  
Шундай поядорки,  
Кўринмас таги...  
Тоғ бошида куннинг  
Қонли этаги,  
Йиғлар ўнгирларда  
Мунгли шалола.

Кеч кирган.  
Чангларни кўкка кўтариб,  
Пода кетди.  
Тинди чўпоннинг найи.  
(Билмам, нечанчи йил,  
Билмам қайси кун.  
Фақат эсда қолган  
Аччиқ бир бийи!)

Яна салқини йўқ  
Ниҳоли толча  
Ёмғир томчиларга  
Жом қилиб баргин,  
Истамасдан шу ҳам  
Умрнинг таркин,  
Яшаш учун урнаб  
Овора эди;  
Зангизўрга<sup>1</sup>  
Маржон ёшим тўкилди,  
(Зор эканми дарё  
Менинг ёшимга?)  
Юрагимни тутган  
Чоки сўкилди.  
Қора кунлар тушди  
Сағир бошимга!

---

<sup>1</sup>. Еревандаги дарё.

Отам кетган,  
Үчган ҳаётим шами,  
Хали силқиган йўқ  
Гўрнинг кесаги,  
Бу ҳам кетди —  
Кетди дилим далдаси!  
Меҳрибоним онам...  
Жонгинам онам...

\* \* \*

Найлай,  
Кипригимнинг нозик учида  
Қайгуларнинг нами —  
Симоб доналар?  
Найлай,  
Қалбим узра  
Қон эмар ништар?  
Найлай,  
Юрагимда  
Дард-армонлар?  
Сув бетида оққан,  
Ҳай, сап-сариқ барг,  
Тўхта, хаёлимни  
Олиб қочмай тур.  
Мен ҳам рўмолимни  
Ташлай азага.  
Мен ҳам  
Сувга шимфий  
Сўнгра бирга юр!

Оқсам, зора қалбим  
Куймаса дейман...  
Дардим ошмасайди  
Мен келармидим.  
Аlam ҳалқумимдан

Тутмаса йиғлаб,  
Юрагимни ҳасрат  
Найзаси тиғлаб,  
Сенга келиб,  
Эй, барг,  
Роз айтармидим?  
Сузилгиси келар,  
Кўзларимни-ю...  
Найлай,  
Кўз ёшига  
Ҳамроҳ бўлди у?  
Меҳрибоним онам...  
Жонгинам онам...

Мунча қаттиқ экан  
Қора ер сабил,  
Кирай десам бўлмас,  
Осмон ҳам баланд,  
Учай десам бўлмас,  
Қай ерда илож?

\* \* \*

Хуфтон. Қора булут  
Яширган ойни,  
Булут соясини  
Оқизарди сой...  
Тентиб шамол каби  
Гадодек бежой,  
Сарсонликнинг  
Сиёҳ йўлига кирдим.

Ҳар эртанинг  
Енгил сабо еллари.  
Ҳар офтобнинг  
Тўнғич биринчи тифи

Мени, бечорани  
Топди беватан.  
Ёки қайғу бўйи,  
Ёки зор йифи...  
Кунлар — ҳасрат макон.  
Дард. Алам. Кадар.  
Ўзлигимни ўзим билмай.  
Тилда «Оҳ...»  
Бош ургани топмай  
Раҳмдил паноҳ,  
Умр тойчоғини  
Кўрдим самандар!  
Ииғлаб тоғлар ўтдим,  
Хайбати юксак.  
Ииғлаб боғлар ўтдим,  
Барглар сап-сариқ.  
Ииғлаб кунлар ўтдим,  
Тунларни ўтдим,  
Илинмади сира  
Кўзимга ёруғ!

Хайбатина ўзи  
Чўмилган Масис<sup>1</sup>  
Мастлар каби ҳушсиз,  
Оҳимни сезмай,  
Демади-я хасис,  
Эй, Масис-хасис;  
«Келгин, гадойвачча  
Кўйнимга олай!»

\* \* \*

Бир кун.  
Ёмғирли тун.  
Қоп-қора зулмат.

---

<sup>1</sup> Ереванда.

Чучварадек қайнар  
Кўчаларда сув.  
Бахмал каби қора,  
Кўринмас осмон.  
Бутун ёруғ жаҳон —  
Дардли бир қайфу.

Шаҳар чеккасида  
Мен билан очлик  
Ҳамдам бўлиб юрди,  
Кўзим қорайди.  
Гўё авваллари  
Шунчалар чексиз...  
Чексиз бўлган олам  
Энди торайди.

Ўчинг борми ина  
Вафосиз фалак?  
Жафоларинг қурсин,  
Юрагим тўлди.  
Бир парча дил бўлса,  
Куйиб кул бўлди.  
Ўлар бўлсам, ўлдим,  
Этма кўп ҳалак!

Тун қоронфу. Зулмат.  
Хол қуриди. Уҳ...  
Очлик енгворди.  
Совуқлик сездим,  
Этим «жув» этди-ю,  
Кўзим беркилди.  
Холсиз қўллим билан  
Бошимни тутдим:  
Пешонамдан ажаб  
Совуқ тер келди,

Бошгинамга қилдим  
Бир тошни болиш.  
Сал ўтмасдан юрди  
Шабада ғир-ғир.  
Қулоғимга инган  
Бир томчи ёмғир  
Гёё мен фақирга  
Айларди нолиш...

\* \* \*

Шундан кейин,  
Кейин, билмайман сира,  
Ёки азон эди,  
Ёки ярим тун.  
Тепамда бир қора  
Сояни сездим.  
«Қизим, ётма,— деди,—  
Уйғон, болам, тур!»  
Бирон одам менга  
Раҳми келмаган,  
Юмшоқ ғапни азал  
Эшитмаганман,  
Чидолмадим асло,  
Йиглаб юбордим,  
Бу одамнинг  
Мунча ғамхўрлигидан...

Елкасидан  
Шартта кир тужуркани  
Олиб, бошим билан  
Бирга ўради.  
«Қўрқма, қизим,— деди,—  
Қўрқма, оппоғим!»  
Кетдик.  
Йўл-йўлакай  
Ҳеч на сўрмади.

Биз юрдигу  
Ҳаво очилиб кетди.  
Юлдуз марваридлар  
Сочилиб кетди...

\* \* \*

Осмон шодлигимдай  
Тоза ва баланд.  
Ҳаво муздек салқин,  
Енгил ел турди.  
Барглар кўнглим каби  
Қалтирас тинмай,  
Хавфим хаёлимни  
Кўрқитиб сўрди:  
«Ким у ўзи?  
Мени элтар қаерга?

Яна кулфатларга  
Ошна этарми?  
Сочларимни  
Елдай тўздириб қўйиб,  
Ойлар каби ёшлик  
Ташлаб кетарми?»  
Одам индамайди,  
Тундай жим борар.  
Узоқларни қувлар  
Сирли кўзларим.  
Айтай десам, қўрқдим,  
Чурқ этолмадим.  
Тил тагида қолди  
Айтар сўзларим.

\* \* \*

Фонаръ ёнар эди.  
Живиллаган нур  
Кўча беткайида

Жимиб ётарди.  
Туннинг қора сөчли  
Лўлиси секин  
Араатдан ўтиб  
Пастга ботарди.  
«Киргин,— деди,— қизим,  
Қўрқма, киравер!»  
Оёқларим сира тортмасалар  
**ҳам**

Кирдим. «Кўчалардан  
Қоч энди, қўзим!»  
Деган фикр бўлди  
Менга зўр ҳамдам.

\* \* \*

Оддий бир үй,  
Хира жинчироқ порлар.  
Тишда туннинг дайди  
Шамоли сарсон.  
«Қизим, тап тортмагин,  
Ўтир, ўз уйинг,  
Қорнинг очдир,— деди,—  
Мана жиндек нон!»  
Эй, бошимни силаб,  
Қизим, деган, ҳей,  
Қўзларимдан ўқи,  
Дардим кўп менинг!  
Қўйгин қайғуларни  
Ўзим чекайин,  
Бундан бағи  
Жафо улушим — менинг,  
Дегим келди.  
Аммо тилим бормади,  
Юраккинам  
Гўё қўрқиб оқарди...

Менинг хавфим билан  
Ўчакишгандай  
Сирли кўзлар менга  
Ой!.. Тик боқарди.

\* \* \*

Дамлар соқов каби  
Мирғайиб ўтар...  
Бирдан:—Қизим,— деди,—  
Оппоғим, сўзла,  
Нечун, нечун бўлди  
Умринг саргардон?  
Нечун, нечун сўнди  
Қоп-қора кўзлар?

Кўзларимдан томган  
Томчилар унга  
Умрим эртагини  
Айтиб бердилар.

• • • • • • • •  
Яна жимиб кетди,  
Унинг қараши...  
Хаёлларим яна  
Қўрқиб дердилар:  
«Ким бу ўзи?  
Нега шундай кечаси  
Бу уй мизғимаган,  
Роҳати йўқ ҳеч?»

• • • • • • • •  
«Қизим, чарчагансан,  
Толгансан, эркам,

Ором олгин... ухла,  
Ўзи ҳам жа кеч!»

\* \* \*

Ўқувчи!  
Сен менинг  
Қадрдон дўстим,  
Сенинг ишқинг борки,  
Заҳмат чекаман.  
Ширин уйқуларнинг  
Баҳридан ўтиб,  
Узун кечалари  
Шеърлар битаман.  
Бир кун яна келди  
Чиройли қиз — тун,  
Хол-жонимга қўймай  
Кирди уйимга,  
Рўпарамга аста  
Ўтирди яна.  
Теран кўзи билан  
Сингди ўйимга.  
Яна илҳом қалбни  
Игналаб тилди.  
Юрагимнинг  
Чоки сўкилди яна,  
Яна илҳом қалбдан  
Кон эмар сўриб,  
Кон томчиси шеърим  
Тўкилди яна.  
Яна «Нахшон» учун  
Севгили шеърим.  
Ҳикояси унинг  
Авж олсин тезроқ,  
Лекин шу ергаки,  
Етдим битиклаб

Узурим бор сендан  
Ўқувчим, жиндак:  
Орзум бор битмак  
Бир даста достон.  
(Ўлмасам мен уни  
Рослаб бераман!  
Ҳали бу битиклар  
Бир ҳавас, холос.  
Ҳали ҳавас билан  
Гуллар тераман.  
Балки, бу гулдаста  
Ранг-баранг бўлмас.  
Балки расо бўлмас бойлами...  
Сал бўш.  
Балки баҳоси ҳам  
Кўп бўлмас ҳали.  
Балки... Аммо сен ҳам  
Билганингни қўш!..)  
Худди шу ерида,  
Менинг билгимча,  
Нахшон, гарчи бундай  
Муруват кўрди;  
Гарчи, меҳрибонлик  
Қилди у одам,  
Гарчи, аҳволини  
Ачиниб сўрди.  
Ёш бола-ку, ахир,  
Кўрқиши керак:  
«Қўкрагимда худди  
Ўлим ўрмалар.  
Хаёлимда катта  
Бир дев хўмраяр»,  
Дея, яна ортиқ  
Кўрқиши керак.  
Чунки у сирли кўз  
Кўллардай сокин.

Алланарсаларни  
Ўйлайди тинмай,  
Нахшон қийналади  
Кўзи илинмай...  
Қандай қилиб, ахир,  
Тинчий олади?  
Нахшон, ахир, ҳали  
Билмайди уни,  
Қандай мизфий олар  
Кўзлари сузгун,  
Шундай уйда...  
Шундай, айниқса, туни?..  
Буни мен бу ерда  
Ёзиб турмайман,  
Чунки қаҳрамоним:  
«Тезроқ бўл!» дейди.  
«Тезроқ бўлгин, Усмон,  
Тезроқ битиргин,  
Ииглаб ўлиб бўлдим,  
Севинай», дейди.  
Майли! Мен ҳам тўйдим,  
Фараз қил сен ҳам.  
Достонимда албат  
Булар бут бўлар,  
Сўнгра сенинг ишқинг,  
Тоза, пок меҳринг,  
Сувдек суқинг билан  
Шухратим тўлар!

\* \* \*

Хаёлларим чигал...  
Кўзим юмулган.  
Ширин уйқу андак  
Мизғитган экан,  
Кўкрагимга жиндак

Шабада тегди.  
Чўчиб турдим,  
Уйга бир хотин кирди:  
Сил башара,  
Кўзи олчадек қора.  
Устида бор эди  
Бамазий кўйлак.  
Бир қаради менга,  
Қалбим титради.  
Фижжак билан чалган  
Мунгли бир куйдек  
Титроқ овоз билан  
Шивирлаб аста  
Дарров уй тўрига  
Бориб, одамга  
Алланарсаларни  
Сўзлади тез-тез...

Сўнгра нафас олди,  
Сўнгра тинчиди.  
Менга яна боқди,  
Мен яна қўрқдим.  
Яқин келиб менга  
Кулиб бирпасда:  
«Хуш келибсан, синглим,  
Ўксима, опош!»—  
Деди. Бошларимни  
Силади ёввош.  
Кўзларимга тушди  
Хаста нигоҳи.  
«Ўқсик эканимни  
Ким айтди сенга?  
Кимсан?  
Қандай билдинг?  
Қандай биласан?

Нега меҳрибонлик  
Айлайсан менга?»—  
Деган бўлиб мен ҳам  
Кўзни олмадим.  
Сирли кўз боқди  
У жувон ҳам тез,  
Ва у одам деди:  
«Хотиним Маро,  
Бу ҳам ғариб...  
Қизим, тортина ҳаргиз!»  
Ўзимда йўқ каби  
Очоқлаб кетдим.  
Намхуш киприкларим  
Яна шип-шилта...  
Яна томчи томди,  
Яна кўз ёши.  
Севинч ёши билан  
Тўлди дил шунда.  
Энди сабо мени  
Излаб тополмас,  
Эҳтимолки, офтоб  
Мени ахтарар.  
Ўнгирларга борар,  
Тоғларни қарап,  
Тепаларда тентиб  
Боғларга борар...

Шодлигимдан уйқу  
Қочди бир гўрга.  
Ўйим узун...  
Кўзим ёнди чарақлаб.  
Энди чиқмайман мен,  
Сабо еллари,  
Йиғлаб кўчаларга,  
Бахтим сўроқлаб!

\* \* \*

Сирли кўзим ухла  
Алла қил, отам!  
Ширин тушлар кўргин,  
Алла қил, Маро,  
Мени кўргин, мени...  
Сайр этган бўлай  
Юзларимда шодлик,  
Чаманлар аро.  
Эҳ, уйқусиз туннинг  
Чўзиқ ўйлари,  
Эҳ, ўйларим —  
Қанот ёзган каптарлар,  
Эҳ, каптарлар — юмшоқ,  
Момиқ оқ парлар,  
Эҳ, оқ парлар,  
Учинг, само бўйлари,  
Учинг, ўксик дилни  
Бирпас аллаланг!  
Сомон йўлларида  
Қийқириб учинг.  
Овунтиринг,  
Адо бўлган кўнгилни.  
Учинг! Учинг! Учинг!  
Оқ парлар, учинг!

\* \* \*

Шундай хаёл билан  
Ухлаб кетибман.  
Туш аралаш менга  
Сезилди шарпа,  
Боқсам: хом сут каби  
Кўкимтир саҳар.

Маро ўз-ўзидан  
Мунгланаар сатта...  
Секин бош кўтардим,  
Маро жилмайди:  
«Ҳа, оппоғим, синглим,  
Ўргилсин опанг?  
Ҳали эрта, ухла,  
Ухлайлик икков!  
Заводига ишга  
Жўнади отанг»,—  
Деди. Жони билан  
Роса эснади.  
Пешонамни силаб  
Ёнимга ётди,  
Мен ҳам эснадим.  
Қўзларимни юмдим,  
Уйқу, кел бери!

\* \* \*

Баргларда оқарди  
Ёқут томчилар,  
Булут чодир тикди  
Каҳрабо эрта.  
Маро соchlарига  
Қилдек ингичка  
Тифи офтоб инди  
Живиллаб эрка...  
Нафасларим шунча  
Ичдан келади.  
Бутун ҳаволарни  
Ютгудек бўлиб,  
Ойна орқасидан  
Осмон боқади,

Зангор тозаликка  
Кўкси зич бўлиб...

Маро жоним, тургин,  
Тургин, айланай!  
Офтоб ёзди  
Олтин кокилларини,  
Эҳ, қандайин дилбар  
Бўлди бу эрта,  
Қара, Зангизўрнинг  
Соҳилларини.  
Қара, булутларнинг  
Хил-хиласини,  
Яшил ўрмонларнинг  
Салқинини кўр.  
Тургин, Маро жоним,  
Тургин, ўргилай.  
Елни тароқ қилиб,  
Сочларингни ўр!  
Гиргиттонинг бўлай,  
Табиат пари,  
Майсаларинг гилам,  
Кўкинг соябон.  
Гўзаллигинг сенинг  
Ажаб белоён,—  
Пой изимдан тортиб  
Уфқдан нари!..  
Сени энди билдим,  
Сенга қарадим.  
Нафасларим — ел,  
Кўкрагим — осмон.  
Сени — етимликнинг  
Очиқ ватани,  
Ўлим олдида ҳам  
Ҳеч унутмасман!

\* \* \*

Қичик кулбачани  
Айлаб тарк шартта,  
Маро билан  
Қўшни боғларга чиқдик.  
Сатанглардек қадди  
Кеккайган олма,  
Маро билан бирга  
Биз уни эгдик.  
Маро деди:  
«Синглим,  
Қайси ёқдансан?»  
Дедим: «Осмон деган  
Капа тагидан».  
Деди: «Саркис менга  
Айтди «етим» деб».  
Дедим: «АЗоб чекдим,  
Юрагимни еб».  
Деди: «Отанг ўлган,  
Онанг ҳам ўлган?»  
Дедим: «Қариндошим  
Йўқ ўзга мендан!»  
Деди: «Қўзларингдан  
Айланай қўзим,  
Мен ҳам ғариб, синглим,  
Кўнглим яримта».  
(Умрин эртагини  
Сўйлади бутун.)  
Яна кўнглим оқди,  
Кўксим шип-шилта.

\* \* \*

Маро билан роса  
Тўлиб дардлашдик.  
Юрагимни энди  
Бўшатдим мен ҳам.

«Умр шунча қиммат,  
Шунча озгина,  
Шунча қисқа дам-у,  
Нега дарду ғам?»  
Дедим: «Саҳардаги  
Булбул оҳидек  
Умр қаёқларга  
Борар номаълум».  
Деди: «Саркис деди,  
Жангга чиқамиз  
Ёки ёруғ жаҳон,  
Ва ёки ўлим!»  
«Ростдан, Нахшон ука,  
Токай, бу хўрлик?  
Токай, бошимизда  
Баднома кўлка?  
Кўйки, озод бўлсин  
Оҳудек яйраб.  
Осмон каби тоза  
Бўлсин бу ўлка!  
Жангга чиқасанми,  
Қўлингдан тутсам?  
Нахшон, оппоқ синглим,  
Чопарми кўнглинг?  
(Ўз-ўзидан ортиқ  
Қалтираб кетди.)  
Ушла, қўлларимни,  
Бер, ука, қўлинг!»  
Юрагимга ботди  
Маро сўzlари.

\* \* \*

Ҳаргиз ажаб ўйлар  
Кўз очиб кетди,  
Бир нуқтада тинди

Нигоҳ кун бўйи...  
Энди чинакамдан  
Ўй босиб кетди...  
Бениҳоят юрак  
Тепкиси ошар,  
Ичдан лавалардек  
Олов ёнади.  
Аарати бунча  
Қибор боқади.  
Ҳаёт буюклиги  
Ундами яшар?

\* \* \*

Билмай қолдим,  
Куннинг ботганини ҳам,  
Каптар қони каби  
Шафақ нимқизил...  
Ҳамон юрагимда Маро  
сўзлари,  
Қўксим тош босгандай  
Роса вазмин-зил...  
«Маро, Саркис мунча  
Кеч қолди экан?»  
«Келиб қолар, Нахшон,  
Шошма, ҳалзамон».  
Кута-кута уни  
Кўзлар тўрт бўлди,  
Кута-кута уни  
Юрак бўлди қон.  
Ой ҳам чиқди,  
Ойдай Саркис ҳам келди.  
Кўнглим тилсим эди,  
Бўлди чароғон.  
Пешонамни силаб

Бағрига босди.  
«Меҳр» деган шундай  
Кучлими ростдан?  
Деди: «Яхшимисан,  
Фарибим, қизим?»  
Дедим:  
«Раҳмат ота».  
(Ичим шув этди.)  
Энди кўкрагимга  
Шабада тегди,  
Қўнглим ўқсиб кетди  
Яна беизин...  
Кипригимдан босди  
Хаёл вазмини,  
Ўтган кунларимни  
Эсимга олдим.  
Ўйларимни яна  
Азага солдим,  
Сўрамасдан сира,  
Эрким измини.  
Маро деди:  
«Нахшон, яна хаёлми?»  
Яна орзиқарми  
Юракчанг сенинг?»  
Саркис ичар экан  
Оби ёвғонни  
Шунда кўзларимга  
Боқди-да, менинг  
Авзойини бузмай,  
Секин, салмоқли  
Оҳанг билан деди:  
«Қизгинам, Нахшон,  
Ўтганларга қайфу  
Чекма, оппоғим.  
Чаман-чаман боғлар  
Олддадир, боқсанг!»

\* \* \*

(Шетда бирпас тўхта,  
Оғир бўл, шоир,  
Сенга уларни мен  
Танишитирайин.  
Ошна бўлсин Саркис  
Ва дилбар Маро.  
Сўнгра ҳикоямни  
Давом этайин.)  
Саркис, ўша менга  
Ёмғирли тунда:  
«Тургин, оппоқ қизим,  
Юр!» деган киши  
Қирқ бешларга борган  
Манглайи тириш.  
Меҳнат кечасида  
Дув тушган тиши.  
Узоқ ўтмишда —  
Якка подачи.  
Қайғу найларига  
Жўр бўлиб ўсган.  
Қочай деса  
Умр азобин ташлаб,  
Ӣўлларини зулм  
Тоғлари тўсган.

Гарданида кўм-кўк  
Моматалоқ из,  
Елкасида синган  
Ирғай қамчилар.  
Олис тарихида  
Хол бўлиб қолган  
Балки... кўзларидан  
Томган томчилар...  
«Бир парча нон» деган

Умр савдоси  
Уни кўчаларда  
Сарсон айлаган.  
Қуллуқ — ибодатнинг  
Жазо кишани  
Алдаб ялтираган,  
Кўзин бойлаган.

У ўз тили билан,  
Шундай дер эди:  
«Эсдаликларимнинг  
Салобати зўр,  
Айтай десам  
Бутун кечмишларимни,  
Сўзга келмас тилим сира...  
Мана, кўр.

Адаш гапираман  
Ҳалитдан,  
Эй, хуш!  
Қанотланма узок,  
Қанотланма туш!  
Сенинг тилинг аччиқ,  
Сўзларинг аччиқ,  
Аччиқ аламларни  
Қўзғаб қўясан.  
Эсларимга солиб  
Кўйган ёшликни,  
Кўзларимдан бир жуфт  
Чашма ўясан!»  
Тошлар ўяр,  
Тоғлар ҳайбатин ёрап,  
Кўз нурларин тўкар  
«Силлиқ бўлсин» деб.  
Унинг умри шундай.  
Унинг умри — тог.

Воясига етган  
Сабри қайғу еб.  
Маро унинг жони.  
Маро — хотини.  
Анча зиқроқ,  
Аммо дилкаш ва тирик.  
(Ахтарсангиз,  
Унинг бор бисотини,  
Ҳар кулфатда чиқар  
Саркисга шерик.)

Кунлар ўтди бир-бир,  
Ойлар саналди,  
Маро билан нуқул  
Сен-сенга ўтдик.  
Дунё гапларини  
Тинглаб биришта  
Ўю фикрим ўсди  
Аланга — ўтдек.

Кунлар ўтди бир-бир  
Сувдай туташиб.  
Кундуз — оқшом билан,  
Кеча — тонг билан.  
Эй!.. У кунлар,  
Кунлар,  
Менга онг берган,  
Эслар экан,  
Кўнгил кетар ушалиб...

\* \* \*

Бир кун  
Танҳо эдим  
Мен ўзим ёлғиз.  
Саркис ишга кетган,

Маро йўқ өди.  
Шамол тезлигига  
Кирди бир йигит:  
«Маро ҳани?»— деди.  
«Маро йўқ»,— дедим.  
Кўзларимга тушди  
Нигоҳи қиё.  
Ким экан бу?  
Бунча чиройли экан?  
Юрагимда пайдо  
Бўлди бир тикан,  
Гўё тимдалади...  
Айлади қийма.

Не бу?  
Нега юрак ҳал-ҳал эзилди?  
Нега нега каби  
Чил-чил синди дил?  
Не бу?  
Нега нури киприкни сузди?  
Нега ўз-ўзидан  
Сўз йўқотди тил?  
Суқим оқиб кетди  
Гўё пойида.  
Лабларим ҳам ажиб  
Қалтираб турди.  
Кўкрагимда худди  
Бир бало юрди,  
Аччиғ-аччиғ ботиб  
Юмшоқ жойида,  
Дедим: «Маро йўқ-ку,  
Не ишингиз бор?»  
Деди: «Шундай, бекор,  
Тортма сен озор».  
Дедим: «Озори йўқ  
Қатрача ҳам ҳеч».

Деди: «Хайр бўлмаса,  
Келарман сал кеч».

Кўзларини олмай  
Тикилди менга.  
«Кетма!» дегим келди  
Сансирауб уни.  
Бирдан шартта чопиб  
Чиқди эшикдан.  
Орқасидан чопдим.  
Юрак тутуни —  
Кўз олдимни этди  
Тундай қоп-қора;  
Қалбим узра сездим  
Бир жарроҳ — яра...

Қандай сезги экан,  
Ўйчан айлади?  
Хаёлимни бутун  
Олиб қочди у.  
Борлиғимни чамбарчас  
Бойлади.  
Билсам... билсам кейин  
Севгим экан бу!

\* \* \*

Маро келди. Айтдим.  
У деди: «Кўрдим».  
«Ким у йигит?»— дедим.  
Мародан сўрдим.  
Сезди шекилли-да,  
Кулди оҳиста.  
Лабларини очиб  
Худди оқ писта.

Деди: «Ашот деган  
Ишчи бир йигит.  
Газет, китобларга  
Ҳарфлар теради.  
Яқинда у ўзи  
Масковдан келган.  
Бир хил пайтлар, шундай,  
Келиб туради».  
Нима бало, Нахшон,  
Не бўлди ўзи?  
Уят оғир келди,  
Бошимни босди.  
Яна Маро деди:  
«Уялма, қўзим.  
Айткин, нима бўлди?  
Не олиб қочди?»  
Қалбим деди:  
«Айткин, севаман, дегин...»  
Тилим таржимонлик  
Қилолмай қолди.  
...Шундай қилиб, севги,  
Биринчи севги —  
Киши билмас қилиб  
Кўнглимни олди.  
Қани, Ашот бола,  
Кўзлари қора?  
Қани, юрагимни  
Эзгувчим менинг?

Умрим бино бўлиб  
Билмаган эдим:  
Севги нима?  
Нега орзиқар кўнгил?  
Уни бир кўрдиму  
Биргина кўрдим.  
Кўз ўнгимни босар

Висоли буткул...  
Ким экан у?  
Нега дараги йўқ ҳеч?  
Ёзги сувлар каби  
Ташлаб кетдими?  
Қайғум тоғдан ошар,  
Яна қайғули  
Чорраҳага йўлсиз  
Ташлаб кетдими?

\* \* \*

Бир кун  
Отам Саркис  
Қайғули қайтди.  
Қовоғидан худди  
Қор ёғар эди.  
Қунги одатини  
Айлаган канда:  
Ювимаган  
Афти кир, моғор эди,  
Ҳеч бирон гап уни  
Овунтирмади.  
Сурункаси «ух» деб  
Олди оғир дам.  
«Нечун?— деди Маро,—  
Саркис мунчалик,  
Ортиқ қайғулисан?  
Тушди қандай ғам?»  
«Сўрамагин,— деди,  
Энтикиб Саркис.  
Анча вақти сира  
Сўзлолмай қолди.  
Деди: «Бу кун кундуз  
Гурген қамалган».  
Ўпкасини қийнаб

**Бир нафас олди.**  
Ки, қайтариб яна  
Чиқарганда дам  
Лампа пир-пир  
Этди-да, ўчди.  
Танимайман ким у,  
Аммо Саркиснинг  
Қайғусига шерик бўлдим.  
Қалб кўчди.

\* \* \*

Алланечук ўйлар  
Ўйлаб, охири  
Энди кўзим андак  
Мизғиган экан,  
Бирдан эшик  
Қаттиқ тақиллаб кетди.  
«Маро», дедим.  
Саркис: «Жим, қизим», деди.  
Бирпас жимлик тушди.  
Пашша ғинг этмас.  
Борган сари  
Қўрқиб юрак ўйнайди.  
Яна тақиллади.  
Яна ва яна...  
Саркис турди.  
Юрди. Уй ўртасида  
Қотиб қолди.  
Билмай қай вазиятда.  
Қоронғуда Маро  
Қўзга кўринмас.  
Бирдан Саркис  
«Кимdir?  
Ким тақиллатган?»—  
Деди. Ташқаридан

Хирри бир овоз:  
«Очинг!» деди.  
Саркис эшикни очди,  
Уй ёриди.  
Лампа ёқилди. Уйга  
Кириб келди  
Уч нафар полиция  
Бири аста бураб  
Узун мўйловин:  
«Саркис Абовянми?  
Денгиздан денгиз —  
Буюк Арманистон  
Хукуматининг исмидан  
Қамоқ қилдим,  
Тинтингиз!»

Тинтиб кетди.  
Уйни остин-устун қилди.  
Чидолмадим сира,  
Йиғлаб юбордим.  
Маро ҳўнгиллади.  
Бир азо турди.  
Саркисга мен  
Ўзни ташладим, маҳкам  
Қучоқладим сиқиб.  
Бошимдан ўпди.  
Ҳеч гап гапирмади —  
Тоғлардай мағрур,  
Қўллар каби сокин  
Тинч туриб берди.  
Тинтиб бўлди,  
Топмай ҳеч бирон нарса,  
Гумон билан қараб  
Саркисга тикка,  
У шоп мўйлов  
Кулиб: «Олингиз!» деди.

Омон бўл, омон!»  
«Отажоним, отам,  
«Омон бўлгин, Маро,  
Нахшон, сиқтама»,—  
Деди. Уни шартта  
Олиб чиқдилар,  
Йиғлаб хунибийрон,  
Қолдик саргардон.  
Қаттиқ тегди дилга  
Кўни-қўшнининг  
Шивир-шивири-ю,  
Тек томошаси!..  
«Уйқу — уйқу бўлмай  
Ўтди кечаси.  
Ой — ой бўлмади-ю,  
Ғам берган бўлди.  
Юрак лахта-лахта  
Қон билан тўлди.  
Мунча серқайғукан  
Умр кўчаси?  
Яна кўнгил узра  
Қайғу ҳароми,  
Яна кўзларимдан  
Сел равон оқди.  
Нечун-нечун Масис  
Хароба боқди?  
Бунча ўгай бўлди  
Ҳаёт ороми?  
Бутун туни билан  
Марони бирам  
Ҳол-жонига қўймай  
«Айт», деб зўрладим.  
«Нега Саркисимни  
Қамоқ қилдилар?  
Недир, ахир, унинг  
Гуноҳи?»— дедим.

Деди: «Синглим, Нахшон,  
Асти сўрама.  
Кўпга келган бало,  
Недир чораси?  
Сен сўрайсан қўзим,  
Оҳ, билсанг эди,  
Юрагимнинг қонар  
Дардли яраси...  
Ҳали ҳоким экан  
Бу итваччалар,  
Елкамизда тинмас  
Ҳали кўп гаврон.  
Келар, ахир, бизга  
Умрнинг гали.  
Келар, ахир, бизга  
Баҳори даврон.

Масков, Петербургда  
Октябрь яшар.  
Октябрки, буюк  
Инқилоб номи.  
Бизга паноҳ берар  
Фақат қўзғолон,  
Қўзғолсакки, синар  
Бу зулм дами!

Ҳозир бутун ватан  
Безгак қўйнида...  
Шимарилган заҳмат  
Халқнинг билаги.  
«То денгиздан денгиз —  
Буюк давлатим»  
Деган дашноқларга  
Ўлим тилагин!  
Отанг ҳаддан ортиқ  
Сабри тугаган.

«Кўзғолсак-чи,  
Ватан боғбони бўлсак,  
Умр деган майга  
Маст бўлиб тўйсак»,—  
Деяр эди ҳаргиз.  
Кўргилик экан.  
«Гурген қамалган», деб  
Қайгули эди.  
Ўзи-чун ҳам  
Еган экан қайгуни.  
Кўзғол, синглим.  
Кўзғол, заҳмат армани!  
Ағдар, фалакни ҳам  
Соя бермаса!»

Сатта йиглаб сўзлаб,  
Эзди юракни.  
Ухламасдан аранг  
Тонгни ёритдик.  
Кўзга кўринмади  
Тонг табиати.  
Гўё уни ҳам биз  
Дардда ҳоритдик.  
Ота-она ўлиб,  
Шундай куймаган,  
Шундай эзилмаган  
Эди юрагим.  
Эҳ, юрагим,  
Сирдош, ҳамроҳим менинг,  
Наҳот, очилмагай  
Кулиб тилагим?

\* \* \*

Тонг оқарди,  
Тонгда турди-ю, кетди  
Аламига сира

Чидолмай Маро,  
Билмам қайга кетди,  
Қимга арз этди?!  
Яна кўнглим қаро,  
Хаёлим қаро.

Яна офтоб ботди,  
Яна кеч тушди.  
Яна юрак қўрқиб  
Битталаб тепар.  
Қаерларда сарсон,  
Тентиб саргардон,  
Маро нечук бундай  
Кетди бехабар.  
Қош қорайган вақт  
Қоп-қора қақшаб  
Маро келди йиғлаб:  
«Куним қурсин, деб,  
Кетди бошимиздан  
У ғамхўр соҳиб,  
Жаллодларга, Нахшон,  
Қирон келсин», деб,  
Кеча Гурген деган  
Қамалган учун  
Завод ишчилари  
Йиғин қилишган.  
Шунда отанг қаттиқ  
Гапирган экан;  
Уни қамаганлар  
Фақат шунинг-чўн.  
Билмам, энди Нахшон,  
Охири қандай?  
Бахайр бўлса, гўрга,  
Ёмон бўлмасин.  
Биттагина паноҳ,  
Қариндошим шу.

Айтгин-айтгин, синглим,  
Уҳ... кўп кўрмасин!»

\* \* \*

«Шундай кунлар ўтар...  
Ўтарди кунлар;  
Севинч ошна бўлмай  
Умрга беном.  
Маро менга ажаб  
Сўзлар пишилди:  
Айтиб берди  
Дунё сирларин тамом.

Кўзларимга гўё  
Офтоб беркинди.  
Узоқларни кўрдим,  
Кўрсатди Маро.  
Билдим. Билиб етдим,  
Билдим мен энди,  
Билдим оқи қайси,  
Қайсиси қаро».

\* \* \*

Яна кеча. Азон.  
Кундуз. Намозшом.  
Яна кунлар елдай  
Учиб ўтдилар.  
Борган сари  
Исён этар бўлди дил,  
Ўз-ўзидан  
Оғир босиб кўп ўйлар.  
Нечун бунча хўрлик  
Бунчалик жазо?  
Ёки вабо келди,

Этмакда хароб?  
Ёки қон қусмоқчи  
Сарғайиб сароб?  
Нечун-нечун бизга  
Бунчалик азоб?

Живиллади менинг  
Аъзойи бадан.  
Яхши билолмайман,  
Нега, нимадан,  
Гўё нигоҳ ўқи  
Тешса осмонни,  
Гўё парчаласам  
Йиқиб тоғ-тошни.  
«Йўқол, осмонимни  
Қорайтма, булут!  
Йўқол, исёнимдан  
Қўрқмайсанми, а?  
Йўқол, ҳаёт боғин  
Хароб этган сел!  
Йўқол, йўқолмасанг,  
Хароб этаман!»

\* \* \*

Май кунлари эди,  
Ел ёзар куртак.  
Оlam бутун кўм-кўк  
Кўкарган эди.  
Қора атлас кийиб  
Эгнига кеча  
Кўчаларда санқиб  
Тинч юрган эди.  
Ўзим якка, уйда  
Маро йўқ эди.  
Эшик тақиллади:

«Кимдир? Ким?»— дедим.  
Хеч ким жавоб бермас.  
Қалтироқ турди:  
«Кимсан? Айткин, кимсан?»  
Қўрқдим. Дим бўлдим.

«Нахшон!» деди.  
Худди Саркисга ўхшаб.  
«Ота!» дедим, очдим.  
Дарров эшикни.  
Ким бу? Яна ўша!  
**Яна у келди.**  
Севгимни айлайми  
Изҳор, қайғумни?  
Нигоҳ деган шунча.  
Қаттиқ бўларми?  
Юрагимга ботди  
Мисли наштардай.  
«Маро қани?»— деди.  
«Кеп қолар»,— дедим.  
Йўтал тутди уни  
Бирам пайдар-пай...

Сира бечора-чи,  
Дам ололмади;  
Дарров чаккасидан  
Тутдим. Тўхтади.  
Бош кўтариб менга  
Тикилди яна,  
Қотдим. Гўё қоним  
Совиб тўхтади.  
Унутибман ўзни,—  
Хушим қочибди —  
Қўлларимни унинг  
Бошидан олмай,  
Ушлаганча анча

Туриб қолибман...  
(Эҳ, эсимга уни  
Қўй, шоир, солма;  
Уни эслаганда,  
Бағрим ёнади.  
Юрагимда аччиқ  
Дард яра очар...  
Унинг хаёллари  
Қўнглимда турсин,  
Ўша ерда чечак,  
Бамисли очар.)

\* \* \*

Маро келди,  
Кўзи соққадек ўйнаб.  
Алланарса учун  
Шошилган каби.  
Шодлик билан қайфу  
Кўшилган эди  
Унинг юзларида.  
Титради лаби.  
Ўйда ким борига  
Бўлмади ҳайрон,  
Ашот билан  
Қўлин бериб сўрашди.  
Кейин, иккаласи  
Бир четга бориб,  
Билмам, нималарни  
Узоқ гаплашди...

Билармикан менинг  
Пок севгимни у?  
Севармикан мендай  
У ҳам энтикиб?

Билмай қолдим,  
«Хайр», деб эшикдан чиқди  
Уч кунлик ой — кўкда  
Ўроқдай эгик...

Маро чуқур хаёл  
Суриб ўтирди.  
Гапирмади. Мен ҳам  
Чурқ этмай турдим.  
Бир қаради менга,  
Мен секин кулдим.  
Кулмади у,  
Кўзни кўчага бурди.  
«Нахшон,— деди,—  
Қара, ойнадан бундай,  
Тунми, кўчадаги,  
Қоронгуми, а?  
Синглим,— деди,  
Жоним, кўр роса, мана  
Бутун жаҳон  
Шундай,  
Қоп-қора тундай!  
Уч кунлик ой  
Кўкда камонча, синглим,  
Афсус...  
Саркис отанг  
Биз билан эмас!  
Балки азоб чекар...  
Балки.  
Нахшон, эй,  
Балки ҳушдан кетган —  
**Ўзини билмас!**

Айтқин, ойга,  
Салом айтсин бизлардан.  
Ўрни йўқолмасин деб

Сенинг учун  
Маро билан Нахшон  
Чиқарлар, десин.  
Кўрсатмакка меҳнат  
Сутининг кучин!  
Чиқасанми? Нахшон!  
Отанг ўрнига,  
Отанг меҳри сенга  
Қамар боғласа,  
Чиқасанми, қўзим.  
Жангга мен билан.  
Бу кун — эрта сени  
Жангга чоғласа?  
Токай умр деган  
Сабил бўлади?  
Токай  
Бошдан нари  
Қолар ордона!  
— Синглим,— деди,— ростдан  
Кўрқма, мардона —  
Бўлди, бизни энди  
Зўр жанг кутади!  
Қалтирама, Нахшон!  
Кўр ҳма, оппоғим,  
Ол, қўлингга буни,  
Маузер дейдилар.  
(Отиш, ўқ солиши  
Ўргатди менга.)  
Буни «енгсин» дея  
Дўстлар бердилар».

«Қалтирама!» деди,  
Қалтироқ қочди.  
Кўзларимни ёнган  
Билдим шер кўзидай.  
Марожонни роса

Қучоқлаб ўпдим.  
Ўзни сездим кучли  
Афсона девдай!..  
Парча-парча синган  
Сабр косаси...  
«Тўхта,— дедим,— қўрқув,  
Отиб ташлайман!»

\* \* \*

Бир кун ўтди,  
Яна икки кун ўтди.  
Ёзги сувлар каби  
Ошиқар юрак.  
Ўргиламан, тилак,  
Пок юзларингдан,  
Севгим бахти сенда  
Айланай, тилак!..  
Кўрса эди, дейман,  
Саркис Нахшонни,  
Эҳтимолки, бирпас  
Ҳайрон қоларди.  
Ёмғирли тун  
Тушиб эсига ногоҳ,  
Балки узоқ... толиб  
Хўп ўйланарди...  
Кўрса эди, дейман,  
Мени шу чоқда  
Балки кўкрагига  
Босарди маҳкам...  
• • • • • • •

Турма захин тортиб  
Ётган дадамнинг  
Ўрнига, мен, мана!  
Жанг, қўйнингга ол!

\* \* \*

Сел юрдими?  
Ёки турди зўр қуюн,  
Ёки дёнгиз тошди  
Қирғоқларидан?  
Ёки тоғлар синди,  
Ёқилди фалак?  
Оlam тўлди ўйинг  
Қирғоқларидан...  
Дарё пешновига  
Кўшилган сувдек  
Мен ҳам кўчаларда  
Шер бўлиб кетдим.  
**Ўнг қўлимда**  
Маро берган маузерча,  
Чап қўлим ҳам ўзи  
Маузер бўб кетди.  
Жангни сенга  
Тасвир этолмас тилим,  
Трах-трахлатиб  
Босди пулемёт.  
Шовқин-сурон,  
Қий-чув. Тўполон,  
Бос!  
От!  
Қалтирайди, агар,  
Эсласам дилим.

\* \* \*

Жон ҳалпида ҳамма  
Чопар илгари...  
Маро, нима бўлди?

Не бўлди, қўзим,  
Бирдан шартта тушди...  
Юмулди кўзи.

Жигарим!.. Жигарим!..  
Вой, ўлайин, тўхта,  
Тўхта, кетмай тур.  
Ўргилайин сендан.  
Айланайин, Маро.  
Сен эмасми эдинг  
Ширин туш кўриб,  
Сайри жаҳон этган  
Чаманлар аро?  
Қандай чидай олар  
Нахшонинг ўлгур,  
Кетдингми сен?  
Войдод, мен ўлай... Маро.  
Вой, мен ўлай, синглим,  
Жигарим! Жигарим!..  
Эҳ, бечора.  
Бағрин сиқимлаб ётар  
Кўм-кўк — моматалоқ  
Бўлди юzlари.  
Мунча хунук экан,  
Жоннинг талаши?!

Бир умрга юмди  
Қора кўзларин.  
Инглаб, ҳушим қочиб  
Бошим айланди.  
Мен ҳам таппагина  
Ерга ташландим.  
Қўлтиғимдан бирор  
Тикка кўтарди.  
«Кимсан? Маро ўлди,  
Ашотим»,— дедим.  
«Инглама, қиз Нахшон,

Йиғлама сира.  
Енгув бизнинг қўлда.  
Ватан бизники!..  
Маро, қурбон бўлган  
Қурбоилар аро  
Ёки бир юзинчи,  
Ёки мингинчи.  
Чоп, илгари!  
Югар!  
Олдда жанг. Нахшон!»  
Шу фурсатда  
Бирдан маузерим учди,  
Ўнг қўлимга худди  
Тош келиб тушди.  
Жуда қаттиқ...  
Азоб... Қетибман ҳушдан.

\* \* \*

Шундан кейин... Менинг ҳушим  
йўқолгани  
Бундан бошқасини  
Эслай олмайман.  
Ҳушга келсам:  
Қўлим оғир... боғланган  
Ҳал-ҳал каби...  
Ердан кўтаролмайман.

Бошим узра отам  
Саркис ва Ашот.  
Билмай қолдим  
Кундуз ёки кечмиди?!  
Гўё энди кўрган бўлдим  
Шу кезда  
Дунё кўриб,

Кўрган бўлсам севинчни!  
«Ота,— дедим,— Маро...»  
«Йиғлама,— деди.—  
Йиғламагин, қизим,  
Йиғлама, Нахшон,  
Юрагимни сен ҳам  
Тиғлама!— деди,—  
Омон бўлгин, қизим,  
Омон бўл, болам!  
Майиб қўлни кўтар.  
«Утра»,— де, эркам».  
«Енгув бизнинг,  
Ватан бизники, Нахшон»,—  
Деди Ашот.  
Гўё шу сўзлари ҳам  
Менга «севаман», деб  
Эшитилганди...

\* \* \*

Шодлигимни сенга  
Қандай англатай?  
Кўм-кўк ўрмон каби  
Барг ёзар ўйим.  
Арааратдан юксак  
Хавасларим бор.  
Қаддим расо энди,  
Сарвидек бўйим.  
Дардля юрагимда  
Қайғу ўрнини  
Университетнинг донгли  
Клуби олди.  
Дардни қувдим  
Умрим дарвозасидан,  
Энди сарсон бўлиб

Кўчада қолди!  
Айтаберсам,  
Тамом бўлмас дафтарим,  
Унинг ҳар бетида  
Ёшим изи бор.  
Эслаб қўлдан учар  
Хаёл — капитарим.  
Ҳар қаноти дийдам  
Нурини олар.  
«Отам, акам», дейди  
Сирли кўз отам,  
Пешонамдан ўпган  
Билан тўймайди,  
У саломат ҳали...  
(Эҳ, қандай яхши!  
Ўша борки, кўнглим  
Яrim бўлмайди!)

Маро кетди...  
Шамдек липиллаб ўчиб,  
Қузги япроқ каби  
Пириллаб кетди.  
Баҳорга тўймаган  
Қапалак каби,  
Ўлим ногаҳондан  
Чийиллаб кетди...  
Севгинг ҳали борми,  
Ҳаётми?— дерсан.  
Севгим ҳали яшар  
Кўнглимда, ўлмас!  
Фақат, севгувчим йўқ.  
Уни ҳам кўмдим.  
Шундан бери дилим  
Ҳаёлида маст...  
Эсларимга тушса

Йилларнинг кўйи,  
Юрагимни худди  
Егудек бўлар.  
Борлиғимда ажаб  
Қалтироқ туриб,  
Киприкларим жикқа  
Ёш билан тўлар...  
Эсламайин дейман,  
Эсламай дейман,  
Майиб қўлим яна  
Солар эсимга.  
«Бир қўлим-ку, майли,  
Жонни бераман!—  
Дейди,— кураш бўлса,—  
Қалбим ичимдан».

## ХОТИМА

Шабада боларидай  
Гулзор узра шўх,  
Ой фанорини  
Ёқди қиз — оқшом.  
Яша!.. Сен келдинг,  
Севгилим, Нахшон,  
Сув қизи, сувсарим,  
Киприклари ўқ.  
Умрингнинг эртагиқ  
Айладим тамом.  
Аммо ўзимни ҳам  
Ичим чиқмади.  
Ўқиганда, азиз ўқувчи,  
Ундан  
Оз бўлса ҳам,  
Хурсанд бўлса бўлади.  
Тунлардан мен анча  
Хафа ҳам бўлдим.  
Бир бет тўлғизмасдан  
Тонг отиб қолар.  
Эртагингдан ҳали  
Кўпи хом қолди.  
Вақти билан асл  
Яралар улар.  
Майли, умринг сенинг  
Туганмас достон.  
Ёзган билан ҳали  
Тамом бўлмас у.

Кулма. «Шугинами?» деб  
Мендан, Нахшон!  
Мен ўйлаган шеърнинг  
Бошгинаси бу.  
Фақат чарчаб қолдим,  
Мен шуни айтай,  
«Шоир сўзи бу», деб,  
Ед қилиб олгин.  
Агар, Ватан сенга  
Яна: «Чиқ!»— деса,  
Киприкларингни ҳам  
Ўқ қилиб отгин!..

*Ереван—Самарқанд, 1934*

**А Т Л А С**  
*УН БИР КҮРИНИШЛИ ДРАМА*  
ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

С. Н. Мамонтов — қари профессор.  
Нозим Қамолов — доцент.  
Орзуманд — студент.  
Атлас — студентка.  
Қумри — студентка.

БИРИНЧИ ВОҚЕА

Саҳна. · Профессорнинг кабинетига кирадиган хона.  
Узоқда скрипка ўйнайди.

Орзуманд

Баргларда ухлаган тинч ҳаво,  
То баланд сурайё зангори.  
Қалбимда биргина шеър яшар,  
Ўйимдан ясанмиш ангори.

Хаёли — севгимнинг висоли,  
Мазмуни — ойлардан оппоқдир,  
Қўнглимга ҳар нарса юмшоқдир,  
Гўёки ҳар нарса мисоли.

У, умрим уфқида бир шафақ,  
Инжуудир тонгларда оқарган.

Баҳори боғимда барг ёзган  
Бир ғунча чечаклар... бир юмшоқ.

*Пауза*

Кутгани, унга кўз тутгани  
Термилиб қарайман йўлига...

*Пауза*

Бир баҳор оқшоми... ой кулар сузгун,  
Титрарди баргларнинг сийрак сояси.  
Бир кўрдим. Бир кўрдим, айлади тутқун,  
Тўлди ишқи билан дил пиёласи.  
Ичдим хаёлида маству бекарор...  
Меҳрим гўё сувдек пайига оқди.

У бўлди қонимга қон қўшган табиб,  
У келди, руҳимга севинчлар тақди,  
У келди, ишқимни айлаб ихтиёр.  
У келди, нурлардан яралган малак  
Э, шеърим бўлсайди шу баланд фалак,  
Айлардим бутунлай унга бир ёдгор.

*Пауза*

А т л а с киради.

Фан агар топширса элчилик,  
Учардим шу баланд фазога.  
Кўрардим қайси бир сайёра  
Оlamda бахтлидир бизчалик!  
Эркинми юракнинг ижоди  
Эмарми мазмунин ҳаётдан?  
Унда ҳам одамзод авлоди  
Ҳақлими шеърдан, мамотдан?  
Унда ҳам севилган қиз-йигит

Шундай тинч ва сарин оқшомлар  
Кутарми севганин орзиқиб?

### Атлас

Шоирлик хаёли.

### Орзуманд

Ҳа. Атлас, шоирлик юксакдир,  
У жигар қонидир, у юрак.  
У ҳамма. Ҳар нарса, у бутун,  
У ҳаёт, у кулган мұхаббат,  
У анча чалинган иусиқа.

*Пауза*

### Атлас

Хаёл ҳам қиссаи ҳаётдир.  
Хаёлдан ҳақиқат рўй бериб,  
Тағин биз унутилиб кетмайлик!

*(Кулади.)*

### Орзуманд

Юракни унутмоқ мүмкинми,  
Илонки, ҳеч қачон оппоғим!  
Унутмоқ ихтиёр айламас  
Бу юрак... зотан бу бечора  
У хилда зўр кучга моликмас!

Атлас секин бош кўтаради. Орзуманд Атласни бағрига  
босади.

Кўзлари шаҳло қиз.  
Илонгин!

Атлас Орзуманднинг тұгмасини ўйнаб туриб, күкрагига бош құяды. Орзуманд құчоқлаб үпади. Атлас бошини солинтириб қолади. Орзуманд унинг бир құлинин ушлаб тикилиб қарайди. Атлас бетоқатланади.

Ха?

### А т л а с

Борай...  
Эртага имтиҳон.  
Ховлига кун билан бормадим,  
Дарсдан сұнг мажлисда...

### О р з у м а н д

Майлинг, қиз.

### А т л а с

Овора бўлманг, сиз.

Чиқадилар, профессор киради ва уларнинг орқасидан қараб қолади.

### П р о ф е с с о р

Нақадар шириндир — тотлидир ҳаёт,  
Ёшлиқ, у баҳорги япроқдир, сабий.  
Бахтилар... ишлари тоқату сабот  
Бахтилар тоғларнинг бургути каби!  
Буларни кўрганда юрак эзилар,  
Баҳорнинг ҳидини сезган қушлардай.  
Эҳ... эсиз ёшлигим — соядай ўтди,  
Аршига етмади калта тушлардай.  
Қани у, қайларда дарбадар, сарсон,  
Эй!.. Унинг кўзлари кўр бўлган... ожиз.

Ва аччиқ хаёли... у... узоқ энди  
Кулмаган бирон йўл унга севган қиз.

*Пауза*

Қайси ер, қайси ёқ ва қайси аср  
Ёшликнинг бахтини бу қадар пичмиш?

*Пауза*

Йўқ! Ҳали ёшлигим шамолдай ўйнар,  
Ҳали ижодидан толмаган юрак!

Қалтираб ўтириб қолади. Узоқда яна музика ўйнайди.  
Музикага эргашиб ғинғиллади, таниш исмларни такрор  
айтади. Миша, Володя, Таня, Ира, Орзуманд... Қумри...  
Шу пайт Орзуманд қайтиб киради. Профессор сезмайди,  
давом этади.

Орзуманд (*ҳайрон*). Атлас?! Семён Николаевич... (*Югурib бориб, профессорни ушлаб, юзига тик қараб қолади.*)

Профессор. Да, болам... Ёшликнинг севгиси қийнайди. (*Тез-тез юриб чиқиб кетади.*)

Орзуманд. Ёшликнинг севгиси қийнайди?! Профессор севилган? Атласга севилган?

Парда

## ИҚКИНЧИ ВОҚЕА

Саҳна. Бояги. Кундуз. Парда очилиши билан профессор  
Атлас бор тарафга чиқар әдилар. Орзуманд киради.

Орзуманд. Бежиз эмас экан кечаги ахвол!

Уларнинг ортидан чиқмоқда эди, Нозим киради.

Нозим. Салом, Орзуманд!

Орзуманд бирдан тўхтайди, бошини қуи солиб, бирпас  
қотиб туради. Сўнг Нозимга бошини кўтаради.

Орзуманд. Салом, ўртоқ Қамолов...

Нозим. Хўш?

Орзуманд. Бекор...

Нозим. Ҳали ҳеч ким келгани йўқми?

Орзуманд. Йўқ.

Қумри киради.

Қумри. Салом.

Орзуманд. Қумри...

Қумри. Ҳа?

Орзуманд. Ҳеч нарса. Майли... Қейин...

Шу пайтда боғ йўлидан профессор, Атлас қайтиб кира-  
дилар.

Нозим. Салом, Семён Николаевич.

Қумри. Салом.

Професор. Салом, салом, болаларим.

Қумри. Семён Николаевич, бугун фақат  
уч киши тайинланганмиз, холосми?

Професор. Да. (Ҳаммага.) Бугун им-  
тиҳонни янги келган доцент, ўртоқ Нозим  
Қамолов қабул қиласиди.

Атлас. Мен сизга, Семён Николаевич...

Орзуманд. Мен ҳам.

Професор. Тобим йўқ, болаларим.  
Эҳтимол, икки кишидан қабул қила олмас-  
ман.

Атлас. Семён Николаевич...

Професор. Хорошо.

Орзуманд. Атлас! Семён Николаевич...

Атлас. Хўп. Майли...  
Нозим. Биз физика кабинетига (*Атлас ва Қумрига*), қани...

Нозим орқасидан Атлас, Қумри кирадилар.

Атлас. Яхшироқ ушланг, Семён Николаевич. Орзу акам билан шарт боғлаганмиз.

Чиқадилар. Орзуманд жим, бўрни ушлаб, тўғри досканнинг олдига келиб, бошини солиб турди.

Профессор. Нима бўлди, ўғлим?  
Орзуманд...  
Профессор. Яхшимас... Сен танласанг, бошқалар ҳам танлайдилар. Яхши эмас!

Орзуманд бу сўзларни Атлас тўғрисида деб ўйлади. Профессор совуққонлик билан китобни очиб, бир жойини унга кўрсатади.

Мана, буни ушла!

Орзуманд китобни олади. Диққат билан қарайди. Доскага китобдан кўчириб ёzáди; уни беркитиб столга ташлайди. Ишлай бошлайди. Профессор анча вақт унга қараб турди. Столига келади. Жим. Кейин юради ва Орзуманднинг ишига бир қараб, тепага чиқади. Орзуманд унинг орқасидан қараб қолади.

Орзуманд... Марҳамат, танлаш ҳуқуқи сизга ҳам берилган, профессор! (*Асабийланиб ишида давом этади.*)

Анчадан сўнг Қумри киради. Орзу индамайди. Қумри секин Орзуманднинг ишига қарайди.

Қумри. Халал бердимми? Вой ўлай, мунча қийин масала.

Орзуманд. Қийин. Атайлаб тайёрланган масала, осон бўладими? Лекин, барибир ечаман!

Қумри. Атайлаб? Нега атайлаб? Қим сенга атайлаб?

Орзуманд. Шунақа! (*Ишида давом этади.*)

Шу пайтда профессор киради.

Профессор. Ҳа, қизим?

Қумри. Уже, Семён Николаевич.

Профессор. Хорошо. Сени кутиб туришибди.

Қумри. Бюро тайинлаган эдим.

Қумри чиқади. Профессор диққат билан Орзуманднинг ишига қараб қолади. Пауза. Нозим, Атлас кирадилар.

Атлас. Ҳорманг, Орзуманд. (*Атласга бир қарайди ва яна ишига машғул бўлади.*)

Нозим, Атлас профессорнинг ёнига келадилар.

Орзуманд (бирдан тез-тез ишлаб кетиб). Бўлди!

Профессор. Хўш... (*Орзумандни ўз столига етаклайди.*)

Атлас севинади.

Орзуманд. Бўлдими?

Профессор. Бўлди, болам. Қани, имтиҳон дафтарчангни бер-чи?

*Пауза*

Қани, ўғлим, нима қўяй?

Орзуманд...

Профессор. Айт, болам.

Орзуманд...

Профессор. Ма, ўғлим. Отлично.

Орзу олади, йиғиштиринади, кетмоқчи бўлди. Атлас ҳам шляпасини кияди.

Профессор (*Нозимга*). Иш плани тайёрми?

Нозим. Деярли тамом бўлди, Семён Николаевич.

Орзуманд. Хайр. (*Чиқади.*)

Профессор. Хайр, ўғлим.

Атлас. Хайр, Семён Николаевич.

Профессор. Хайр, қизим.

Атлас. Хайр, ўртоқ Қамолов.

Нозим. Хайр, Атласхон, хайр.

Орзуманднинг орқасидан Атлас ҳам чиқади.

Профессор. Славно.

Нозим. Да, Семён Николаевич.

## Парда

### Учинчи ВОҚЕА

Саҳна. Боф.

Нозим. Бу қора кўзлар неча баҳорни ўтказди, Атласхон?

Атлас. Нимага керак? Ўн тўққиз.

! Нозим. Ўн тўққиз. Умр ажойиб ва чиройли нарса. Бугун ўн тўққиз бўлса, ўтган куни ўн икки эди. Эртага йигирма-ўттиз... Ёшлик ўн тўққиз. Қўйиб бериш керақ, токи ҳусни камолига етиб, ўзига-ўзи хуштор бўлсин. Атласхон, бир нарса сўрайман, йўқ демайсизми?

Атлас. Нима?

Нозим...

Атлас. Нима ахир?

Нозим. Орзуманд қанақа йигит, а?

Атлас. Нима қилди?

Нозим. Бекор...

Атлас. Қанақа бўларди, яхши студент.  
Комсомол.

Нозим. Яхши денг? Уни ҳамма ҳам яхши кўради шекилли? Шунақами?

Атлас...

Нозим. Сиз ҳам яхши кўрасиз?

Атлас...

Нозим. Яхши кўрасиз-да. Ҳамма яхши кўрган кишини сиз ёмон кўрармидингиз?

Атлас...

Нозим. Ё буларни сўрамайми, аччиғингиз келадими?

Атлас...

### *Пауза*

Нозим. Да. Севги ёшликтининг моли, Атласхон. Мен ҳам сут билан бет ювган саҳарлардан тортиб, лампанинг нурини аллақаёқларга олиб қочган кечаларгача, ҳаттоки, шамонинг барг билан гаплашгани эшитилган тинч кечалардан тортиб, то лампанинг нурини ўз ёруғлигига қўшиб олган саҳарларгача ўйлайман, ёнаман. Мен ҳам севаман. Севгини изҳор қилиш гуноҳ эмас. Севги — ҳаётнинг устуни. Келганимга бир ой бўлган бўлса, ўшандан берли азобланаман. Азоблайди...

Атлас. Қим?

Нозим. Билмайсиз. Унинг ўйи, унинг ишқи билан яшайман. Мумкин бўлса, юрагимни

очиб кўрсатар эдим унга. Жиндак бўлса ҳам шафқати бордир...

Атлас. Ким ўзи?

Нозим. Айттар эдим, тилим бормайди. Билса эдики у, дунёни унга умрбод бермаганлар. Бир кун, бир кун кучли зўр бўрон уни бир барг каби пириллатиб-пириллатиб, энка-тинкасини чиқариб, чунон уради, чунон хароб қиласиди, келганини билмагандек, кетганини ҳам билмай қолади. Билмас ҳам... эҳ, билса эди.

Атлас. Ким ахир? Ажойиб одам экансиз-ку?

Нозим. Шундай ажойиб. Ишқ ажойибдан ўтказиб, гаройиб ҳам қилиб юборади.

### Пауза

Бир кўринг! Кумушдай ярқироқ  
Оппоқ ой... ўша ҳам ошиқдир.  
Ўша ҳам куяди. Ёнади.  
Ўша ҳам истайди севганин.  
Шунчалик саргардон бўлса ҳам  
Васлига бир васл бўлмоқчи.  
Қаранг, у, қандайин довдираб  
Ҳар ёнга термилиб боқади.  
Куйса ҳам, ёнса ҳам, кўрмоқни,  
Қалбига тасалли бермоқни.  
Истайди бечора... Уятиб,  
Бутун шу борлиқдан уятиб,  
Ошиғин излашга ҳар қачон  
Кечаси чиқади... Барибир  
Қалбидан гурлаган ишқ ўти  
Шарманда қиласиди... Ана, у  
Сиздан ҳам уятиб, юзида  
Ҳарирдек булутдан пардани

Ташлади...

Билсангиз севганинг мазмуни  
Бундан ҳам улуғдир. Каттадир.

Ёнаман ёғдан ҳам баттарроқ,  
Севаман ойдан ҳам орзиқиб...

Атлас. Ким ахир? Ким? Мунча?

Нозим. (чидамасдан *Атласга ташланиб.*)  
У, у — сен. Сен, Атлас!

Атлас. Ўртоқ Камолов! (*Тисланади.*)

### Парда

## ТҮРТИНЧИ ВОҚЕА

Саҳна. Биринчи кўринишдаги жой.

Орзуманд. Шуни яхши билким, мен  
муҳаббатни ўйинчоқ қилиб ўйнатгани қўймай-  
ман. Кўнглимда аллақандай бир нарса сенга  
ўла типирчилайди. Билмайман, иуқул сенинг  
ўйинг... (*Сўзи кесилиб қолади.*) Агар...

Атлас. Фалатисиз, Орзу ака... Нега мун-  
чалик...

Орзуманд. Нега?!

Атлас. Нима бўпти? Бирон нарса бўпти-  
ми?

Орзуманд. Яна ортиқроқ бўлсинми?  
Сен профессорни яхши кўрмас эдинг-ку?

Атлас. Нега? Аввал ҳам яхши кўрардим,  
хозир ҳам, бундан кейин ҳам... Нега яхши  
кўрмай?

Орзуманд. Бўлмаса... мени... алдаган-  
сан... да? Эй-й... да. Майли. Зорим бор, зўрим  
йўқ. Хўп. Хорошо. (*Тез-тез юриб чиқади.*)

Атлас. Орзу ака! Орзу ака!

Эшиккача боради. Орқасига тисланади. Нозим кидади.

Нозим. Ҳа?

Атлас...

Нозим. Шунчалик азизми? Нега ўзингизни хўрлайсиз?

Атлас...

Нозим. Да. Юракдан севилсанг ёмон. Француз ёзувчи Ани Бейл Стендал кўп кунлар овора бўлиб, севги тўғрисида икки жилд китоб ёзмис. Ушанда ҳам юрагимнинг тўла таржимаси эмас, дебди. Дейдик, асл севги — юрак севгисидир. Биласизми, юрак! Мен ҳам юрагим билан севаман, Атласхон!

Атлас. Ўртоқ Камолов, яхши эмас. Мен билан мунчалик очиқ бўлмаслигингизни сўрайман.

Нозим (*тиз чўкиб*). Шуни билинг, Атласхон, севгим юрагимницидир. Жиндек бўлса ҳам, у капитардек ўйноқлаган юрагингизда шафқат йўқми? Билмадим, сизни кўрдим, бир куч қалбимни шишадек чил-чил синдириди. Сизни кўрдим, бир куч борлиғимни ҳал-ҳал эзди. Сизни кўрдим...

Атлас. Уят эмасми, ўртоқ Камолов? (*Нарсаларни йигиштириб чиққани юради.*)

Нозим. Атласхон, инонинг, инонинг!

Атлас ичқади, Нозим бош солиб қолади.

Қиз, қизмисан қиз. Бир боссам эди бағримга.

Парда

## БЕШИНЧИ ВОҚЕА

Сақна. Кафедра. Вақт кечқурун. Биринчи планда профессор Нозим билан, тўрда Атлас ўтириб пианино чалади. Қумри унинг тепасида. Анча вақт сўзсиз картина. Орзуманд киради. Эшик олдида босиб қолади. Қумри Атлас бош эгади. Орзуманд профессорга бош эгади. Шу кезда профессор Атласнинг тепасига келиб ўйнаб турган «Будённий» маршини тўхтатиб, «Маша» куйини ўйнатади ва ўзи турган жойида ўйин тушган каби қимирлайди. Бу кўриниш Орзумандга қаттиқ таъсир қиласди. Пастга тушиб, курсига ўтиради. Нозим, Қумри ҳам жим тинглайдилар. Бирпас шу куй давом қиласди.

Нозим (*профессорнинг ёнига келиб*). Семён Николаевич (*томуша залини кўрсатиб*), йиғилиб қолишиди бошласак ҳам бўлар.

Професор. Хорошо! Можно!

Професор кафедрага чиқади. Атлас музикадан тинади. Ҳаммаси ўтирадилар. Профессор докладини бошлайди.

Қуёшнинг қувватидан ва иссиғлигидан фойдаланиш асрлар бўйи олимларнинг бошларини қотирган. Бу иш фақат энди бизнинг давлатдагина ривожлана бошлади... (*Чироқ ўчади. Бир муддатдан сўнг, яна ёнади. Профессор докладининг охирини гапиради*). Энди қуёшдаги бу қувват қаердан пайдо бўлган деган саволга жавоб берайлик. Биринчи, дунёда энг биринчи қуёш бўлганки, у ҳозирги ҳажмидан каттароқ ва кучлироқ бўлган. Нурланиш иссиқ модда тарқатади. Модда ҳисобига бўлади. Қуёш нурланишда ва иссиқ беришда ўзидағи моддаларни йўқотадир. Бу энг аниқ фикрdir. Чунки яшшимизда нурланиш ва иссиқ олиш учун модда сарф қиласмиз. Унинг кучи ҳаддан ортиқ кўпdir. Мен буни сизларга

сўзладим. Ҳозирги вазифа бу сориқ конурни симларда югуртириш учун уринишдир. Шу докладимнинг техника ва қуёш бўлимида сизларга муфассал сўзладим.

Чапак чаладилар. Профессор пастга тушади. Ҳамма хурсанд. Шу пайтда бирдан Орзуманд тўлқинланади.

О р з у м а н д . Йўқ, ҳурматли профессор, сиз дунёning тугалишини тарғиб қиласиз. Но-тўғри. Демак, қуёш нурланишида модда йўқотса, у бора-бора тамом бўладими? Дунё тамом бўладими? Йўқ, нотўғри. Бу антимарксистик фараздир. Ҳа, ҳа, нотўғри. (Ҳамма ҳайрон. Орзуманд бошини ерга солиб қолади.)

П о р о ф е с с о р (кулиб). Хорошо. Бу илмий фараз, ўғлим. Илмий фан шундай дейди. Да...

Зарда билан тез-тез юриб чиқади. Ортидан Нозим чиқади. Атлас бошини ердан кўтармайди. Атлас туриб туриб чиқмоқчи бўлиб юради. Орзу бош кўтаради ва Атласга қарайди.

О р з у м а н д . Атлас!..

Атлас тўхтайди. Орзуманд бориб, сўзсиз унга қараб туради. Атлас чиқади. Жим.

Қ у м р и . Яхши эмас. Яхши эмас, Орзуманд.

О р з у м а н д . Биламан. Биламан, яхши эмас. Билмайман, қандай куч мажбур этади. Билмайман.

Қ у м р и . Вой, комсомолец, Фарҳод!

О р з у м а н д . Кул, кул, Қумри. Қаҳ-қаҳ уриб кул. Наҳот сенда севги йўқ? Наҳот билмайсан. Нега сен комсомолка муҳаббатнинг кучини инкор қиласан? Ҳатто Маркс: «Мувваффақиятсиз севилган киши, ўзини комму-

низмда ҳам баҳтсиз ҳис этади», — деган. Нега сиз инкор қиласиз? Нега тушунмайсиз?

Қумри. Сен тушунасан. Фақат сен биласан. Фақат сен марксист. Байталмон! (Зарб билан юриб чиқади.)

Орзуманд анча сўзсиз қолади.

Орзуманд. Бир кўзгу бўлсаки, дилни фол кўрса, эзилган руҳимни поймол кўрса. Эҳтимол... Эҳтимол...

### Парда

#### ОЛТИНЧИ ВОҚЕА

Саҳна. Биринчи кўринишдаги жой.

Профессор. Бир вақтлар, болаларим ўғлим Михаил Семёнович коммунист эди. Мен уни ёмон кўрар эдим. Пролетариат инқилобининг моҳиятини тушунмаган эдим. «Мен, мен фан кишиси. Менга инқилобнинг даркори йўқ. Мен фанни поймол қилишга бормайман», дейяр эдим унга. Ўз ўғлим билан чиқишимас эдим. Ҳатто Петрограддан: «Ўғлингиз Михаил Қишики саройни олишда пролетариат инқилобининг содиқ солдати каби ҳалок бўлди, таъзиямизни қабул қилинг», — деб телеграмма олганимда ҳам оёқ қоққаним йўқ. Бошимдан кепкамни олганим йўқ эди. Энди — кейин англадим. Билдим. Хаёлдан ҳақиқат яратётган бу борлиқ менга тушунтириди. Шундан кейин ўғлим Михаилнинг ўрнини босгани турдим. Танамда жоним бор, то сўнгги томчи қонимга-ча пролетариатнинг оддий бир солдати каби

Қолажакмиз!! Майли, майли, болам... Профессор ўзининг борлигини аямайди. Қелажак жамият мураббияларини ҳозирлаш унинг учун шараф. Да... Советлар Иттилоқининг мингдан бир профессори Семён Николаевич меҳнат қаҳрамони, бу мамлакат қаҳрамони, буни мамлакат билади. Семён Николаевич фан кишиси. Ягона социалистик мамлакатнинг граждани. Наҳот ундан душманлик изласалар?!

Қумри. Хафа бўлманг, Семён Николаевич!..

Профессор. Нега хафа бўлмай, қизим. Сира хафагарчилигим йўқ... Лекин, нима учун, нимага?

(Ўйланиб қолади.)

Қумри. Бадбахт!

Профессор. Енгил... Не хорошо... Да!  
(Чиқиб кетади.)

Қумри. Бирон бало бўлдими? Нима бўлди ўзи?

Атлас. Билмасам.

Қумри. Нега билмайсан? Бир сир бордир-да...

Атлас. Ким билади..., Итдан баттар кўнглим қолди...

Қумри. Бир балоси бордир-да, ким билсин. (Чиқади.)

Атлас анча жим қолади.

Атлас. Қандай савол бўлди? Нега кўнглим қолади? Нега? Мен уни севаман. Йўқ! Севар эдим, нега рашк қиласди? Бу ишларниңг нимаси муҳаббат? Билмайман. Севмай-

ман. Қайси бири муҳаббат? Қайси бири тоза?  
Қайсиси? Уми, ёки буниси? Билмадим. Ҳар-  
қалай бундан кўнглим баттар қолди. Ҳа қол-  
ди... Бечора Атлас!

## Парда

### ЕТТИНЧИ ВОҚЕА

Саҳна. Якка Орзуманд.

Кўнглимни хароб айлади кетди,  
Севганимнинг камоли шодлик бўлмади.  
Бир баҳор умрига тўйса капалак,  
Менинг қалбим сира унга тўймайди.

Қани у кунларки, ой кулар сузгин,  
Кутиб йўлларида термулгаң эдим?  
Қани у кунларки, бир кўриб тутқун,  
Ширин хаёлида кайф сурган эдим.

Эҳ... Қалбим, йиғлаган қонқора қақшаб,  
Эҳ, ширин дамингни азасин тутгин.  
Кўз ёшим айлансин юрак қонига,  
Эй, умр, қайғургил, лахта қон ютгин!  
Истадим у бўлсин юпанчим менинг,  
Аlam бўлди ошна, кулфат ҳамроҳим.  
Нафас ичдан келар, айланниб ўтга  
Осмонни ҳам тешар гўёки оҳим.

Уни дедим, куйдим, куйиб кул бўлдим,  
Уни дедим, ҳатто, ўзни унудим.

Ҳар нарсани кўрдим ўзимга душман.  
Ҳар нарсага ортиқ душманлик тутдим.  
Нега хафа қилдим профессорни?

Кечир, раҳбар, кечир, кечир, меҳрибон!  
Билмаганман сира, сезмаганман ҳеч,  
Бу ёнда экан ғалва, о, менда ҳижрон.  
Овунтиrolмайман кўнглимни бирпас  
Ой ўтди... кетди биракай нигор,  
Ўйламаган эдим Нозим шундай деб,  
У ўйлаган экан мундай кирдикор.  
Кайф сур!  
Сафо сур!  
Ишқ билан ўйна!  
Ўйна,  
Ўйнасанг бас,  
Мен хурсанд сендан.  
Ўйна,  
Кул,  
Кувон,  
Атлас оппоғим!  
Ўйна,  
Ўйна севгим,  
Билмайман,  
Кетди...  
Кетди йиғлатиб...  
Ойлар ўтди Нозим билан  
Ишқ ўйнайсан сен!  
Бирга, бир уйда  
Атлас!  
Ҳой, Атлас... Ҳа... Ҳа...  
Орзуманд, севгинг борми ҳали...  
Севгим ҳали яшар кўнглимда, ўлмас!  
Фақат, севгувчим йўқ, у кетди ташлаб,  
Севгим хароб энди... Мен бечора маст...  
Эй...

## САККИЗИНЧИ ВОҚЕА

Саҳна. Профессорнинг кабинети.

Профессор. Койима, ўғлим, койима! Ҳали сенинг бутун умринг, ёшлигинг олдда. Шунга ҳам шунчалик ўзни олдиришми? Муваффақиятсиз севган киши ўзини коммунизмда ҳам баҳтсиз ҳис этади. Лекин, Маркс шу муҳаббатни деб бутун яшашдан, ижоддаң возкечиш керак деган эмас! Одамзод тарихининг Данте, Бетховен каби кишилари ҳам муҳаббатдан муваффақиятсиз бўлганлар. Аммо уларнинг яратганлари... биласизми, Дантенинг шеърлари, Бетховеннинг музикасини минглаб, миллионлаб баҳтли муҳаббат кишилари ўқийдилар, тинглайдилар... Сенга ҳеч ким севма демайди. Марҳамат, сев! Лекин... Кураш кунларини эсласанг... Бир қоронги уй, ўрнидан тургани дармони етмаган бир кампир тир ўйинида изиллаб туриб, эмгаклаб, пайпаслаб аллакимни ахтаради. Топди. Ерга таяниб туриб, пешонасидан ўпди. Қуриб-қақшаб кетган кўр кўзларидан сўнгги томчи ёш тўқди. Энг охирги қариндоши, ҳаётининг устуни — яккаю якка ўғлини фронтга жўнатди. Дому дараксиз кетди. Кампир бечора ўғлиниг фироқида тамом бўлди. Эсласанг — оналар болаларини, болалар оналарини, эрлар хотинларини, хотинлар эрларини йўқотадилар. Бу ҳам севги. Аммо, севгиларнинг ҳижрони тун бўлмади. Ҳозир улардан сўрасанг, йиғламай-нетмай, сенга бутун тарихни айтиб берадилар. Чунки улар биладиларки, шу билан кенг, ялпи ижодий ҳаёт қуриш дарвозасини очдилар.

Урнидан туради. Орзуманднинг олдига келади.

Қизиқсан, ўғлим, бордию мен ҳам севилган бўлсам, нима қиласди? Рашк? Эскилар рашикнинг кучи зўр, дейдилар. Рашк қил, марҳамат. Аммо ҳаётингни ўлдирма. У керак. Хафа бўлма: у кетган бўлса, кетибди. Оғир, биламан, ўғлим, биламан. Аммо у сенинг бутун умрингни белгилай олмайди. Койима, тузукми, болам?

Орзуманд жим. Профессорга секин-секин қарайди ва яна бошини пастга солади. Атлас киради. Орзумандни кўриб қайтади.

Қумри. Атлас! (*Чопиб орқасидан чиқади.*)

Орзуманд. Мен чиқай, Семён Николаевич, мен чиқай... Билмадим... Иши бор шекили. Менинг олдимда киролмайди. Мен бор ердан қочади. (*Чиқади.*)

Бирпастдан сўнг саҳнага орқама-орқа Атлас, Қумрилар кирадилар.

Атлас. Мен сизни ўз опам деб биламан. Қумри опа.

Қумри. Нима бўлди?

Атлас. Бўлар иш бўлди. Ўзимга-ўзим қилдим. Гапирай дейману...

Қумри. Гапир, опаси!

Атлас. Мен бахтимдан нолимоқчи, ёундан гина қилмоқчи эмасман... Лекин...

Қумри. Ҳа?

Атлас. Гапирмоқчи ҳам эмас эдим...

Қумри. Гапир, опаси!

Атлас. Алдади.

Қумри. Ким?

Атлас. Шундай одам эканки, ҳеч мен

ўйлаганча эмас. Сиз деб юрган одам, энди сан, дейди. На ўқишда, на уйда ҳечам ёрдам бермайди. Уришади, сўкади, хўрлайди. Онаси бир нарса деса, ўшани қиласди. Ҳатто биласизми, бир куни бир балодан ҳам аччиқланган эдим, мен бир нарса десам, онаси: «Келин, оғзингизга қараб гапиринг, хотицнинг уруғи Ургутдан келгани йўқ, биз сизни орзу-ҳавас билан келин тўйи қилиб олиб келмаганмиз, ўз оёғингиз билан кириб келгансиз»,— деб таъна қиласди. Нима дейишими билмайман. У қуриб кетгур бўлса ҳеч нарса демайди. «Комсомол, комсомол дейсан, менинг хотиним бўлгандан кейин, мени тинглашга мажбурсан, ёки комсомолни де, ё эрни де»,— деди. Нима қилишимга ҳайронман, Қумри опа. Кетай десам кетолмайман. Мен сизга айтганим йўқ, болам бор... (*Йиглаб Қумрига ташланади.*)

Қумри. Вой шўринг қурсин...

Шу орада профессор киради ва бу ҳолатдан ажабланади.

Профессор. Ҳа, қизим?

Атлас индамайди, йиглайди. Профессор имо билан Қумридан нима бўлди, деб сўрайди.

Атлас. Семён Николаевич, мен энди ўқимайман.

Профессор. Нега, болам?

Атлас. Шундай... Семён Николаевич!

Профессор. Бекор айтибсан, қизим. Бекор айтибсан.

Атлас. Мумкин эмас, ахир, Семён Николаевич. Мажбурман.

Йиглайди, профессор бағрига босади,

Профессор. Нима бўлди, болам, нима бўлди?

Шу орада саҳнага Нозим киради. Тўхтаб қолади, Атласга қараб хўмраяди. Атлас профессорнинг қўлидан чиқиб, кўзларини артиб, чиқмоқчи бўлади. Қумри йўлини тўсади. Атлас бир ёндан ўтиб чиқиб кетади. Нозим Атласнинг ортидан, профессор, Қумри қараб қоладилар.

Нозим. Семён Николаевич, апрель ойи учун иш плани.

Профессорга қоғоз беради, профессор олади.

Профессор. Хорошо.

(*Қоғозни стол устига ташлайди ва Нозимга қараайди.*)

Ладно.

Қумри. Семён Николаевич...

Профессор. Да.

Қумри Нозимга қарайди. Нозим профессорга қарайди.  
Профессор индамайди. Нозим чиқади.

Қумри. Тушунолмай қолдим, Семён Николаевич.

Профессор. Нимага, қизим?

Қумри. Бирорларнинг шахсий ҳаётлари учун биз жавобгарми?

Профессор. Йўқ! Дўстларимизнинг ҳаётлари учун биз жавобгар. Бизнинг умримиз ва ўлимимиз эртанинг йўлида бўлади. Шунинг учун ҳам, биз дўстларимизнинг ҳаётлари учун жавобгар.

Чироқ секин-секин ўчади.

Парда

## ТҮҚҚИЗИНЧИ ВОҚЕА

Саҳна қоп-қоронғи. Бироннинг папирос чеккани кўрина  
ди ва бирсвнинг йиғлагани эшитилади. Папирос чек  
кан—Нозим, йиғлаган—Атлас.

Атлас. Йиллар ўтдилар, ёзги сувлар ка  
би сарғайиб фақат хаёлгина қолди. У ҳам  
энди ўз ширинлигини бой бериб, юрагингга  
игна ургандек саңчар бўлди. Йиҳтиёrsиз эслаб  
кетасан киши... Эслаб дард ортирасан...  
Бу юрак шундай бебаҳо нарса эканки, ҳам  
шодлигинг, ҳам қайфунгни сақлайди. Агар у  
ҳам сенга кўринадиган бўлганда, ўзлигини  
алдатар, ўғирлатар эди. Шундай эмасми? Мен  
шу кунлари ўша билан, юрагим билан гап  
лашаман, дардлашаман. Ўзимга-ўзим тасал  
ли бераман. У эслаб, орзу қиласди. Ростдан  
агар эсласам, ҳали кўз ўнгимда: соchlарим  
таралган, кўзларимда шўх ва ўйноқи кул  
ги, юзларимда нур каби қизиллик, юрак тў  
ла армон. Орзу-ҳавас... Эҳ... Мен айблими.  
Нима гуноҳ қилдим? Кўзларимда бирон айб  
нинг расми борми? Расм солғанми гуноҳ?  
Мен ўзим билмайман. Кўролмайман. Одам  
узундан-узоқ ерларга нигоҳ ташлайди, дунё  
дунё нарсаларни кўради-ю, нега ўз кўзларини  
ни ўзи кўра олмайди? Сен қара, сен кўр, кў  
зим оқида сарғайиш, қорачиғида эса толиши  
уйқусиз кечалар қорайтирган мижжа. Маъ  
юс, фақирона, кенг дашт қоронғилигига якка  
жинчироқ каби нурсиз нигоҳ, бошқа ҳеч нарса  
Ҳеч нарса, ҳаммасини сен хароб қилдинг!  
Ҳаммасини сен алдадинг! Ширин сўзларига  
учибман. Ёлворганларига инонибман, алда  
нибман. Қизлигига ёқсан Атлас, она бўлгач  
ёқмай қолдими, бечора гул хазон бўлди. Бе-

чора булбул лол бўлдими, лаззат тополмадингми энди, а? (Пауза.) Мумкин бўлса, болангни қайтариб берар эдим. (Ўйланиб қолади.) Сенгами? Йўқ? Бу меники. Хайр. Атлас йўқ, сенинг Атласинг йўқ! Хайр, бир умрли хайр!

Тарақ этиб эшик беркилгани билинади. Саҳна айланади — ёрдамчи воқеа. Қеча. Шамол, бўрон. Қучли ёмғир. Чақмоқ. Прожектор ўйнайди. Атлас ўтиб кетади. Саҳнага Нозим киради. Анча вақт сўзсиз қолади.

Нозим. Сен, мен кўрганларнинг биридек келдинг, кетдинг... Сайёҳда макр бўлмаса, домига ов илинармиди? Сен, фақат ва фақат нафснинг моли эдинг. Мен сендан бошқа нарса изламадим. Нозимга ўз вақтида бўлак нарса даркор эмас! У яшагани, роҳат, лаззат кўргани келган ва ўз баҳтини излайди, ўз нафсини кўзлайди. (Пауза.) А? Нима? Нима деб ғувиллайсан, эй, тилсиз бўрон? Ўлим? Кимга? Менгами? Ҳа-ҳа-ҳа, кўрмайсанми сендан улуғроқ, сендан кўра баҳодирроқ кучларни ҳам писанд қилмайман! Ҳа-ҳа-ҳа... (Атлас кетган томонга қараб.) Ўз баҳорини йўқотган, бечора капалак! Бор! Бориб кўр! Бари бир сенга баҳор қаёқда? Баҳтининг, умрининг ҳокими бўлган нафс эгаси сенга кулиб боқармиди? Бор, бориб кўр! Ҳа-ҳа-ҳа... (Пауза.) Нима? Нима дейсан? Табиатнинг жинни боласи — дарбадар бўрон, нима дейсан? Ўлим? Ўлим? Менга, ўлим? Ўлим! Ҳа-ҳа-ҳа...

Шу кеча Нозимни томошабинга ўз фалсафаси билан энди ўлди деган қилиб кўрсатиш учун уни бўрон, чақмоқ аралаш ёмғир тамом қилиши керак.

*Пауза*

## ЎНИНЧИ ВОҚЕА

Саҳна. Орзуманднинг уйи. Бутилкалар юмалаган, карталар сочилган, ифлос. Маълумки бу ерда ичкилик бўлган.

Орзуманд. Кетди. Тамом кетди. Қайғурма, койима, койима! Йўқ! Унута олмайман! Ўйлаб кўринг! Учганда ўйинчи, суқлақадиган, бўйинлари ола капитаринг бўлса... Сен унга меҳр қўйсанг... Ишқ боғласанг... Арзанда қилсанг... Уни деб неча балоларга гирифтор бўлсангу... (*Пауза.*)

Эй... Юлдузларга учаман. Сомон йўлларга етмай мушак ёрилади. Бутун фазони ёнгин олади. Орзуманд кул бўлиб, тўзиб ерга тушади. Раҳми келса, у шунча вақтли дўстлик ҳурмати учун бир дона кул гардини олиб, оппоқ рўмолчасига ўраб олиб қўяди. Ҳар кўрганда бир эслайди. Ҳар эслаганда, бир йиглайди. Ҳа... мен уни ўзим деб билардим. Мен унда ўзимнинг расмимни кўрган эдим... Ҳа... койима муҳаббат... бу дард узоқ сафарга чиққан карвон каби аллақаёқларда из қолдирди... Севгим хароб... Ҳей-й...

Жим қолади. Шу фурсат, кутилмаганда Атлас киради ва бош эгиб қолади.

О, ўртоқ Раҳимова, марҳамат, марҳамат... Мендан сизга тағин нима керак?

Атлас. Отимни унудингизми, Орзу ака? Орзуманд. Ҳа? Унудингизми? Йўқ! Бошқалар унуган. Бошқалар унуган.

Атлас йиғлаб ташланади.

Кетганда тоза кетдинг. Энди бу ифлос билан қайтдингизми? Ҳа!

Атлас қаттиқ йиғлайди ва дод деб эшикка ташланади, чиқади. Орзуманд соchlарини юлиб қолади, анчадан сўнг қалтираб гапиради.

Ниҳоят муҳаббатим ўлди?! Шунча азоб, шунча уқубат чекиб, энди... энди ўлимми? Йўқ! Йўқ! Атлас... Атласим! (Эшикка ташланади.)

### Парда

#### УН БИРИНЧИ ВОҚЕА

Саҳна. Биринчи кўринишдаги жой. Профессор ишлаб ўтиради. Ярим кеча. Эшик бирдан тақиллади. Профессор очади. Орзуманд киради.

Орзуманд. Қелмадими?  
Профессор. Қим, болам?  
Орзуманд. Атлас.  
Профессор. Йўқ, нима қилди?

Профессор гапириб бўлмай, Орзуманд орқасига қайтиб кетади.

Ая-я-я-яй...

Профессор ўйланиб келиб, яна ўтириб ишлайди. Анчадан кейин Атлас секин киради. Профессор сезмайди. Атлас ҳолсиз йиғлайди. Профессор югуриб боради.

Нима бўлди, болам? Атлас, Атлас, қизим!

Атласни кўтаради, суюйди. Атлас секин бошини профессора кўтариб, оғир бир вазиятда сўзлади.

**Атлас.** Билмаганман, сезмаганман, ғам ели сочимни ёзди. У оқ тарайман деб тўздириди. Қечиринг, мен билмадим. Дунё тўла ҳасрат деса, инонибман. Эркам, қўзичноғим деса, алданибман. Мен ундан тоза муҳаббат қидирибман. Айта берсам, юрагимда дардим, тилимда нолам кўп. Билмасдан босдим у тиканни. Бир кун... бир кун қўймади, уйига олиб борди. Ундан кейин... (*Йиглаб.*) мажбур бўлдим. Кетдим, Семён Николаевич...

Орзуманд киради.

**Орзуманд.** Атлас! (*Чопиб келиб Атласга ташланмоқчи бўлади.*)

Атлас профессорга ташланади.

**Атлас.** Отамсиз, дадамсиз, Семён Николаевич!

**Профессор.** Қайғурма, қизим! Севгиларнинг чуқур бир муаммоси бор! У меҳнат билақ ечилади! Гоҳилар қуруққина «яшайман, севаман, азоб чекаман», деб ўзларича фараз қиладилар. Лекин унинг фаҳмини билмайдилар! Муҳаббат ҳаёт борлиги учун борва кераклиги учун керак! У ўйинчоқ эмас! У билан ўйнамайдилар, ростми? Ўзингга олма, қизим! (*Атласнинг соchlарини силайди.*)

**Орзуманд.** Ана келадилар! Келадилар! (*Пауза.*) Ичимдан келадилар! Янги туйфу, янги ҳис оқини ичимдан келади! Семён Николаевич! Мен ота бўламан! Атлас, оппоғим, унут ҳаммасини, унут! Ой каби ёшлик олdda, булбул каби бийрон, у ҳали ҳам ғам ели сочингни тўздиримаган. Мен уни ишқим билан оппоқ қилиб тарайман. Севаман, севаман.

*Атлас! Атласим... (Атласга ташланади. Ачоқлашади.)*

Профессор. Боражак жамиятимиз одамнинг бутун ҳислари ва хусусиятларининг гуллаш давридир. Орзуманд, ичингда янги ҳислар оқини қўзғалган бўлса, умрингни энди бошлабсан. Атлас, қизим, ҳали достонинг тамом бўлгани йўқ. У олдинда. Олдинга чаман боғлар, боқсанг... (*Томошибинни кўрсатиб.*) Замондошларингга ваъда бер, булар билан ошна бўл! Ваъда берки, она бўласан, она! Қелажак умринг достони энди битилади. Орзуманд, сен ҳам буларни ишонтири', ота бўласан, ота!

Орзуманд. Туғилсин, қўзларим кўрсин. Ҳавасларим ушалсин. Бегона эмас. Ўғил бўлса Рева, қиз бўлса Люция қўямиз отини. Ҳа, замондошлар! Ота бўламан! (*Атласни ачоқлаиди.*)

Профессор. Бу эртак эмас, ҳаёт, болаларим!

*Тамом*

## БАДИЙ ИЖОД ХАЗИНАСИ

Мен улуғ рус шоири А. С. Пушкин ижоди билан бевосита унинг «Боғчасарой фонтани» поэмасининг таржимаси устида ишлашимдан анча илгари таниш эдим ва шоир шеърияти руҳини озми-кўпми тасаввур этар эдим.

Таржимани бошлашдан аввал «Боғчасарой фонтани» поэмасининг яратилиши тарихини ва унинг бадий-шаклий хусусиятларини чуқур ўрганишга тўғри келди. Мен шоир ижодий фантазиясининг ёрқин парвозидан, бўёқлар гаммасининг ранг-баранглигидан ҳайратга тушдим ва лол қолдим.

Поэмани ўзбек тилига ўгириш жараёнида мен шоир сифатида нималарни ўргандим ва ижодим нималар билан бойиди?

Ўз қаршимда шеърий маданиятимни юксакка кўтаргувчи, бадий маҳоратни эгаллашимга ёрдам бергувчи, улкан бадий ижод хазинаси турганлигини чуқур ҳис этдим. Энг аввало, муҳим бир мавзууни бунчалик кенг ёритиб бериш учун, бадий тасвири воситалари зиммасига чуқур маъноларни юклаш маҳоратидан қойил қолдим.

Пушкин мазкур поэмада қаҳрамонлар турмуш шароитини типик деталлар орқали ёрқин акс эттиради. Нозик штрихлар билан мукаммал образлар галерясини яратади.

Бутун совет ёзувчилари ва шоирлари сингари мен учун ҳам Пушкин бадий ижоднинг шундай юксак баркамол чўққисики, унга нисбатан ўз ижод йўлингнинг ҳаққонийлигини аниқлаш мумкин.

УСМОН НОСИР  
«Правда Востока», 1937 йил, 33-сон.

## ТАРЖИМАЛАР



### IV

*...Гўзал Кавказ осмони — шиша,  
Қанот қоқар жаннат матруди.  
Пастда Казбек. Үнда ҳамиша  
Қор ярқирар — олмос ҳудуди.*

*A. С. Пушкин*

### БОҚЧАСАРОЙ ФОНТАНИ

Қовоқ солиб ўтирап Гарой,  
Лабларида каҳрабо чилим.  
Даҳшатли хон атрофида жим  
Бош эгиб тек туරарди сарой.  
Жимжит эди бутуң кошона:  
Ҳамма хоннинг хафа юзидан  
Ғам ва ўтли ғазаб изидан  
Пайқар эди мубҳам нишона.  
Аммо, мағрур соҳиби фармон.  
Қўлларини бир силтаб солди:  
Барча секин тарқалди ҳар ён.  
Кўшклар аро бир ўзи қолди,  
Эркин нафас олди сийнаси.  
Тўлқинланиб билмай сукутни  
Ўйнаб турган кўрфаз ойнаси  
Акс этгандай қора булатни  
Унинг жиддий манглайи аён  
Дил тўлқинин айларди баён.  
Мағрур дил не ғам-ла тўлмиш.  
Қандай фикр' билан банд бўлмиш,  
Яна Рус-ла жанг қилмоқчими,  
Ё Польшани танг қилмоқчими?  
Нега хафа, не у сантирап,  
Ва ё қонли ўчми ёндирап?  
Ёки қўшин айламуш исён,  
Ёки тоғли халқ жангларидан,  
Гиноянинг найрангларидан  
Ташвиш тортиб ўйланарми хон?

Йўқ, энди у чарчаб қолмишdir,  
Зерикмишdir шуҳрат, зафардан.  
Бераҳм қўл ортиқ толмишdir.  
Хаёл узоқ қонли сафардан.  
Наҳот, ҳар'ам ичра хиёнат,  
Наҳот, елга учib диёнат  
Асира қиз жиноят қилмиш,  
Кофирга дил иноят қилмиш.  
Йўқ, Гаройцинг хотинлари ҳеч  
Бундай ишга журъат қилмаслар,  
Мунгли нола чекиб эрта-кеч,  
Ёмонликни асло билмаслар.  
Ойна уйда ўсар гул каби  
Ой юзлари зиндон ичра берк,  
Зулм остида, гўё қил каби  
Уларда ҳад йўқdir, йўқdir эрк,  
Ою, йиллар навбатма-навбат  
Фамгин оқин билан ўталар,  
Билдирмасдан ёшлиқ, муҳаббат  
Барчасини олиб кеталар.  
Кунлар бирдай, кечадир ғамда,  
Битта-битта имиллар соат,  
Ялқовлик амр этар ҳарамда,  
Қам кўринар сафо-фарофат.  
Ёш жувонлар қайғуга тўлиб,  
Бир иш қилиб овумоқ бўлиб,  
Зеб беришиб кийим кийишар,  
Гаплашишар, ўйнаб ейишар.  
Ёки ўйноқ сувлар сасида,  
Тоза шаффоф замзамасида  
Тўп-тўп бўлиб сайр этишадир  
Ўрангининг зич соясида.  
Ортларида уларни пойлаб,  
Ёвуз оға юрар ҳайҳайлаб,  
Ундан қочиши, беркиниш бекор:  
Ҳасадли кўз, динг қулоги бор,

У ҳийлакор, у лаганбардор,  
Ҳар бир ишдан воқиф — хабардор.  
Унга ўла ўрнашмиш мангү  
Абадий бир тартиб саройда.  
Унга хоннинг эрки ҳар жойда  
Ягона бир қонундирки, у  
Уни қуръон фарзидек билар;  
Дилда сақлар ва бажо қилар.  
Унинг кўнгли севги истамас,  
У бут каби сезгидан маҳрум,  
У ҳиссизлик дамида маҳкум:  
На кўз ёши, на юмшоқ қафас,  
На таънага бермас эътибор.  
Асиrlар чеккан оҳу-зор  
Унга асти қилмайди таъсир.  
Пинагини бузмайди тақир,  
Ёлборишга қулоқ солмайди;  
Ҳароратни қилмайди писанд;  
Ҳеч на уни юмшатолмайди,  
Тош қалби-ла мағрур ва хурсанд.  
Унга хотин одати маълум,  
У кўп кўрмиш, ҳар ерда ҳар зум  
Хурликда ҳам, эрксизликда ҳам  
Юмшоқ нигоҳ, кўзлардаги нам  
Кўнглига ҳеч ҳоким бўлолмас.  
У уларга ортиқ ишонмас.  
Соч ёзишиб ҳарам қизлари  
Асиralар чўмилар экан,  
Сеҳр сочган гўзал юzlари  
Чашмаларда кўмилар экан,  
Қип-яланғоч қизларга беқайд,  
Беэътибор телмуриб, шу пайт  
У пойлоқчи ҳозирдир яна,  
Тутқунларга нозирдир яна.  
Кечалари барг ҳам мизгиру,  
У ухламас, оҳиста босиб,

Ҳар эшикка бир қулоқ осиб,  
Ҳарам ичра танҳо изғир у:  
Ким дам олар, ким тушда инграр  
Ким оҳ тортар,— ҳаммасин тинглар.  
Уйдан-уйга билдиримай кўчиб  
Кенг ташлайди у маккор домни:  
Биронтаси сандирашиб, чўчиб  
Тилга олса бегона номни,  
Ё мабодо дўстига бир оз —  
Тақдиридан койиб, қилиб роз —  
Дилдагини айласа изҳор,  
Балоларга бўлар гирифтор!  
Гарой нега тинмай чекар ғам?  
Чилим ўчиб қолмиш қўлида.  
Ботинолмай дам олгани ҳам  
Остонада, хоннинг йўлинда  
Имо кутиб турадир оға,  
Ибо тутиб турадир оға,  
Ўйга ботган ҳукмдор турар,  
Олдидағи дарча очиқ, у —  
Қўнгли чексиз қайғуга тўлган.  
Индамасдан оҳиста юрар  
Кечагина севимли бўлган  
Хотинларин қабрига тўғри.  
Хонни кутиб, кўриш кўйида,  
Ўйнаб турган фонтан бўйида  
Ипак гилам узра ўйнашиб,  
Бир тўда шўх қизлар осуда,  
Ултуришар эди яйрашиб  
Болалардай шодланиб, сувда  
Мармар тубда кўринган лаққа  
Гир-гир юзиб юрган балиққа  
Термулишар эди яйрашиб.  
Гоҳилари унга атайлаб  
Олтин сирға ташларди бойлаб  
Жориялар атрофда хушбўй

Шарбат ташлаб юрарди. Ногоҳ,  
Шириң қўшиқ жаранглаган күй  
Бор ҳарамни айлади огоҳ:

### ТАТАР ҚУШИҒИ

#### I

Йифи жафоларни бошдан кўтариб  
Тангри ўзи берар охирда эҳсон:  
Бахтиёрдир, йиллар сўнггида қараб  
Макка бориб зиёрат қилган инсон.

#### II

Бахтиёрдир, Дунай соҳилларини  
Қони билан тақдис этган баҳодир:  
Жаннат қизи ёзиб кокилларини  
Унга шириң кулги билан боқадир.

#### III

Аммо, Зарема, эшиткил тагинда,  
Дунё ва роҳатга бермай эътибор,  
Худди гулдай сени ўз қучогинда  
Эркалатган ҳаммасидан бахтиёр.  
Улар куйлар. Аммо қани у,  
Мұхаббатнинг юлдузи қани,  
Ҳарам кўрки — кундузи қани,  
Қайда қолди Заремабону?  
Ҳайҳот, унинг гул ранги сўлмиш,  
Ҳайҳот, дили қайғуга тўлмиш.  
Мақтовларга солмайди қулоқ,  
Кўзларида ёш булоқ-булоқ,  
Яшин урган хурмодек қадди  
Букулмишдир, йўқ энди ҳадди

Хеч на унга ёқмасдан қолди,  
Чунки, Гарой боқмасдан қолди.  
Вафосизлик қилди хон... Аммо,  
Эй гуржи қиз, сен-ла чиройда  
Ким тенглашар! Ҳаттоки ойда  
Ваъда қилса, бўлур муаммо.  
Чамбар қилган сочинг, эй пари,  
Илон каби юрак ёрадир,  
Ярқираган кўзинг жавҳари  
Кундан ёруғ, тундан қорадир.  
Дил дардини кимларнинг саси  
Сендан кучли баёнлай билар?  
Кимнинг ширин-шакар бўсаси  
Сеникидан жонлилик қиласар?  
Сенга бир йўл кўнгли тушган эр  
Қандай қилиб бошқа кўркни дер?  
Лекин, лоқайд, золим Гаройхон  
Ҳарамига Польша қизини  
Асир қилиб олгандан буён,  
Сендан нари тутиб ўзини  
Хўрлаб сени ташлаб қўйди-ю,  
Ўзи ғамгин, тунлар беуйқу  
Танҳоликни айлади одат.  
Қўлларингдан кетди саодат!..  
Ёш Мария яқиндагина  
Ўзга диёр кўкини кўрди:  
Гулдай кўрки билан қизгина  
Ўз юртида гуллаб югурди.  
Фахрланар эди у билан  
Қариб қолган отаси ҳар он:—  
Лобарим,— деб мақтанув билан  
Эркалатар эди беармон.  
Унинг бола эрки чол учун  
Қонун эди, тингларди бутун,  
Чолни қийнар эди бир тилак:  
Истардики баҳор кунидак

Очиқ бўлсин қизининг баҳти,  
Хушнуд кетсин умрбод вақти.  
Заррагина қайғу ҳам уни  
Ранжитмасин,— дер эди у чол,  
Ҳеч бир нарса бирон дам уни  
Ланж этмасин,— дер эди у чол.  
Ҳатто эрга чиққанида ҳам  
Хотирласин,— дерди — туш каби  
Утиб кетган, фунчадай сабий  
Беташвишу беозор, бегам  
Яшнаб юрган қизлик чоғини,  
Осмондай кенг эрк қучоғини.  
Унинг юмшоқ севимли нози,  
Табиати, лазиз овози,  
Ёниб турган мовий кўзлари,  
Доно-доно ширин сўзлари  
Бир-биридан жозибадорди,  
**Ҳаммасида ажиб куч борди.**  
Очиқ қўлли, сахий табиат  
Аямаган эди боринци,  
Санъат билан у нажиб хилқат  
Безар эди гул дийдорини.  
Сеҳр тўла арфа билан қиз  
Үй базмини жонлантиради.  
Амалдорлар, бойлар изма-из  
Орқасидан излаб юрарди.  
**Иигит яланг «Оҳ...» деб ўйида,**  
Азоб чекар эди кўйида.  
Лекин, гўдак бола эди у  
Кўнгли ишқни билмасди асло,  
На ками-кўст, на ғам, на қайғу,  
Юрагини тилмасди асло.  
Отасининг қасрида озод  
Ўртоқлари билан ўйнаб шод.  
Учар қушдай ҳур ва хурсандди.  
У кўпданми бу ерда банди?

Бир вақт татар тўплари маҳкам  
Дарё каби Польшани босди.  
Хирмонларга тушган ёнғин ҳам  
Бу қадар тез ёйилолмасди.  
Кунпаякун бўлиб урушда  
Етим қолди гуллаб ётган юрт,  
Бу бераҳм ёвуз юришда  
Фарёд солди қонга ботған юрт.  
Бутун атроф қайғуга толди:  
У кулгилар, ўйинлар битиб,  
Эркалатган қуюнлар битиб,  
Ҳашаматли сарой бўш қолди.  
Мариянинг уйи жимжит, бўш...  
Уй маъбади ичра бир тўда  
Мумёланган ўликлар хомуш  
Роҳат қилиб, совуқ уйқуда  
Князлика махсус нишон-ла,  
Олтии тож-ла, ҳайбатли шон-ла.  
Ётар экан, у ерда яна  
Пайдо бўлмиш янги сағана...  
Ота гўрда, асоратда қиз...  
Кошонада баҳил бир ворис  
Амри фармон бериб юрадир,  
Тавқи лаънат остида, беор  
Хароб бўлган юртни айлаб хор  
Бадном этиб, ерга урадир.  
Ҳайҳот! Сақлар қўйнида қулдак  
Боғчасарой ёш князъ қизин,  
Эрксизликда ёш тўкар гулдак  
Сарғайтириб Мария юзин.  
Аяиди у баҳтсизни хон  
Унинг мунги, у чеккан фифон  
Уйқусини безовта қилиб,  
Гаройга ҳеч бермайди омон.  
Бечорага хон раҳми келиб  
Қатъий ҳарам қонунларини

Юмшоқ тутар унга атайлаб.  
Тунд пойлоқчи на кун, на туни  
Қиз олдига кирмайди пойлаб,  
Ётар пайтда жойига уни  
Унинг ғамхўр, парволи дasti  
Олиб чиқиб ётқизмас асти;  
Марияга нигоҳ тикмакка  
Ботинолмас унинг кир' кўзи;  
Жорияси билан қиз якка  
Хилват уйда чўмилар ўзи,  
Асиранинг ғамгин оромин  
Бузиб қўймай, бўлмай — деб зомни  
Хон ўзи ҳам қўрқар ичидা;  
Ҳарамнинг бир йироқ бурчида  
Унга яшаш ижозат эткан.  
Гёё, унда самовий бир жон  
Яширинган, узлатга кетган.  
У ерда ҳеч тинмасдаң ҳамон  
Азиз қизнинг олдида бутун  
Чироқ ёниб турар куни-тун.  
У ерда қиз кўнглин юпатиб  
Масъуд кечган ўтган замон-ла  
Ўз юртини дилга эслатиб,  
Умид яшар ювош имон-ла.  
У ерда ёш тўкар тинмай қиз  
Кундошлардан нарида, ёлғиз:  
Лекин атроф ғарқ бўлмиш яксар  
Тентакларча бир ишрат ичра,  
Мўъжиза-ла ажралган ҳужра  
Ёш санамни беркитиб асрап.  
Оғзин ўйлар қурбони у дил,  
Бузуқ қайфлар орасида ҳам,  
Бир' гаровни сақлайди ҳар дам,  
Бир илоҳий ҳисни муттасил...  
Тун қорайди; босди қоронғу  
Тавриданинг гул боғларини;

Бор оламни маст қилди уйқу,  
Гуллар эгди япроқларици,  
Узоклардан булбул зорини  
Эшитаман; ой дийдорини —  
Кўрсатадир юлдуз кетидан;  
Кўм-кўк, тоза осмон бетидан  
Нур тўқадир гулзор боғларга,  
Водийларга, ўрмон, тоғларга.  
Боқчасарой кўчаларида  
Кечки пайтлар, оқ рўмол ўраб,  
Оппоқ ойдин кечаларида  
Бир-биридан ҳол-аҳвол сўраб,  
Гаплашишиб ўтириш учун  
Оддий татар хотинлари тек  
Липиллашиб енгил соядек  
Уйдан-уйга кезишар бутун.  
Сарой тинчган, ухлаган ҳарам  
Тинчроҳатга чўмир парвосиз;  
Тун тинчлигин бирон нарса ҳам  
Бузолмайди, содиқ муҳофиз  
Ўзи кезиб чиқиб бор-йўқни,  
Ётмиш, аммо тинч қўймас ташвиш  
Ҳатто унда ухлаган рухни,  
Хиёнатни кутиб хавфланиш  
Ором бермас асти ҳам бунга:  
Гоҳ кимнингдир шитирлагани,  
Гоҳ бироннинг пиҷирлагани,  
Гоҳ қичқириқ эшитилар унга.  
Бекорларга алданиб, бирдан  
Сапчиб турап, қалтироқ босар;  
Атрофига тинч қулоқ осар...  
Ҳамма сокин, сас йўқ бир' ердан;  
Фақат ширин куй фавворалар  
Мармар ҳовуз ичра ўйнашар,  
Фақат булбул дили поралар  
Севимли гул узра куйлашар...

Булар уни узоқ банд этар,  
Яна такрор уйқуга кетар.  
Қандай хушдир билгучиларга  
Шарқ кечасин қора чиройи!  
Пайғамбарди севгучиларга  
Қандай ширин боқадир ойи!  
Уларнинг уй — ўчоғларида,  
Мафтун этар гул боғларида,  
Ой остида сирларга тўлган,  
Тинчлик билан ҳам суҳбат бўлган,  
Шаҳват билан дарду фароғат  
Тошиб ётган ҳарамларида,  
Кечаларнинг тинч дамларида  
Қандай кўрк бор, қандайин роҳат!  
Хоннинг ҳамма хотинлари тинч  
Ухлар эди, биттаси нотинч  
Ухлай олмай, ўрнидан туриб,  
Эшигини очди-ю, аста,  
Битта-битта оҳиста юриб,  
Ташқарига чиқди бир пастда...  
Қушдай мудраб, кўзи илиниб  
Қари оға олдида ётар.  
Агар бу иш унга билиниб  
Қолса, умри қайғуга ботар...  
Оҳ, у чолнинг қаттиқдир қалби,  
Ялинганга бермас эътибор:  
Уйқуси ҳам алдамчи, айёр!  
Ёнбошидан секин, руҳ каби,  
Сездирмасдан ўтиб кетди у.  
Бир' эшикка бориб етди-ю,  
Титраб секин очди қулфини...  
Ичкарига кирди; ҳам уни  
Сирли ваҳим босди шу замон.  
Ажабланиб боқди тўрт томон:  
Шамдон ёнар, тўкар сўник нур,  
Ялтирайди бурчакда бир бут,

Қиз ётадир, юзида сукут,  
Кўксида хож порлаб кўринур.  
Эй гуржи қиз, булар ҳаммаси  
Эслатадур сенга мозини.  
Гўё ўтган кунларнинг саси  
Айтган каби бўлди розини.  
Кўз ўнгига тинчроҳат билан  
Ухлаб ётар у князъ қизи  
Қизликка хос ҳарорат билан  
Анор каби қизариб юзи.  
Ошкор экан сарин ёш изи,  
Заиф кулги остида ёнар:  
Ёмғир ювиб, ўчиб кетган ранг  
Ойнинг хира нурида аранг  
Худди шунга ўхшаб товланар,  
Гўё, жаннат ўғли осмондан  
Учиб тушиб, ухлаб ётгандай,  
Асирага ачиниб жондан.  
Уйқусида йиғлаб ётгаңдай...  
А, Зарема, не бўлди сенга!  
Чидолмади, қалби сиқилди,  
Беихтиёр ерга йиқилди,  
Ва ялиниб: «Ачингил менга,  
Рад этмагин арзимни!»— деди.  
Унинг сўзи, у чеккан фифон  
Ухлоқ қизни чўчитиб, шу он  
Тинч уйқудан уйғотган эди.  
Князъ қизи туриб, олдида  
Бегона бир хотинни кўрди;  
Кўрқиб, унга қараб олди-да,  
Ҳаяжон-ла қалтираб сўрди:  
«Қимсан? Тунда, танҳо нечун сен  
Бу ердасен?»—«Сенга келдим мен:  
Мени сақла; тақдирим учун  
Менга фақат қолди бир чора...  
Раҳм айласанг, йўқолса зора

Умрим уфқин қоплаган тутун.  
Бахт қўйнида кўп ҳузур қилдим,  
На қайғуни, на ғамни билдим...  
Ўтди ором берган у соя,  
Тингла, ҳалок бўлмайин зое.  
Мен бу ерда туғилганим йўқ,  
Менинг юртим йироқдир, йироқ...  
Ўтган кунлар, у дардли фироқ  
Ёдимдадир ҳали ҳам тўлиқ.  
Ёдимдадир гуллаган боғлар,  
Осмон билан ўпишган тоғлар,  
Тоғдан оқсан ирмоқлар, сойлар,  
Ўтиб бўлмас ўрмон-тўқайлар;  
Ёдимдадир кечган саодат  
Ўзга қонун, ўзга бир одат.  
Аммо, қандай тақдир-ла, нечун  
Ўз юртимдан айрилганимни,  
Бу ёқларга қайрилганимни  
Билмайман мен; фақат, қора тун,  
Елкан узра турган одаму  
Ҳамда денгиз эсимда холос...  
Шу чоққача қўрқинч ва қайғу,  
Аlamлардан мен эдим ҳалос.  
Ғовғадан чет, тинчликда хандон  
Ҳарам ичра гуллаб юрардим,  
Итоатли кўнгил-ла ҳар он  
Ишқ дарсини кутиб турардим;  
Бу яширин орзуларим тез  
Ушалдилар. Қонли урушдан  
Чарчаб даҳшат сочган юришдан  
Қайтиб келди ҳарамга хунрез.  
Таъзим қилиб хоннинг олдига  
Биз ҳаммамиз чиқдик. У менга  
Диққат билан индамай, сўзсиз  
Очиқ, нурли назарин солди,  
Сўнгра, мени чақириб олди...

Шундан берли биз ками-кўстсиз  
Тиним билмай, роҳатда масрур  
Нафас олдик баҳт билан ҳардам;  
Бирон йўл ҳам на фитна, на ғам,  
На азобли рашкнинг ситами,  
На азооли рашкнинг ситами,  
На хафалик ва ҳа алами  
Бизга ташвиш сололмаганди,  
Вақтимизни ололмаганди.  
Мария, сен дуч келдинг унга,  
Бир кўришда хуш келдинг унга...  
Шундан берли кўнгли торайди,  
Жиноятли ўй-ла қарайди!  
Хиёнат-ла етказиб озор  
Эшитмайди ҳеч итобимни;  
Сўрамайди асти тобимни,  
У, қоладан, фифондан безор;  
У, эскидай менга топинмас,  
Менда энди эскидай нафис  
На ширин сўз унга, ва на ҳис  
Гўё битган, гўё топилмас.  
Шикоятга бедахлсан, сен  
Мен биламан, айб сенда эмас...  
Тингла мени: чиройлиман мен,  
Менга ҳеч ким тенғлашай демас.  
Бир сенгина ҳарамда бутун  
Рақиб бўла олардинг менга;  
Аммо, айтиб қўйяй мен сенга  
Туғилганман эҳтирос учун,  
Сен мен каби сева олмайсан;  
Совуқ кўркинг билан сен нечун  
У бир ожиз дилни қийнайсан?  
На ҳаққинг бор, на ҳаддинг сенинг,  
Қўй Гаройни мёнга; у менинг.  
Бўсалари ёнар бетимда,  
Иссифи бор ҳали этимда,

Менга қатъий қасамёд этган.  
Борлигим-ла кўпдан армонин,  
Ўй ва хоҳиш, бутун фармонин  
Бирга қўшган, иттиҳод этган;  
Хиёнати мени ўлдирап,  
Хазон этар, гулдай сўлдирап,,  
Мен йиғлайман, кўргин, тизимни  
Букдим, энди қаршингда мана.  
Сарғайтирма менинг юзимни,  
Ялинаман, қайтариб яна  
Севинчимни, оромимни бер,  
Ул бурунги Гаройимни бер...  
Менга зарра этма эътиroz;  
У меники; сенга асиридир,  
Йўлларингда кўзи басиридан.  
Хоҳ таҳқирла, хоҳи қилиб ғоз,  
Не истасанг, айлагил шуни,  
Аммо, бездир ўзингдан уни.  
Онт ич... (гарчи мен қуръонни деб,  
Муҳаббатни ҳамда хонни деб  
Ўз динимни сотган бўлсам ҳам,  
Аммо, менинг онамнинг дини  
Сенинг дининг эди) кел, мени  
Халос айла, ёд этки қасам,  
Ўша дил-ла онт ич Гаройни  
Заремага қайтармоқ учун...  
Аммо тингла: эсла худойни,  
Гар, йўқ десанг, ханжарнинг кучин  
Кўрсатмакка қодирман оз-моз,  
Зеро, менинг ватаним Қавказ».  
Шу сўзларни айтди-да, бирдан  
Ғойиб бўлди дарров у ердан,  
Таъқиб этмоқ учун изма-из  
Ботинолмай, дов қилмай дили  
Орқасидан чиқолмади қиз,  
У азобли эҳтирос тили

Беайб қизга асти маълуммас:  
Аммо унинг овози у сас  
Сал аниғу ажойиб эди,  
Қўрқинч эди, ғаройиб эди.  
Қандай ёшлар, қандайин фарёд  
Бу хўрликдан айлайди озод?  
Не кутадир уни? Наҳот, у  
Қолган аччиқ ёш кунларин, бу —  
Асоратда ўтқазадир хор?  
Эй худойим, эй парвардигор!  
Агар Гарой бахтсизни мангу  
У маҳбусда унутса эди,  
Ё, ғамлардан халос айлаб, у  
Тез ўлимга юз тутса эди,  
Қандай шодлик билан ғам тўлган  
Бу жаҳонни отар эди қиз!  
Кўпдан ўтган ҳаётнинг лазиз  
Лаҳзалари, кўпдан йўқ бўлган!  
Не бор энди унга дунёда!  
Вақти етди, куталар уни:  
Қатта очиб тинчлик қўйинини  
Чақираплар уни самода.  
Кунлар ўтди, кетди Мария,  
Тарки умр этди Мария.  
Кўпдан орзу этган оламни  
Янги малак каби ёритди.  
Аммо уни, гўзал санамни  
Нелар сиқди? Нелар ҳоритди?  
Нечун, нечун даф этди тобут?  
Нелар уни айлади нобуд?  
Асоратми, ҳасратми, ғамми  
Эрксизликда тортган ситамми,  
Касалликми ё бошқа бир жар  
Ким билади? Ўлмиш бехабар...  
Латофатли Мария ўлмиш...  
У ёш ғунча очилмай сўлмиш!..

Бўшаб қолмиш тумтайган сарой:  
Уни яна қолдирмиш Гарой;  
Яна ўзга қирғоқлар томон,  
Ёвуз юриш бошламиш ёмон;  
Тағин тўфон, бўронлар аро  
Ғамгин учар қон қусиб хунрез:  
Аммо, унинг юраги қора,  
Оловланар унда бошқа ҳис,  
У кўп чоқлар тўқинишларда  
Қиличини тикка ушлар-да,  
Яна бирдан қотиб қоларди,  
Жинниларча назар соларди  
Атрофига бўзариб, гўё  
Ваҳимага тўлгандай дили,  
Алланелар ғулдираб тили  
Ёш тўкарди бамисли дарё.  
Унутилган у содиқ ҳарам  
Хон юзини кўрмайди бу дам;  
Унда азоб қўйнида маҳкум!  
Совуқ муҳсий қўлида мазлум  
Қаримоқда хотинлар ғамда.  
Кўпдан, улар ичра ҳарамда  
Гуржи хотин кўринмас, уни  
Муҳофизлар дарёга отган,  
Бечора сув остига ботган...  
Қнязъ қизи маҳв ўлган туни  
Бажарилиб бу қонли жазо  
Кўзин юмган Зарема... Э воҳ,  
Қандайгина бўлмасин гуноҳ,  
Кўп даҳшатли бўлган бу жазо!  
Кавказ олди тупроқларини,  
Русия тинч қишлоқларини  
Уруш билан қилиб минг вайрон  
Тавридага қайтиб келди хон.  
Саройни чет бурчини сайлаб,  
Марияга эсдалик айлаб

Мармарлардан ясатди фонтан.  
Тепасига хож ўрнатилмай,  
Мусулмонлар ойи осилмиш  
(Бу албатта, бўлмағур бир иш,  
Нодонликнинг айби бутунлай.)  
Ёзувлар бор, кечиб кўп йиллар  
Ҳали ўчиб кетмаган улар.  
Холи мармар ҳовуздан сувлар  
Қирғоқлардан тошиб гувиллар.  
Тиним билмай, тўхтамай бир он  
Доно-доно ёш тўкар фонтан:  
Ўғли ҳарбда жон берган она  
Худди шундай йифлайди ёна...  
Ўтмишнинг бу ривоятини  
У ёқларда қизлар билишган  
Сўнгра ғамгин ҳайкал отини  
«Ёш фонтани» бўлсин дейишган.  
Мен шимолни ташлаб ниҳоят,  
Базмларни кўпка унутиб,  
Боқчасарой томон йўл тутиб  
Мудраб кўшкни қилдим зиёрат;  
Халқ офати, жонгори татар  
Ишрат қилиб, базмлар қурган,  
Урушлардан сўнгра бехатар  
Беками-кўст фароғат сурган  
Тинч уйларда, боғларда — сездим —  
Ҳамон роҳат яшар куну тун;  
Сувлар ўйнар, гул чечак отар  
Ток занглари товланиб ётар,  
Деворларда ярқирав олтин.  
Мен у ерда,— тинмай оҳ уриб,  
Йифлаб, ҳақиқ тасбеҳ ўгириб,  
Баҳорида яшнамай сўлган  
Хотинларнинг макони бўлган  
Панжаралик дарчалар' кўрдим,  
Кунгиралик парчалар кўрдим.

Кўрдим хонлар қабристонини,  
Хўжаларнинг сўнг маконини.  
Гўрлардаги мармар устунлар  
Гўё тақдир ҳақида секин  
Ҳазин-ҳазин таратиб унлар  
Сўзлагандай туюлди... лекин,  
Хонлар қани? Қайда у ҳарам?  
Бутун атроф муқаддар ва жим,  
Ўзгармишdir... аммоқи у дам  
Бу билан банд эмасди дилим:  
Оқ гулларнинг майин нафаси,  
Фонтанларнинг куйлаган саси  
Жалб айлади, қилди фаромуш,  
Ихтиёrsиз, менда ақлу хуш  
Номуайян тўлқинга тушди,  
Шунда сарой ичидан бир қиз  
Соя каби сирли ва изсиз  
Кўз олдимда лишиллаб учди!..  
Дўстлар, кимнинг соясин кўрдим?  
Айтинг менга, мен сиздан сўрдим:  
Дафъ маҳал бўлган у юмшоқ  
Кимнинг шакли мени ўша чоғ  
Таъқиб этган эди? Ким эди?  
Ҳайҳот! Бутун атроф жим эди...  
Мариянинг тоза жоними,  
Ё, Зарема рашк билан тўлиб,  
Бўш ҳарамда бир' кўлка бўлиб  
Кўз олдимда ўтган оними?  
Эсимдадир шундай бир чирой,  
Худди шундай севимли нигоҳ...  
Дил ўшанга кетар бутунлай,  
Сургунда ҳам ғуссаси, эвоҳ,  
Қалбимдадир, тилларимда — оҳ...  
Эй ақлсиз! Бўлди! Энди бас,  
Ғусса чекма, фойда бермас.  
Бебаҳт ишқнинг нотинч, ноилож,

Оромига бермишсан хирож,  
Хушингни йиф, тўсиқларни буз,  
Гокайгача сен ожиз маҳбус  
Кишанларни ўпид ётасан?  
Токайгача енгил тор билан,  
Бу оламда оҳу зор билан  
Жунунингни ошкор этасан?  
Мен музонинг муҳлиси, ёри,  
Мен тинчликнинг мурид, хуштори  
Тездан бутун шуҳрат ўйлари  
Ҳам севгини тамом унутиб  
Яна сизга томон йўл тутиб  
Қўраман, эй Солғир бўйлари!  
Хотиралар асири бўлиб,  
Мен бораман ўша ёқларга,  
Денгиз бўйи балаңд тоғларга,  
Яна Таврид сувлари тўлиб  
Хурсанд этар ҳарис кўзимни,  
Ҳур сезарман яна ўзимни.  
Сеҳрли юрт, дийда юпанчи!  
Юрагимнинг эрка қувончи!  
У ерларда ҳарна жонлидир:  
Ўрмон, водий, гулистонлик қир.  
Узумларки ёқут, каҳрабо.  
Тераклару сувлар салқини;  
Эрта билаң қуёш ёлқини  
Таралганда, эсганда сабо,  
Айиқтоғнинг айланасида  
Зангор ҳовуз ярқирап экан,  
Тиник, кўм-кўк сувнинг пастида  
Қизил нурлар барқ урар экан,  
Тоғлар ошиб, қирғоқ йўллардан  
Учар ҳиссин ўнгу сўллардан  
Жазб этади бу ер чиройи!..

**М. Ю. Лермонтов**

**Д Е М О Н<sup>1</sup>**  
*Шарқ қиссаси*

БИРИНЧИ БУЛИМ

**I**

Қувғинди рух, қайғули Демон  
Гуноҳкор ер узра учарди.  
Масъуд кунлар хаёли шу он  
Кўз олдидан бир-бир ўтарди:  
Малак эди тоза ва масъум,  
Хандон эди арши-аълода.

Ҳатто юлдуз мовий самода  
Айлар эди унга табассум.  
Ташна боқар эди ҳар' замон  
Олов сайёralар диёри  
Қуюқ туманларнинг қўйнидан  
Аста кечгақ карвонлар сари.

У замонлар, даргоҳи улуғ  
Худовандни севар, инонар —  
Эди. На кин, на шубҳаси бор  
Бу баҳтиёр ва тўнғич махлуқ!  
Бекор, бебурд кечган асрлар  
Васвасага солмаган имон  
Тоза эди... Тағин нималар...  
Эслагани йўқ эди имкон!

---

<sup>1</sup> Иблис.

## II

Жаҳон дашти ичра беватан  
Кезар сарсон, қувулган наби,  
Йиллар ўтар, яна йиллардан  
Навбат кетар, минутлар каби.  
Шод эмас у, ки ерда хоқон  
Фанони дер, истар фароғат,  
Шунинг учун ҳар ерда, ҳамон  
Завқ олмасдан, сочар шарорат.  
Санъатининг чеки йўқ кўкдай,  
Хоҳишига қаршилик кўрмай  
Шунча кезди, шунчалик юрди...  
Сўнг ниҳоят, кўнглига урди.

## III

Гўзал Қавказ осмони — шиша,  
Қанот қоқар жаңнат матруди.  
Пастда Қазбек. Унда ҳамиша  
Қор ярқирар — олмос худуди.  
Чуқур жарда илон инидек  
Гирдоб ўраб кўринар Дарёл.  
Елкасида кўпик — бароқ ёл  
Худди шердай сакрайди Терек.  
Ўйноқи сув қўнғироқ чалар...  
Тоғ тепада кезган жонивор  
Кўкда учган паррандаки бор  
Ҳаммаси ҳам ҳайратда қолар.  
Елкан каби осмонда юзган  
Енгил қанот, олтин булутлар  
Уни бирга олис жанубдан  
Шимол ёққа кузатиб борар...  
Зумрад дарё оқар тўхтамай;  
Тепасида буюк қоялар

Тўлқинлардан кўнгил узолмай  
Бош солишиб мудраб қоларлар,  
Салқин Қавказ дарвозасида  
Дев қоровул каби баланддан  
Миноралар тоғ ёқасида.  
Боқар туманлар орасидан.  
Бутун олам ваҳший ва сўнгсиз  
Чирой билан очилган эди.  
Аммо, мағрур Иблис кўнгилсиз  
Хаёллари сочилган эди:  
Нафрат ёғар ҳар нигоҳидан,  
Тилларида аччиқ ҳақорат,  
Рози бўлмай ўз оллоҳидан  
Ғазабланар эди у фақат.

#### IV

Кўз ўнгида борди бир диёр:  
Жаннат каби гўзал Гуржистон.  
Майдагилам ёзган водийлар  
Гўё чаман-чаман гулистон.  
Кумуш каби булоқлар жўшқин  
Жимирлайди тубида тоши...  
Шалолалар сачратган учқун  
Балки, гуржи қизининг ёши.  
Қора сочи бамисли сумбул  
Сулув қизлар муҳаббатини  
Гул шохида ўқийди булбул;  
Мармар каби мусаффо туни.  
Қуюқ соя ташлаган чинор,  
Баргларини шаббода ўйнар...  
Жим гул босган жарда гоҳилар  
Қўрқиб-писиб ётар оҳулар...  
Бунда севги ,бунда шан, ҳаёт,  
Япроқларнинг сўнмас шовқини.

Аммо, булар ҳаммаси, ҳайҳот!  
Қўзғатолмас Иблис завқини,  
Бунда минг хил ям-яшил гиёҳ.  
Нафас олар ғуборсиз ҳаво.  
Бунда тинчлик ўзи бир наво!  
Лекин, Иблис нафратли, эвоҳ!  
Ой нурида марварид каби  
Гул баргида шабнам ялтирас.  
Гуржи қизнинг кўзлари каби  
Очиқ кўкда юлдузлар ёнар.  
Ана шундай гўзал табиат  
Буни асти хурсанд қилмади.  
Кувғин шайтон, бадарга хилқат  
Бу борлиқни писанд қилмади.  
Тошдай қаттиқ кўнгли юмшамай  
Туёлмади на қувват, на ҳис.  
Неки кўрди, сира хушламай  
Унга нафрат ёғдирди Иблис!

## V

Қари Гудал ўзига атаб  
Кенг, муҳташам ҳовли солдирди.  
Ҳар тошида минг хаста-бетоб  
Қуллар қонли кўз ёш қолдирди.  
Қўшни тоқقا саҳардан тортиб,  
Кўлка ташлар баланд девори.  
Қоядаги зинадан ўтиб  
Йўл боради шўх дарё сари:  
Бу йўллардан ҳар куни бир бор  
Елкасига қўйиб кўзани  
Енгил кўчиб гўё сузгани  
Арагвага чиқарди хумор  
Ёш Тамара — Гудал надраси  
Ҳилпиарди шоҳи чодраси...

У зўр қалъа тош қиррасидан  
 Сукут билан боқарди ҳарчоқ.  
 Букун бўлса, сурнай сасидаң  
 Тўлиб тошган ҳартараф, ҳарёқ.  
 Қадаҳларда тоза мусаллас  
 Акс этади қандилли чироғ.  
 Жам бўлишган яқин-йироқ.  
 Катта базм: ҳамма маст-аласт...  
 Букун Гудал қизин тўй этар,  
 Гўзал Тамаранинг никоҳи  
 Тўрда келин, яшнаб нигоҳи  
 Қизлар ичра ойни эслатар...  
 Узоқдаги ҳайбатли тоғлар  
 Беркитдилар қуёш ярмини,  
 Чапак чалиб, ўйнаб ўртоқлар  
 Руҳлантириб қизлар базмини.  
 Авжи ўйин қизиб турганда,  
 Чилдирмани олди келинчак —  
 Ўйнаб кетди... Ҳар зарб урганда  
 Фунча ёзар эди бир чечак.  
 Пирпиратиб ҳилҳила енгин  
 Гоҳ учарди қушдан ҳам енгил:  
 Гоҳ тинарди, сузук боқарди,  
 Қошларини нозик қоқарди,  
 Гоҳ аста букиб тиззасин,  
 Гилам узра йўрғалаб кетар  
 Илон каби ўйнаб гавдасин  
 Ҳар нигоҳни ўзга банд этар.  
 Сўнг, боладек кулади ўзи,  
 Машъаладек ёнади кўзи.  
 Билмадимки, баъзан кумуш ой  
 Ўйнагани хафиғ, юмшоқ нур  
 Ҳаёт каби, ёшлиқ каби бой  
 Бу кулгига қандай тенглашур?..

## VII

Онт ичаман, тундаги юлдуз,  
Кун ботишу шарқнинг ҳурмати  
Бундай гўзал, бу каби кундуз  
Фусункорни олам кўрмади.  
На Эроннинг буюк султони,  
На жаҳонниң бирон ҳоқони  
Бу хил қизни сўролмаган ҳеч,  
Бу хил қўзни кўролмаган ҳеч!  
Ҳарамларнинг муздек чашмаси  
Инжу каби сувлари билан  
Ой баравар ноз карашмаси  
Гўзалларни жуда кўп кўрган.  
Аммо, бирон марта бўлса ҳам  
Саратонда дим ва иссиқ кеч  
Бундай қомат, бундайин санам  
У сувларда ҳапитмаган ҳеч.  
Доно-доно маржондек сувлар  
Уни кўрмай ўтганларини,  
Армон билан кетганларини  
Эҳтимолки, асти билмайлар.  
Жаҳон ичра кимса бир марта  
Сутдай ойдин, хилват тунларда  
Бундай сочин силай олмаган  
Бу хил лабга из сололмаган.  
Онт ичаман, бу ёруғ жаҳон  
Айрилгандан бери беҳиштдан  
Бундай чирой кўрмай, ҳеч қачон  
Озмаганди ақлдан-ҳушдан.

## VIII

Сўнгги сафар ўйнар эрка қиз...  
Тоғлар! Гудал машъаласини,  
Озодликнинг шўх боласини

Балки, кўролмассиз эрта сиз.  
Тушуринди қилиб эртага  
Олиб кетар куёв бир умр.  
Ҳайҳот! Кимга нозини қилур?  
Қандай кўнар бегона уйга?  
У билади. Равшан дийдасин  
Номуайян шубҳа босади.  
Қўтаролмай гоҳо сийнасин  
Қалта-калта нафас олади.  
Унинг бутун ҳаракатлари  
Ифодали, содда-тўпори,  
Хўп келишган эди ўзига.  
Агар, шу чоқ Иблис кўзига  
Нигоҳ солса эди бу гул  
Тикилганча қотиб қоларди.  
Эслаб кетиб ўтмишни, ёлғиз  
Бир оҳ тортиб, нафас оларди.

## IX

Еҳу! Иблис қизни пайқади,  
Ўша замон сезди ҳаяжон:  
Ширин бир куй гўё биёбон —  
Даштдай кўнгли ичра тарқалди  
У, янгидан муҳаббат-севги  
Чирой санамига йўлиқди.  
Тўймай боқди. Хаёли эзгу  
Кечган баҳти билан тўлиқди.  
Эс китоби варақ ёзаркан,  
Саодатли кунлари бир-бир  
Юлдуз каби тизилиб пир-пир  
Занжир каби ўтди назардан.  
Бир гезли куч боғлаб чамбарчас  
Янги ғамга ошна бўлди у.  
Унда олди уфқни қайғу.

Туйди севги ҳаловатини:  
Қайта яшаш аломатими?  
Васвасага солгани қизни  
Тополмади ақлида мадор.  
Унутмоқми? Йўқ парвардигор  
Бундай кучни, бундайин ҳисни  
Унга асли берганмас эди.  
Берганда ҳам, бу олмас эди.

## X

Никоҳ учун ошиқар күёв;  
Кун ботмасдан етиб бормоқчи.  
Сабри тугаб, кўнглида зўр дов,  
Отга босар устма-уст қамчи.  
Етиб келди бехавфу хатар  
Арагванинг соҳилларига.  
Нортуюлар соҳибларига  
Занжир каби эргашиб қатор  
Дармон кетган каби тизидан  
Битта-битта кўчар изидан.  
Юки оғир... Бу катта карвоң  
Олиб келар қайлиққа эҳсон.  
Жангур-жунгур ўйнаб қўнғироқ  
Ҳали манзил олис, кўп йироқ...  
Сенадалнинг ҳокими ўзи  
Келар карвоннинг бўлиб кўзи,  
Белда камар, қилич ва ханжар  
Жим-жим этар офтобнинг тифи,  
Елкасида осиғлиқ — ҳам зар,  
Ҳам тилладан гулдор милтифи.  
Қимматбаҳо чакмон эгнида.  
Шамол ўйнар барин қўйнида.  
Шоҳиллардан тузалган эгар;  
Гулдор юган той бўйни эгар.

Тухум каби сағри гупурган  
Гүё, бирор унга сув пурккан.  
Тезоб, абжир, тузи бебаҳо  
Асл саман, гүёки тилла...  
Қорабонинг шўх югурдаги  
Қулоғини чимирад ҳамон,  
Ваҳимага тўлиб юраги  
Кўз ташлайди тўлқинлар томон:  
Тор ва хавфли ингичка бу йўл  
Қирратошли буюк қоя — сўл,  
Ўнг томони чуқур дарё, жар,  
Ҳар минутда кутар бир хатар.  
Ўзи ҳам кеч. Қорли чўққида  
Шафақ ўчай-ўчай деб турар.  
Туман босди. Тоғлар уйқуда...  
Карвон пича тезлаб йўл юрар.

## XI

Йўл устида кичик бир даҳма,  
У даҳмада кўҳна бир мозор.  
Душман қўли билан минг лахма  
Бўлган қандайдир князъ ётар.  
Уни энди авлиё дейлар,  
Ҳаққига юз минг дуо дейлар.  
У йўллардац биронта йўлчи  
Ё ҳайит, ё жанг кетар бўлса,  
Ўша ерда дам олиб пича  
Унга ибодат этар бўлса,  
Сақланарди мусулмонлардан:  
Ханжаридан, тўкар қонлардан.  
Аммо, ботир юракли куев  
Истамади бу ибодатни,  
Бузди — гўё ўчакишган ёв  
Боболари қилган одатин.

Чунки, Иблис олдида уни  
Хаёлини айнитди қўймай:  
У, ўйида, гўё тинч туни  
Қайлигини ўпарди тўймай.  
Ёхуд! Кимнинг шарпаси бўлди,  
Рўбарўдан, тоғ олди қирдан  
Икки соя кўринди бирдан  
Ўқ чақнади. Ваҳима тўлди.  
Жасур князъ чурқ этмади ҳам,  
Узангида тип-тикка турди.  
Папағини бостириди, шу дам  
Учар отга бир қамчи урди.  
Қўлида турк қиличи ёнди,  
Бургут каби олға ташланди.  
Ёввойи дод, бўғиқ бир фифон  
Тутди бутун водийни шу чоқ.  
Узоқ давом этмади. Бу он  
Гуржи эрлар қочди тумтарақ.

## XII

Яна тинчлик босди водийни  
Ёлғиз қонли мурдалар ётар.  
Йўлчиларнинг айлаб ёдини  
Мўлтири-мўлтири туялар боқар.  
Талон бўлган катта бой карвон  
Молдан асар қолмаган сира,  
Христиаңлар ўлиги узра  
Қора қушлар уради жавлон.  
Шаҳид ўлган бечораларни  
Оталари ётган мозори  
Чорламайди. Бечораларни  
Кимга етар фифону зори?  
Аза тутиб, узоқдан — улиб  
Оналари келмас бошига.

Оlam тўлиб, қонли ёшига  
Сингиллари турмас оҳ уриб.  
Қабрлари тепасида ҳеч  
Шам ёқилмас саҳар, кундуз, кеч.  
Аммо, бирон муруватпарвар  
Ёдгор этиб ўтказар бир бут.  
Осмонида йиғлар оқ булут,  
Атрофида гул ўсар пар-пар.  
Сўнгра, бундан юрар йўловчи  
Бефотиҳа ўтиб кетолмас.  
Узоқ йўлда бўлмай иложи  
Бу ерларда дам олур бирпас.

### XIII

Буғу каби тез учар саман  
Худди жангга ошиққан каби.  
Қўзи соққа каби ўйнаган,  
Пишқиради, титрайди лаби.  
Тоғлар бўйи сакрайди гоҳо,  
Туёғидан елдиrim чақнар.  
Шамол недир тинглайди. Гўё,  
Гув-гувидан ваҳм сири бор.  
Ели чалкаш бўлиб пирпириар  
Хушсиз, худди ўқдай югурад.  
От устида чалқанча тушиб  
Гўё, совуқ елдан увушиб  
Йўлчи ётар: оқарган ранги.  
Оёғида маҳкам узанги  
Шилқ этади, отнинг ёлига  
Бўйни тушар, боқмас ёнига.  
Юган тушган унинг қўлидан,  
Жилов тортмас отнинг йўлидан.  
Силон ёпғич шундай қизил қон,  
Ўнг қон, сўл қон, ҳатто уфқ қон.

Эй чопонгич, абжир, қуш қанот  
Камон ёйи каби учган от  
Баҳодирдек шарт ёриб жангни  
Омон сақлай дединг хўжангни,  
Аммо қандай ёзиқ бўлди бу,  
Осетин ўқига учди у!

## XIV

Гудал уйи ботди азага,  
Йифи доди чиқди фазога,  
Эшигида одам йифилган.  
Куйиб-пишиб бунда йиқилган  
Кимнинг оти? Бу бечора ким?  
Ҳатто, осмон жавоб бермас, жим!  
Юзларида ваҳима-ваҳшат  
Иzlари бор, кўрқинч ва даҳшат!  
Усти боши, яроғлари қон,  
Боши, кўзи, оёқлари қон...  
От ёлини сиқимлаб қўли,  
Беҳуш қотиб қолган бир йўли.  
— Шўрпешона, бахтсиз келинчак  
Маътал бўлиб кутганинг қолди,  
Кўйида қон ютганинг қолди.  
Аммо, сенга қандай кулажак  
Бир умрга юмилган кўзлар?  
Ахир, тақдир сенга не кўзлар?

## XV

Беками кўст тинч оилани  
Чақмоқ каби босди бу кулфат.  
Кўнглини еб қайғу илони  
Мусибатга бўлди қиз улфат:

Қонли ёшга айланиб қалби  
Томчи-томчи оқди кўзидан.  
Дами оғир... кетди ўзидан...  
Гўё, боши устида каби  
Сочи тўзиб ётган ўрнида  
Эшитилгандай бўлди бир нидо:  
«Қўй йиглама! Бекор бу яхлит  
Кошки, кўзни ёши соб бўлса,  
Кошки, ҳаёт шабнами тахлит.  
Ёшинг мурда узра тўкилса.  
Йўқ! У фақат равшан кўзингни  
Туман каби қоплаб олажак.  
Анор каби шу қиз юзингни  
Мисдай қилиб ўтда ёқажак.  
Еринг бўлса, узоқда билмас  
Сенинг чеккан оҳу-зорингни.  
Энди само нурлари тинмас  
Ва эркалар ҳомизодингни.  
У жаннатда қўшиқлар тинглар...  
Бу ҳаётнинг бачкана туши,  
Бир гарифнинг фифон, нолиши  
Беҳишт меҳмонига не денглар?  
Йўқ, бу ғазо асли қисматдир,  
Ионон менга, дунё малаги.  
Арзимайди, кўзингни арт, тур  
Йигламоқнинг йўқдир кераги.  
«Само худди бир денгиз  
Дарғаси йўқ, беелкан.  
Учар ҳисобсиз юлдуз  
Туманларнинг қўйнидан.  
Чексиз кўм-кўк водийда  
Парча-парча булутлар  
Из қолдирмай ортида  
Эркин қанот қоқурлар.  
Уларга ҳижрон, висол  
Нағам, на севинч бермас,

Келажаги орзусиз,  
Ўтмиш учун ачинмас,  
Бебаҳт бўлган чоғингда  
Уларни ёдингга сол,  
Бенасиб ва қайдсиз  
Яшашни ўрганиб ол!»  
«Бахмал каби юмшоқ қора тун  
Кавказ чўққисини олганда,  
Ширин сўзли фусунқор очун  
Жимиб уйқусига толганда,  
Шўх ва енгил ел юриб тоғда  
Майсаларни ўйнаган чоғда,  
Паррандалар безовта бўлиб  
Гур учганда ваҳмга тўлиб,  
Ток тагида гуллар тўйгунча  
Шабнам шимиб, очганда ғунча,  
Тоғ кетидан олтин ой сокин  
Қўзларингга нур қўйса секин,  
Учиб борар бўлдим олдингга  
Саҳаргача меҳмон бўлгали,  
Ипак каби киприкларингга  
Жиндаккина ором бергали...»

## XVI

Борған сари пасайиб аста  
Узоқларда тинди бу товуш.  
Ирғиб турди, нигоҳи хаста  
Атрофига боқди қиз хомуш.  
Қўкрагидан босди изтироб,  
Қайғу билан қўрқув бирлашди.  
Чўчиди-ю, бирдан қалтираб  
Туйғулари гупурди, тошди.  
Қафасидан чиқдими шони,  
Вужудини ёндириди олов  
Унутолмай ажиб нидони

Қийналади. Йўқмикан аёв?  
Саҳар пайти чарчаган кўзлар  
Ширингина ҳей... ухлаб кетди.  
Аммо, пайғамбарона сўзлар  
Хаёлини шарт қулфлаб кетди.  
Чиройининг таърифи беҳад  
Номуайян, соқов келгинди  
Қиз олдида бошини эгди,  
Янги ойдек бўлиб сарви қад.  
Нигоҳида чиндан ҳам вафо  
Чунон меҳр, чунон муҳаббат  
Билан хафа боқарди, гўё  
Қизга ачингандай у хилқат.  
У на малак, на бошқа эди,  
На бу қизга қўриқчи пари  
Боши узра яшнамас эди —  
Қамон нурларидан чимбари.  
У дўзахи руҳ эмас. Ёнур.  
Қувғин шайтон эмас эди,— йўқ!  
Пок оқшомга ўхшарди тўлиқ.  
На кун, на тун — на зулмат, на нур!..

### ИККИНЧИ БЎЛИМ

#### I

«Қўй, отажон, мени қўрқитма;  
Тамарангни уришмагин, бас.  
Мен йиғлайман, кўргин... унутма,  
Ки, бу ёшлар биринчи эмас.  
Олислардан куёвлар бизга  
Ошиқадир беҳуда, бекор.  
Бу эл тўлиб ётибди қизга!  
Мен ҳеч кимга бўлолмайман ёр!  
О, сўкмагин, сўкма, отажон:

Кўрятсан менинг кундан-кун  
Кузги баргдек юзларим сўлғин:  
Ёвуз оғу айлади қурбон!  
Қарши туриб бўлмайдиган ваҳм —  
Билан маккора руҳ қийнайди,  
Мени ҳалок этади... қил фаҳм,  
Ачин! Наҳот, кўзинг қиймайди?!  
Ақли айниб қолган қизингни.  
Ҳасратимни тўқай худога,  
Ўзи сақлар бу юлдузингни.  
Менинг учун бу дунё ичра  
Вақтичоғлик қолмади сира.  
Қўй, эртароқ бағрига олсин,  
Тобут каби у қора ҳужра...»

## II

Уни хилват бир монастирга  
Элтиб қўйди қавму қариндош,  
Қўпол қилдан бўлган усти бош  
Ёш кўкракни ботирди терга.  
Бари бир, наф бермади бирор  
Роҳибалик усти боши ҳам,  
Яна ўша: хаёли — мубҳам.  
Аввалгидек кўнгли беқарор  
Бари бир, у ҳийлакор нидо  
Ё шам ёнган меҳроб ёнида,  
Ё саждага қўйганида бет,  
Эшитилар ҳамон кетма-кет...  
Баъзан қора гумбаз устида  
Беиз, товуш чиқармай сира,  
Кўринарди у қиз қасдида  
Енгил тутун қўйнида хира.  
Юлдуз каби нурланар эди,  
Алдаб, қайга имланар эди?

### III

У монастир икки ёғи тоғ  
Салқин ерда ўрнашган эди.  
Терак, чинор — ғужум кўк япроқ  
Атрофида ўйнашган эди...  
Ўшаларнинг қўйнида гоҳи,  
Оралиққа ингандан кеча,  
Кўринарди то тонг отгунча  
Ойнасидан танҳо ётоғин  
Жимиллатган хаста нигоҳи  
Ёш гуноҳкор қизнинг чироғин:  
Тўрт атрофда, салқин сойларда  
Тилсимликдан қуриган шўри,  
Сағаңалар қоровули бут,  
Ўлик каби сақлаб бир сукут  
Қаторлашиб ётган жойларда  
Бошланарди қушларнинг жўри,  
Тошдан-тошга сакраб тўймаган,  
Қўнғироқлар чалиб ўйнаган  
Оппоқ тўлқин урган булоқлар,  
Пастга тушиб, гўё ўртоқлар,  
Ҳаммаси бир бўлишиб, гуллар —  
Орасидан оқиб гувиллар...

### IV

Шимол ёқдан кўринар тоғлар  
Эрталабки шафақ нурида,  
Водийларнинг қўйин-тўрида  
Кўкиш туман эриган чоғлар,  
Юзин қибла томон ўгириб.  
Чақирганда муazzин аzon.  
Қўнғироқнинг савти ўкириб,  
Монастирни уйғотган замон.

Ёш гуржи қиз тикка тоғлардан  
Кўза олиб сувга тушганда,  
Гулғунчалар очган боғлардан  
Паррандалар кўкка учганда,  
Кумуш қорли юксак чўққилар  
Акс этарди тиниқ осмонда,  
Кечга яқин, қуёш ботганда  
Қизил нурга чўмарди улар,  
Хаммасидан баланд ва мағрур  
Булутларни ёриб, тепадан  
Оқ саллали, йўл-йўл тўн билан,  
Кавказ шоҳи — Казбек кўринар.

## V

Аммо бундай тоза масаррат  
Кирмас эди қийналиб ётган  
Гуноҳкорлик ўйига ботган  
Тамаранинг кўнглига албат,  
Оlam унга бегона эди.  
Ундаги бор нарсалар бутун  
Азоб учун баҳона эди —  
Ҳам оппоқ тонг, ҳам қоронғу тун  
Ер юзини босганда тинчлик,  
Мизғимасдан кечалар бўйи,  
Бут олдида йиқилган кўйи,  
Ҳушдан кетиб йиғларди шўрлик,  
Ҳўнгир-ҳўнгир юксалган йифи,  
Гўё дайди ўғрининг **тиғи**  
Қўрқитарди тунги йўлчини.  
Ваҳм қилиб, билмай тинчини —  
«Бу — ғорларда боғлиқ алвости  
Чеккан фифон!»— деб ўйларди у.  
Қулоғини олмасдан асти  
Хорган отни тезлар эди: чу!

VI

Фам-ҳасратга ботган Тамара  
Деразанинг тагида танҳо.  
Хаёлларга чўмилиб гоҳо,  
Ўтиради йиғлаб бечора.  
Узоқларга ташлайди нигоҳ,  
Тун бўйи ҳеч тинмай кутади..  
Кимдир унга дейди: келади!  
Чидолмасдан тортади у оҳ.  
Қайғуларга тўлган кўз билан,  
Ажиб, ширин, юмшоқ сўз билан,  
Бекорларга кўрингмаган у,  
Бекор эрка қилмаган уйқу.  
Кўпдан бери орзиқарди қиз.  
Авлиёлар учун чўкса тиз,  
Кўнгли ҳамон унга кетганин,  
Ўзи билмай нега эканин,  
Чарчаб, толиб оғир курашдан  
Ором олай деса бирон пас,  
Болиш ботар бўлиб оташдан,  
Куйдиради, ололмай нафас.  
Сапчиб туриб, қалтирайди қиз,  
Гўё ишқи тундаги юлдуз,  
Кўкси, бутун тани ёнади,  
Нафас қисар, кўзида туман,  
Ташна қучоқ бирдан қонади,  
Лабда бўса эрийди шу он...

vii

Чойшаб ёзди шом қоронғуси  
Гуржистоннинг тоғу тошига,  
Келди Иблин тошиб түйғуси

Монастирга — қизнинг қошига.  
Лекин унга халал бергали  
Ботинолмай ганги迪 узоқ.  
Тайёр эди, у, гүё шу чоқ  
Ёвуз ниятидан кечгали.  
Не қилишни билмай тентираб  
Кезди девор остида сокин.  
Ҳаво тип-тинч. Шамол йўқ. Лекин  
Барглар ундан қўрқди дилдираб,  
Кўз ташлади тепага аста;  
Деразани лампа ёритар.  
У англади шунда бирпастда:  
Қиз кимгадир кўпдан кўз тутар!  
Ана, чингар<sup>1</sup> жаранглаб кетди,  
Эшитилди куйлаган овоз.  
О, у қандай ширин, латиф соз,  
Зарби кўнгил тубига етди...  
Худди кўз ёшидай бирма-бир  
Тўкилди у товуш, тўкилди...  
Мунча нотинч юрак қурмағур;  
Бардош тугаб, чоки сўкилди.  
У ашула шундай соз эди.  
Шундай юмшоқ дилнавоз эди,  
Ки ер учун аталиб, гүё  
Кўкда тўқилган овоз эди.  
Унутилган дўст билан яна  
Кўришмакни ихтиёр этган,  
Тунни хилват топган-у, пана —  
Йўллар билан бу ерга етган  
Бирон малак эмасмикан бу?  
Шунда Иблис энг биринчи бор  
Муҳаббатнинг дардини туйди...  
Нола чекиб дили зору зор,

---

<sup>1</sup> Чингар — бир хил дутор.

Ишқ ўтида ловиллаб куйди.  
Кўрқиб, жилмоқ бўлди бу ердан...  
Қанотини кўтаролмади!  
Ажаб! Қуруқ кўзидан бирдан  
Еши оқди... Ҳеч чидолмади...  
Ўша жойда ҳалига қадар  
Одам ёши эмас, ўша ёш,  
Ўша ўтдек ёш куйдирган тош,  
Якка, қора, куйган тош ётар...

## VIII

Қизни севар бўлиб кирап у  
Марҳаматли дил билан шу чоғ,  
Вақти етди, кутилган орзу  
Ушалди деб ўйлаб, хуш димоғ,  
Шу пайт унинг ғуури, қалби,  
Биринчи бор учрашар каби,  
Интизорлик қалтироғици,  
Лол ва мажҳул сир қийноғини,  
Англади... Бу қўрқинч ҳол эди,  
Ёмон тасодифга фол эди.  
Тўғридан ҳам, кирсаки, унда  
Нур кийинган жаннат элчиси,  
Ул гуноҳкор қизнинг соқчиси  
Малак яшнаб турарди тунда,  
Шу чоқ қизни айлаб саришта,  
Қанотига олиб фаришта,  
Асради у ёвуз душмандан,  
Пок илоҳий нурлар шу ондан —  
Кир нигоҳни кўр қилди бутун;  
Иблис кўзин қоплади тутун...  
Шунда ширин салом ўрнига  
Оғир итоб эшитилди унга.

## IX

«Эй нияти бузуқ руҳ, тунда  
Ким чақирди сени, айт менга!  
Сенга мухлис киши йўқ бунда,  
Кўп эркинлик берма ҳаддингга,  
Ҳалигача бу ерда бирпас  
Ёвузлик ҳеч олмамиш нафас,  
Менинг ишқим, пок санамимга  
Сола кўрма қора изингни.  
Кет! Ўчиргим мен юлдузингни,  
Сақланиб қол!»  
Ва Иблис унга  
Таҳқир билан жилмайиб боқди;  
Нигоҳини рашик ўти ёқди.  
Қайталабдан ўтли дилидан  
Эски нафрат заҳари оқди.  
«У меники!— деди риёкор,—  
Қиз меники! Уни қолдир, бас!  
Кеч қолдинг сен, эй, ҳимоякор  
Мен ва унга сен ҳоким эмас!  
Қизнинг ғуур тўла кўнглига  
Ўз муҳримни босиб қўйганман,  
Сен кет, бунда мен ўзим эга,  
Мен ҳукмрон, уни севганман!»  
Шунда малак ғамгин кўз билан  
У бечора қизга бир боқди;  
Қанотини оҳиста қоқди,  
Сўнгра ғойиб бўлди кўзлардан...  
• • • • •

## X

### Тамара

О, сен кимсан, сўзларинг тубсиз,  
Дўзах юбордими, ё жаннат?  
Не истайсан?

## Д е м о н

Сен гўзалсан, қиз!

Т а м а р а

Гапир, кимсан? Жавоб бер, англат!

## Д е м о н

Мен у менки, сен ярим туни  
Қулоқ солиб тингладинг уни  
Унинг фикри олди ҳушиングни,  
Унинг дардин англаган бўлдинг,  
Унинг ўйи билан лиқ тўлдинг,  
У банд этди ўнгу тушиングни.  
Мен у менки, э гўзал пари,  
Кимса сезмас, ачинмас узи,  
Қулларимга мен ерда офат,  
Озодлик ва идрок шоҳиман.  
Мен — малаклар, кўкларга душман,  
Табиатга ёвуз касофат,  
Лекин, мана, боқ: доғингда мен,  
Тупроқ каби оёғингда мен!  
Мен келтирдим эгиб бошимни  
Ишқинг майин ибодати-ла,  
Энг биринчи ер' азоби-ла,  
Энг биринчи тўккан ёшимни  
Қабул айла, ол гўзал, буни,  
Ёрит умрим саодатини.  
Қулоқ солгил оҳу зоримга:  
Биргина сўз билан мени сен  
Яна кўкка қайтароласан.  
Эй паризод, қизған ҳолимга;  
Ишқинг эзгу либосин кийиб,  
Ёвузликдан дилимни тийиб,

У даргоҳда порлоқ нур каби,  
Янги малак, ёш бир ҳур каби  
Қайта яшар эдим мен у чоғ,  
Раҳминг келсин, аҳволимга боқ,  
Ялинаман, тинглагил мени,  
Асирингман, севаман сени!  
Сени аввал бир йўл кўрдиму  
Ажалсизлик, ҳокимлигимга  
Ўтли нафрат, қарши бир туйғу  
Чақмоқ каби тушди дилимга,  
Беихтиёр, ерниңг ярми ғам,  
Шодлигига ҳасад қилдим мен;  
Сендай яаш истадим мен ҳам,  
Сенсиз уни фано билдим мен,  
Қонсиз қалбим жимиirlаб кетди,  
Ўмидли нур жонланди унда.  
Бир дард эски яра тубида  
Илон каби қимиirlаб кетди,  
Сенсиз нима бу абадият?  
Сенсиз нима менга мулк, ният?  
Қуруқ сўздири, тутмас асадир,  
Худоси йўқ кенг калисадир.

### Т а м а р а

Эй, маккор руҳ, чекил, эй беор,  
Инномайман душманга, йўқол!  
Парвардигор... Ҳайҳот! Бу не ҳол!  
Сифингани йўқ менда мадор...  
Ҳалокатли оғу бошимни  
Ўраб олмиш, тўкар ёшимни!  
Эй ҳийлакор, не керак сенга?  
Тингла, мени хароб этасан!  
Сўзинг оташ, заҳардир менга,  
Гапир, нечун мени севасан?

## Д е м о н

Эй, гўзал қиз, нечунми?— Ҳайҳот,  
Билмам!.. Янги ҳаётга тўлиб,  
Янги ишқнинг асири бўлиб,  
Сенда кўриб баҳтимга нажот,  
Жаҳаннамнинг оғир тошини  
Жиноятли бошимдан отдим,  
Ҳечга бутун ўтмишни сотдим,  
Кел, дардимнинг қил иложини.  
Шу қоп-қора кўзларинг малак  
Ҳам дўзахим, ҳам жаннатимдир  
Қувфиндини этма кўп ҳалак,  
Олов тушган қалбини тиндир,  
Тингла мени, ишон, рост билан  
Бу ерда йўқ эҳтирос билан  
Сени шундай севаманки, мен,  
Асти бундай севолмайсан сен:  
Барча ўйим, барча ниятим,  
Очиқ кўнглим ва ҳамиятим,  
Шаъну шавкат, ҳукмдорлигим,  
Бутун умрим, бутун борлигим —  
Ҳаётим-ла, севаман, гўзал,  
Юрагимга суратинг азал  
Ўрнатилмиш эди илгари.  
Ажралмасдан мендан ҳеч қачон  
Кўз олдимда яшиаб у ҳамон  
Бирга юрган эди, эй пари!  
Бу ширин ном азал бор эди:  
Кўпдан менга ҳаяжон солиб,  
Кеча-кундуз ҳушимни олиб,  
Қулоғимда майин тор эди,  
Масъуд кунларимда жаннатда  
Сен билан мен эдим фурқатда,  
Оҳ, агар сен билсайдингки, қиз,  
Бутун умр — асрлар беиз,

Ҳузур қилиш ва азоб чекиш,  
Евузликка мақтов кутмаслик,  
Яхшиликка эҳсон кўрмаслик,  
Ўзинг учун яшаш, энтикиш,  
Бу абадий курашда яна  
Бекелишув ва бетантана  
Кун ўтказиш — қандай оғир иш!  
Ҳам ачиниш, ҳам ачинмаслик  
Ҳар нарсани англаш ва сезиш,  
Ҳеч нарсани кўзга илмаслик,  
Ҳаммасидан таҳқир-ла безиш!..  
Лаънатини ёғдириб худо,  
Даргоҳидан айлагач жудо,  
Табиатнинг қучоги бутун  
Муздай совиб қолди мен учун.  
Кўз олдимда ястаниб шунда  
Мовийланди коинот; унда  
Кўпдан менга таниш, зийнатдор  
Сайёralар тўпини кўрдим.  
Олтин тож-ла учарди улар.  
Оҳ, на хўрлик, баридан сўрдим,  
Ҳеч биттаси назар солмади,  
Эски дўстни таний олмади.  
Шунда қаҳрим келиб уларни,—  
Ўзим каби қувғиндиарни  
Рўбарўга чақирдим. Бироқ,  
У ёвуз юз, ёвуз кўзларни,  
Эвоҳ! Таний олмадим у чоқ.  
Бу аҳволдан қийналдим ёмон:  
Ваҳимага тўлиб шу замон,  
Қанотимни силкиб йўл олдим,  
Қайга? Нечун? Ўзим билмасдан,  
Эски дўстлар кўзга илмасдан,  
Унудилар... Мен якка қолдим:  
Шундан кейин жаҳон мен учун  
Беҳишт каби тор ўлди бутун,

Оқимнинг ҳур истаги билан  
Борар жойин, манзилин билмай,  
Бесукуну ҳамда беелкан  
Оқиб кетаётган кемадай;  
Гоҳи пайтлар саҳарда ёлғиз,  
Кўк гумбазда қорайиб юрган,  
Тўрт тарафга ўзини урган,  
Худо билсин, қайдан, қай сари  
Тиним билмай бемақсад, беиз,  
Учган булут парча сингари  
Мен ҳам учар эдим бекарор,  
Ҳамдам излаб ўзимга зор-зор!  
Инсонга кўп ҳоким бўлмадим,  
Ўргатмадим гуноҳларга кўп.  
Яхшиликни тамом хўрладим,  
Одилликни ерга урдим хўп.  
Узоқ эмас... Тоза имоннинг  
Алангасин ўчирдим осон...  
Меҳнатимга арзирми ҳеч он  
Аҳмоқ, мунофиқи инсоннинг?  
Мен қийналдим, жаҳондан бездим,  
Тоғлар аро беркиниб кездим.  
Худди кўқдан отилган юлдуз —  
Тун қўйнидан дайдидим ёлғиз,  
Танҳо йўлчи тунда йироқдан  
Макрим билан бир ўт кўрарди,  
Отини тез унга буарди.  
Бориб-бориб баланд қирғоқдан  
Жаҳаннамга тўнтариларди,  
О! Бекорга фарёд қиласарди,  
Жар тошлари ботарди қонга...  
Парча-парча бўлган инсонга  
Эътиборсиз кулиб боқардим,  
Шодланардим, қанот қоқардим,  
Аммо тезда ғазабнинг қора  
Бу ўйини ёқмасдан қолди,

Қон сайлидан кўзларим толди!  
Мен исёнкор табиат аро  
Дил зорини босмоқчи бўлиб,  
Бузуқ йўлдан қочмоқчи бўлиб,  
Унумилмас нарсаларни ҳам  
Унумоққа онт ичиб маҳкам  
Бор оламдан тамом жирканиб,  
Кучли бўрон билан урушда,  
Чақмоқ, туман ичра бурканиб,  
Қуюнларни ўйнаб буришда,  
Булутларнинг устида учдим,  
Кенг фазонинг қўйинини қучдим,  
Келиб кетган ҳамда келгуси  
Одамларнинг барча қайғуси,  
Барча меҳнат, барча кулфати,  
Барча чеккан ғам, уқубати,  
Ҳаммасини жам қил ўзингга;  
Сўнгра менинг ҳали сўлмаган,  
Оlam унга иқрор бўлмаган,  
Танилмаган зўр азобимдан  
Бир лаҳзани келтир кўзингга...  
Улар нима бунга нисбатми?  
Одам недир? Недир иш, умри?  
Келиб кетган ва келиб кетар...  
Умид борки, ҳукмдор тангри,  
Ҳукм этса ҳам афв эта олар!  
Менинг қайғум бўлса, муттасил,  
Шу ердадир, ҳеч қачон ўлмас,  
У мен каби абадий, асл,  
Мендек унинг охири бўлмас!  
У ажралмас, мен билан яшар,  
Гоҳ илондек ўйнар, тўлғанар,  
Гоҳ оловдек куйдириб ёнар,  
Гоҳ тош каби фикримни босар,—  
Ўлган умид, ўлган эҳтирос  
Қабридир у. Асти бузилмас!..

**Т а м а р а**

Қайғуларинг не керак менга?  
Бас қил дедим, бас дедим сенга.  
Гуноҳкорсан...

**И б л и с**

Сенгами, ҳур қиз?

**Т а м а р а**

Эшитарлар...

**И б л и с**

Танҳомасми биз?

**Т а м а р а**

Худойим-чи?

**И б л и с**

Бизни кўрмас у,  
Кўк билан банд, ерни сўрмас у.

**Т а м а р а**

Жазолар-чи, дўзах ўти-чи?

**И б л и с**

Ҳеч гап эмас, тинглагин пича,  
Сен сазамни урмасанг ерга  
Дўзахда ҳам бўлармиз бирга.

## Т а м а р а

Эй туйқусдан йўлиққан, дўстим,  
Ким бўлсанг бўл, бари бир жўшдим,  
Роҳатимни мангу йўқотиб,  
Ажаб мажҳул фараҳга ботиб,  
Ихтиёrsиз тинглайман сени,  
Агар борди алдасанг мени,  
Сўзинг ёлғон бўлса мабодо...  
Бу на шараф! Раҳм эт, эй худо,  
Менинг кўнглим сенга не керак?  
Сен кўрмаган барча қизлардан,  
Чирой шоҳи у юлдузлардан  
Наҳот кўкка мен қимматлироқ?  
Улар ҳаёт! Ҳаммадан гўзал,  
Таърифи йўқ гул чиройларин  
Ердагидек қизлик жойларин  
Ўлим қўли бузмаган азал.  
Йўқ! Сен менга қасамёд айла,  
Ўйларингдан кеч, барбод айла,  
Қўрасаними ғам чекаман мен,  
Хотин ҳиссин кўрмоқдасан сен!  
Юрагимда шубҳа бор сенга...  
Аммоқи сен барчасин туйдинг,  
Ҳаммасини биласан, суйдинг,  
Раҳминг келар албатта менга!  
Онт ич .. ёвуз бисотингдан кеч,  
Ваъда бергин, инонтири, уқтири,  
Наҳот, бўлак бузилмаган ҳеч  
На бир қасам, на ваъда йўқдир?

## И б л и с

Онт ичаман, хилқатнинг боши,  
Ҳамда унинг сўнг нафаси-ла,  
Жиноятнинг уятли тоши,

Ҳақиқатнинг тантанаси-ла!  
Онт ичаман, зафар орзуси,  
Инқирознинг қайғуси билан,  
Васлинг билан ҳамда бўлғуси  
Дардли ҳижрон қўрқувси билан,  
Онт ичаман, муте руҳлару,  
Дўстларимнинг тақдирлари-ла,  
Менга душман малакларнинг у  
Қонсираган шамшарлари-ла,  
Онт ичаман, кўк-ла, дўзах-ла,  
Ер санами сан-ла ва ҳақ-ла,  
Сенинг сўнгги бир нигоҳингу  
Энг биринчи ёшинг, оҳингу  
Лабларингнинг гул дамлари-ла,  
Ипак сочинг бурамлари-ла,  
Онт ичаман, айш-ла, кулфат-ла,  
Онт ичаман, бор муҳаббат-ла,  
Эски ўчдан тамом воз кечдим.  
Кечдим мағурур ўйлар бағридан.  
Бундан бу ёқ макрим заҳридан  
Йўлдан озиб қийналмас ҳеч ким!  
Энди осмон билан келишмоқ,  
Севмоқ сифинмоқни истайман.  
Энди эзгуликка эришмоқ,  
Унга инонмоқни истайман.  
Энди бутун бу оламдаги  
Қасофати руҳимни қувай  
Кўз ёшим-ла пешонамдаги  
Кўк, бу дунё тинч ва воқифсиз  
Чечаклансин, гулласин менсиз!  
О! Ишонгил: Шу замонгача  
Висолингга етишиб, сени  
Англай олган фақат менгина.  
Оёғингга — ҳокимлигимни,  
Эрку, ишқу то имонгача  
Тўкиб солган фақат менгина.

Ишқингни қиз, ҳадядек букун.  
Мен кутаман, айла ҳамият:  
Бир марҳамат, бир онинг учун  
Қурбон сенга бу абадият.  
Йўлларингда, эй тоза санам,  
Овораман, қалби куюкман,  
Гараздаги каби ишқда ҳам  
Вафодорман, ион, буюкман.  
Фалакларнинг озод ўғлиман,  
Сени кўкка олиб кетаман.  
Бу жаҳонга хоқон этаман,  
Энг биринчи ёрим бўлурсен,  
Уша ердан, эй гўзал пари,  
Гўзаллиги умрсиз бўлган,  
Жиноятга, ўлимга тўлган,  
На севгида ва на нафратда  
Бетаҳлика яшолмайдиган  
Ўз нафсидан ошолмайдиган,  
Майда эҳтирос-ла — ғафлатда  
Қолганларнинг макони — ерга,  
Разолат-у, ғам кони — ерга  
Қизғанмасдан назар соларсан,  
Нафрат билан ўйга толарсан.  
Билмайсанми ҳалига довур  
Одамларнинг ишқи нелигин?  
Қон мавжидир, билмасанг — билгин,  
Лекин, кунлар ўтар, қон совур,  
Эй гўзал ёр, жавоб бер менга,  
Айрилиққа, кўз ёшларингга,  
Янги чирой, алдашларингга,  
Хаёлларнинг хоҳиш эркига,  
Ҳорғинликка, хафаликка ким —  
Жиндек қарши туралар? — Ҳеч ким!  
Йўқ! Сен учун, эй севимли ёр,  
Тор доира ичра лолу зор  
Кундош дағалликка қул бўлиб,

Қайғу билан ҳасратга тўлиб,  
Юраксиз ва совуқ инсонлар,  
Муғамбир дўст, ёвуз душманлар,  
Самарасиз тилак, қўрқувлар  
Бўш ва оғир меҳнат, қайғулар  
Орасида гулдай сўлишни,  
Бекорларга хароб бўлишни  
Тақдир азал ёзмаган асло,  
Бундай лаҳад қазмаган асло.  
Баланд девор остида ғамгин,  
Одамлардан, худодан нари  
Ибодат-ла ахтариб таскин,  
Беэҳтирос сўнмайсан қари.  
Йўқ! Йўқ! Сени ажойиб хилқат,  
Бошқа олам, бошқа бир қисмат,  
Бошқа азоб, бошқа ҳаяжон —  
Кутмакдадир, сен менга ион.  
Ташла, эски орзуларни сен:  
Унут унинг ҳар нарсасини,  
Эвазига очиб берай мен  
Мағрур идрок дарвозасини,  
Менга тобе руҳларни бутун,  
Оёғингга чўктирайин тиз,  
Сеҳр тўла малаклардан қиз,  
Жориялар берай сен учун.  
Сенга аatab Шарқ Юлдузидан  
Олтин жиға узиб берайин,  
Шабнам териб гуллар юзидан  
У жигага тизиб берайин.  
Кун ботишнинг лаъли нуридан  
Бўйларингга ленталар ўрай.  
Атрофингда ҳаволарни ман  
Хущбўй нафис билан тўлдирай,  
Қулогингни ажиб куй билан  
Сира тинмай эркалатай мен,  
Фирузадан, каҳраболардан

Кошоналар' тайёрлатай мен,  
Денгизларнинг тубларин қучай,  
Булутлардан баландга учай,  
Ер неъматин сенга тутай қиз,  
Фармонингга йиғлаб чўкай тиз,  
Севгин мени!..

## XI

Ва у оҳиста  
Ўтдай ёнган лаблари билан  
Қизнинг худди хандони писта  
Лабларига ёпишди бирдан.  
Қиз ялинди. Ёлғон сўз билан  
Аллади у, ишонтириди у;  
Ёниб турган кучли кўз билан  
Тикка боқди ва ёндириди у.  
Ханжар каби қоп-қора тунда  
Ҳеч давосиз чақнади шунда.  
Ҳайҳот! Ҳайҳот! Ёвуз рӯҳ яна  
Яна бир йўл қурди тантана!  
Қиз кўксига унинг бўсаси  
Ҳайҳот! Ўлим заҳарин қўйди.  
Қизнинг дод деб чинқирган саси  
Тун тинчлигин ташвишга қўйди.  
У товушда муҳаббат, азоб  
Ёлворишу гина, изтироб,  
Ёш умр-ла алвидолашиш,  
Оlam билан сўнг жудолашиш —  
Ўлим деган хабар бор эди,  
Бу энг сўнгги оҳу зор эди.

## XII

Шу вақтда тун қоровули  
Тақиллатиб шақилдоғини,  
Ҳар ён тутиб динг қулоғини

Одат қилган ҳар куни йўли —  
Тикка девор айланасида  
Ёлғиз кезиб юрар эди тек.  
Бирдан чўчиб, шарпа сезгандек  
Қиз ойнасин шунда пастида  
Ҳайрон бўлиб тўхтади қолди,  
Атрофига тинч қулоқ солди,  
Боқар экан у жимжит тунга  
Икки лабнинг чўлп-чўлп бўсаси,  
Заифона қийқириқ саси  
Эшитилгандай туюлди унга,  
Чол чўчиди, дили увшди,  
Юрагига кир шубҳа тушди.  
Лекин тинди ҳаммаси шу чоқ,  
Фақат майин шабада йироқ  
Япроқларнинг зорин бу ёққа  
Келтиради узоқ ерлардан.  
Тоғ дарёси қора қирғоққа  
Сўйлар эди ўтмиш сирлардан.  
Ваҳим босди, у чол қўрқарди,  
Ичдан алланелар ўқирди.  
Евуз руҳни, қора арвоҳни,  
Хаёллардан қувиб ташлай деб,  
Ўйларидан ёмон гуноҳни  
Дуолар-ла ювиб ташлай деб,  
Дир-дир титраб ўнг қўли билан  
Чўқиниб у илтижо этди,  
Индамасдан, ўз йўли билан  
Шошилганча тез юриб кетди.

### XIII

Ухлоқ пари каби беозор,  
Тобутида ётар эди қиз,  
Оппоқ юзи, у гулдай узор,  
Кафандан ҳам оқ эди... Эсиз,

Юмилишди киприги мангу...  
Лекин киприк остидаги у  
Мудраб ётган кўзлар уйғоқ деб  
Ё ўпиш, ё кунга илҳақ, деб  
Ким ўйламас эди боққандা,  
Жигари ёш бўлиб оққандা?  
Аммоки, у кўзларга қуёш  
Олтин нурни қуярди бекор,  
Йиғлаб ўпид қавму қариндош,  
Дил-дилидан қуярди бекор,  
Йўқ! Қаттиқдир ўлимнинг дасти,  
Уни ҳеч ким бузолмас асти!

## XIV

Тамарани хуррам кунлари  
Байрамда ҳам ҳеч қачон бу хил  
Ясан билан кўрмаганди эл  
Ўсган ерин сарин гуллари  
Эски урф-одат бўйича  
Қиз устинда ҳид сочишарди,  
Ўлик қўлда қолган кўйича  
Гўё ер-ла хайрлашарди.  
Эҳтиросга тўла юзида  
Ўлимдан ҳеч асар йўқ эди.  
Унга боққан киши ўзида  
У тирик деб кўнгли тўқ эди.  
Унда мармар каби ҳам сезги,  
Ҳам ақлдан, ҳисдан бегона,  
Ўлим каби сирли ва ээзи  
Бир чиройдан борди нишона.  
Лабларида ажиб бир кулги  
Қотиб қолмиш эди беозор,  
Диққат билан боққан кўзга у  
Талай ғамдан берарди ахбор:  
У кулгига ҳаётда жудо  
Бўлаётган дилнинг нафрати.

Энг сўнгги ўй, сўнгги нияти  
Ҳамда ерга сассиз алвидо,  
Деган каби бир ҳол бор эди;  
Қайғусига олам тор эди.  
У бурунги ҳаёт кулгиси  
Беҳудага қолдирмиши из,  
Энди уни не қиласарди қиз,  
Ҳоким экан ўлим уйқуси?  
Бир кулгининг бир ўхшали бор.  
Кеч тушганда, қуёш ботганда,  
Денгизда зар эриб ўтганда,  
Қазбек узра кумуш каби қор  
Бирпас асраб шафақ нурини  
Йилтиллайди узоқдан қиё,  
Аммо ярим жонли бу зиё  
Еритмайди кимса йўлини!..

## XV

Қўни-қўшни, қавм-қариндош  
Фамли сафар учун йифилган,  
Қўкси қисиб, дами тиқилган  
Қари Гудал кўзларида ёш,  
Фарёд қилиб йиғлаб, зору зор,  
Сочларини юлиб, сўнгги бор  
Оқ отига минди, қўзғалди —  
Барча мозор сари йўл олди.  
Йўл олисдир, тинмай бирма-бир  
Уч кеча-уч кундуз чўзилар.  
Боболарин ёнида улар  
Тамарага қазмишлар қабр.  
Қишлоқларни ўт қўйиб босган,  
Фарилларни талаган, осган  
Гудалнинг бир ўтмиш авлоди  
Қўкка чиқиб фифони — доди  
Қасал бўлиб ётиб қолганда,

Гуноҳларга ботиб қолганда  
Айбларини ювмоқ қасдида  
Фақат бўрон ўйнаган, учган,  
Қарчигайлар зирвасин қучган  
Қоя узра, булут пастида  
Уруғига айлаб нишона  
Солмоқ бўлган эди бутхона,  
Тезда Қазбек қорлари аро  
Бир калисо ясалди танҳо  
Суяклари унда бўлди жо,  
Ўша баланд қоя сал ўтмай  
Гўристонга айланди базўр,  
Кўкка қанча яқин бўлса гўр,  
Гўё бир оз иссиқ бўлгандай?  
Одамлардан нарида ҳар дам  
Гўё сўнгги уйқу бузилмас...  
Бекор! Ўтган севинч, ўтган ғам  
Ўлганларнинг тушига кирмас...

## XVI

Бир фаришта мовий самодан  
Олтин қанот қоқиб ўтарди,  
Ул гуноҳкор жонни дунёдан  
Қучогида олиб кетарди.  
У юпатиб гуноҳ қизини  
Шубҳаларин қуварди ундан.  
Гуноҳ билан азоб изини  
Кўз ёши-ла юварди ундан:  
Жаннат саси олисроқ ердан  
Эштиларкан уларга, бирдан  
Уларнинг ҳур йўлларин кесиб,  
Худди кучли шамолдек эсиб  
Дўзахи руҳ гувиллаб учди,  
Қуюн каби самони қучди.  
У довулдек кучли эди-ю,  
Чақмоқ каби ялтирас эди,

Ғуурланиб тентакларча у:  
«Қиз меники! Йўқол сен!»— деди.  
Тамаранинг гуноҳкор жони,  
Ваҳм билан тўлиб ҳар ёни  
Фариштага ўзини урди.  
Дуо ўқиб қалтираб турди  
Қелажакнинг тақдири шу чоқ  
Ҳал бўларди: чунки у тағин  
Ғазаб билан солиб қовоғин  
Қиз олдидা ёймишди қучоқ,  
Аммо уни, эй парвардигор,  
Шу чоқда ким таний олурди?  
Қандай ғазаб билан у ғаддор  
Аччиғланиб назар солурди.  
Тўлмиш эди буткул сўнғги йўқ  
Душманликнинг ўлим заҳри-ла  
Юзларидан гўрга хос совуқ  
Ёғар эди ёвузлик, ҳийла,  
«Кет шубҳалар, қора рӯҳи, кет!»—  
Деди осмон элчиси унга:  
«Кет, эй беор, чекил, эй безбет,  
Энди сенинг ҳаддинг йўқ бунға!  
Етар шунча тантана қурдинг,  
Етар шунча сен йўлдан урдинг,  
Энди ҳукм соати етди,  
Парвардигор қатъий амр этди!  
Утди унга синов кунлари,  
Утди унга азоб тунлари,  
Ернинг фоний кийими билан  
Шар занжири ечилди ундан.  
Билгил! Уни кўпдан кутардик,  
Қўпдан унга биз кўз тутардик,  
У шундайин руҳлардандики,  
Улар учун ҳаёт — бир' дамдир,  
Бетасалли, бир онли ғамдир,  
У шундайин руҳлардандики,

Раб уларнинг жонли торини  
Яратмишdir сарфлаб борини,  
Улар асли дунё учунмас,  
Ва дунё ҳам улар учунмас!  
Қаттиқ баҳо билан сермеҳнат  
Шубҳаларин ювди у бутун.  
У қийналди, севди. У учун  
Энди ишққа очилди жаннат!»  
Ёвуз руҳга хўмрайиб, боқиб,  
Ул фаришта кенг нафас олди,  
Севинч билан қанотин қоқиб,  
Кўк денгизи ичра йўқолди.  
Мағлуб бўлган иблис шу замон  
Тентакхона тилакларини,  
Орзулару истакларини —  
Ҳаммасини қарғаб беомон  
Яна мағрур, бир ўзи якка  
Бурунгидек, беишқ, бепакка  
Мулзам бўлиб, қайғуга толди,  
Бу жаҳонда тентираб қолди!  
Ҳалигача тоғ ёнбағрида  
Қойишаур водийси узра  
Қуюқ булут, туман бағрида  
Узоқлардан кўриниб хира  
Ғамгин назар ташлаб тўрт томон  
У хароба туради ҳамон.  
Ўша ҳақда болалар учун,  
Ҳикоялар сақламиш кучин...  
Рўё каби у тилсиз ҳайкал,  
У сеҳрлик кунжалар гувоҳи,  
Қоп-қорайиб кўринар сал-пал  
Дараҳтларнинг ичидан гоҳи,  
Пастда овул чечак отади;  
Ер ям-яшил гуллаб ётади,  
Гувиллаган товушлар пастда.  
Тоғдан тоққа урилар аста,

Пастда майин шабада елар,  
Узоқлардан карвонлар келар,  
Кўпикланиб, ярқираб ирмоқ,  
Қуий тушмай, сакрайди ҳар ёқ,  
Бегам бола каби табиат,  
Ҳамиша ёш; шўх ҳаёт билан  
Қуёш, баҳор, наботот билан  
Кўнгил очиб, ўйнар ҳар соат...  
Бир замоцлар навбати билан  
Ўз даврини кечирган сарой,  
Худди дўсту оиласидан  
Жудо бўлган, айрилган гадой,  
Ранги ўчган, ғамгин боқади,  
Кўнгилларни ўтда ёқади,  
Унинг янги яшовчилари  
Ой чиқишин кутиб туралар;  
Бу уларнинг ҳур байрамлари,  
Чирқиллашиб, ўйнаб юралар,  
Янги роҳиб, қари ўргимчак  
Уя тўқир сайрашиб чик-чик.  
Зангори, кўк калтакесаклар  
Майда тошлар ҳамда кесаклар  
Орасида чиқишиб шомда,  
Гизгизлашиб ўйнашар томда,  
Астагина инидан илон  
Зинапоя устига чиқар;  
Гоҳ кулажак бўлиб бир замон  
Калласини пинжига тиқар;  
Гоҳ узайиб, ўтган замонда  
Катта уруш пайти майдонда  
Эсдан чиқиб қолган қиличдек  
Қимирламай ётиб олар тек...  
Бари ваҳшат; ўтган йиллардан  
Ҳеч бир ерда из йўқдир беном:  
Асрларнинг қўли булардан  
Секин-секин ўчирмиш тамом.

Тили йўқдир, сўзлай олмайди,  
Ҳеч нарсани эслатолмайди,  
На шуҳрати Гудал отидан,  
На севикли қизи зотидан.  
Аммо улар кўмилган мозор?  
Зирвадаги бутхона омон.  
Оллоҳ паноҳида беозор,  
Булут ичра кўринар ҳамон,  
Эшигига қоровул бўлиб,  
Бошдан-оёқ қорга кўмилиб,  
Темир совут ўрнига мангур  
Муз кийиниб қотиб турган у  
Сақлагувчи гранит тошлар  
Атрофига совуқ кўз ташлар...  
Кўчай деган кўчиклар мудраб,  
Совуқ уриб, музлашиб, титраб  
Тўрт атрофда шалолалардек  
Осилишиб турадилар тек!  
Бўрон соқчи бўлиб юради,  
Деворларнинг чангин суради,  
Кўшиқ айтиб бақирар гоҳо,  
Соқчиларни чақирар гоҳо.  
Бир ажойиб калисо бор деб,  
Қавказ тоғларида турар деб,  
Оқ булутлар шарқдан елишар:  
Сажда қилмоқ учун келишар,  
Аммо кўпдан бу гўрлар узра  
Ҳеч ким келиб йиғламас сира.  
Тунд Қазбекнинг баланд қояси  
У ўлжани сақлар, кўз узмас.  
Одамларнинг мангур ўласи  
Уларнинг тинч уйқусин бузмас.

## ОТАШНАФАС ШОИР

Усмон Носирнинг ижод майдонига кириб келиши худди майдонда зўрлигини кўрсатиб танилган ва ҳаммани ҳайратда қолдирган паҳлавонни майдонга кириб келишига ўхшар эди. Ҳа, у ижод майдонига ёшгина ва тез кириб келди-ю, кичкина жуссаси билан жуда катта юк кўтарди. Қисқа муддат 6—7 йил ичида бешта шеърлар тўплами «Қуёш билан суҳбат» (1932), «Сафарбар сатрлар» (1933), «Тракторобод» (1934), «Юрак» (1935), «Меҳрим» (1936) ва уч достон «Норбўта», «Нахшон», «Шоир» ҳамда тўрт драма «Атлас», «Зафар», «Сўнгги кун», «Душман» асарларини яратди.

Бадиий таржима соҳасида Н. А. Добролюбовнинг «Ҳақиқий кун қачон келади?» В. И. Киршоннинг «Улуғ кун» драмасини, А. С. Пушкиннинг «Боқчасарой фон-тания», М. Ю. Лермонтовнинг «Иблис» йифмаларини, яна Пушкин, Лермонтов, Гёте, Байрон ва бошқа классик шоирларнинг бир қанча шеърларини ўзбек тилига таржима қилди.

Усмон Носир ўзбек шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллади ва ўзидан кейинги ёш ижодкор авлодларга байроқдор бўлди. Унинг бу байроқдорлиги ижодининг мафтункорлигида эди. Усмон Носир асарларини катта авлод ҳам, ўрта авлод ҳам, ёш авлод ҳам ҳамиша кузатиб борар ва интиқлик билан ўқишига шошилар эди. Унинг шеърлари оғиздан-оғизга ўтиб борди. Ҳозиргacha шоирлар ва муҳлислар унинг шеърларини ёддан ўқийдилар.

Усмон Носирнинг таржимаи ҳолини ёритишда баъзи чалкаш фикрлар мавжуд. Бу фикрларга аниқлик ки-

ритиш ўчун бу ҳақда мұфассалроқ маълумот беришга тұғри келади.

Усмон Носир 1912 йил 13 ноябрда Наманган шаҳрининг «Чуқур күча» даҳасида косиб мулла Маматхұжа Мұхаммадхұжа ўғли оиласида туғилди. Усмон икки ёшлигіда отаси вафот этади. Онаси Холамбиби ҳам илмли, заводли аёл бўлгани учун Усмоннинг тарбиясига катта аҳамият билан қараб, ўғлига китоблар ўқиб берар, эртаклар айтиб уни завқлантиради. Шунга ўрганган Усмон кейинчалик ҳам доим онасини эртак айтишга ва китоб ўқиб беришга мажбур қиласр эди. Усмоннинг адабиётта ҳавас қўйиншига аввало онаси сабабчи бўлган.

1916 йилнинг охирлари 1917 йилнинг бошларида Холамбиби Наманган пахта заводининг ишчиси Носирхұжа Масодиқовга турмушга чиқади. Тез орада инқи lob ишларига аралашган Носир Масодиқов Қўқонда жойлашган штабга чақириллади. Шу сабабдан оила Қўқон шаҳрига кўчиб келади. Қўқонда Холамбиби яна уч фарзанд — уч қиз кўради: Равзахон, Роҳатхон, Иnobатхон. У сингилларини жуда яхши кўриб, ардоқларди. Айниқса, онасини қадрлар, ёши улғайгандага ҳам худди гўдаклардек унинг бағрида эркаланиб яйради. Усмон дастлаб бошланғич мактабда ўқиди. Ундаги ўқишига бўлган интилишни кўрган қариндошлари Усмонни «Дорилшафақа» деб аталган Қўқондаги З-интернатга ўқишига олиб бордилар. (Уша йиллари партия ва ҳукуматимиз болалар тарбиясига ғамхўрлик қилиб ётиб ўқийдиган мактаб-интернатлар ташкил қилган эди.)

Шу интернатда тарбияланган кўпчилик болалар келажакда таниқли кишилар бўлиб етишди. Узбекистон Фанлар Академиясининг собиқ президенти, академик Убай Орипов, академик Жўра Сайдов, Тожикистон ССР Министрлар Советининг собиқ раиси Абдулаҳад Қаҳҳоров, СССР ҳалқ артисти Ҳалима Носирова, таниқли ёзувчилар Абдулла Қаҳҳор, шоирлар Ҳасан Пўлат,

**Амин Үмарий, Темир Фаттоҳ ва бошқалар шулар жумласидандир.**

Усмон бошланғич мактабда ҳам, интернатда ҳам яхши ўқирди. У зийраклиги, илмга интиқлиги ва интилувчанлиги туфайли тарбиячи-ўқитувчиларнинг ҳам эътиборини ўзига тортган эди. Интернатда ўзбек, шарқ, рус ва ғарб адабиётлари ўқитиларди. Усмон бу дарсларни мароқ билан тинглар ва ёзувчилар асарларини тинмай мутолаа қилди. Усмонда адабиётга бўлган қизиқиш борган сари кучайиб, ўзи ҳам ижод қилишга киришди. Шеърлар, ҳикоялар ёзди. У интернатдан Ибосқич деб аталган тўлиқ ўрта мактабга кўчди. Бу мактабда ўқиган йиллари ижодда ҳам, жамоат ишларида ҳам янада активлашди. У 1927 йилда комсомол сафига кирди. Шу мактабга тез-тез келиб ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашиб турадиган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга ўқитувчилар Усмонни «Талантли ёш шоиримиз», деб танишитирдилар. Ҳамза Ҳакимзода Усмон шеърларини ўқиб, севиниб уни рағбатлантириди.

Усмон 1929 йилда ўрта мактабни битириб шу мактабни битирувчилар билан Ленинградга экспурсияга борди, у ердан катта таассурот олиб қайтди. У Қўқонда очилган педкурсда ўқитувчи ва илмий мудир бўлиб ишлади. 1930 йилда Усмон Темур Фаттоҳ билан Москвага бориб кинематография институтининг сценарий факультетига кириб ўқиди. Лекин у ерда касал бўлиб Қўқонга қайтди ва яна ўқитувчилик қилиб 1932 йилда Самарқанддаги педакадемия (ҳозирги Сам Ду)нинг тиладабиёт факультетига кириб ўқиди. Университетда таълим олиб юрган йиллари устоз шоир сифатида ёш қаламкашлар Адҳам Ҳамдам, Назармат, Насрулло Даврон, Норчучук, Сайд Назар, шу сатрларнинг муаллифи ва бошқаларга ижодий ёрдам бериб турди.

Усмон Носир Совет Иттифоқи бўйлаб сафар қилиб турар эди. Узоқ Шимол, Кавказ, Арманистон, Озар-

байжон бўйлаб қилган сафарларидан олган таассурот-лари бадиий асарларга айланди.

Усмон Носир ҳақиқатгўй, ўз фикрига содиқ ва шу йўлда жуда ўжар ҳам эди. (У университетда обрўли бир ўқитувчи билан қаттиқ хафалашиб қолди. У ўқитувчи кўп ўтмай қамалди.) Шу туфайли Усмон университетнинг охирги курсини ташлаб, 1935 йилда Тошкентга келди. У «Ёш Ленинчи» газетаси редакциясида ишлади ва Тошкентдаги адабий муҳитдаги ижодий ишларда актив қатнаша бошлайди. Узбекистон Ёзувчилар союзида Усмон Носир ижодининг 10 йиллигига бағишиланган ижодий кечак ўтказилди. 1937 йилда Москвада бўлган ўзбек санъати ва адабиёти ўн кунлигига ҳам Усмон Носир қатнашди ва ўша кунларда СССР Ёзувчилар союзининг А. С. Пушкинга бағишиланган IV пленумида бир гурӯҳ атоқли ўзбек ёзувчилари билан бирга иштирок этди.

Усмон Носирнинг бу ёруғ ҳаётдан, адабий муҳитдан, ижоддан айрилиб қолиш сабабини эслайдиган бўлсақ, 1937 йилларда юз берган салбий воқеаларга ва Усмон ижоди ҳақида чалкаш, нотўғри фикрларга дуч келамиз. 1936 йилда ёзувчилар йиғилишида Акмал Икромов «Усмон Носир ўзбек халқининг Пушкини, ўзбек адабиётининг ёрқин юлдузи», деб мақтаганлиги учун Икромов қоралангандан сўнг Усмон Носир ҳам орадан кетган эди. Усмон ижодидан иллатлар қидирилди. Лекин улар қидирган ғоявий нуқсонлар топилмади. уни қоралаш учун баъзи иғвогарларнинг оғзаки ёлғон-яшириқ гапларини ва Усмоннинг «Яна шеъримга» деган шеъридаги:

Бутун умрим сенинг бўйнингда  
Саҳарда қон тупурсам майли.  
Мен Мажнунман, шеърим сен Лайли

деган сатрларни рўкач қилиб «Нега совет шоири қон тупуриши керак экан», деб, шоирга ғоявий айб қўйил-

ди. Шеърнинг маъносига эътибор берилмади. Шеърда шоир ўз шеърига—ижодига бўлган ишқини билдириб, сен учун сил бўлиб қон тупурсам ҳам майли, сен учун мен Мажнунман, сен Лайли, дейди. Шоир ижодидан топилган сиёсий хато, айб шу эди!..

Усмон Носир ҳақидаги иккинчи чалкаш, хато фикр Усмоннинг ўгай отаси ҳақидаги гаплардир. Усмон Носирнинг таржимаи ҳолини ёритишда адабиётшунос А. Ражабий нотўғри фикрлар юритган. У Усмон Носир ҳақидаги диссертациясида Усмоннинг ўгай отаси Носир Масодиқовни савдогар ва золим ота бўлган, деб таърифлайди. Усмон ўгай бўлганлиги учун ота уни уйига сифтирумай интернатга берган, деб отани асоссиз айблайди. Ваҳоланки, Усмонни интернатга берган ота эмас, ўқимишли, илмли бўлган амакиси Ибоджон Масодиқов, иккинчидан, Носир Масодиқов ҳеч қачон савдогар бўлмаган. У ҳамиша давлат ишида бўлган ва Усмонга ғамхўрлик қилиб келган. Бу ҳақда Усмоннинг ўзи: «Отанам менга қанчалик меҳр билан қараган бўлса, мен уларга шунчалик меҳрибон эдим», деган эди. Шунинг учун ҳам Усмон ўгай ота номига ўтиб Усмон Носиров (Усмон Носир) бўлган.

Ражабий ўгай отани айблаш учун яна бир факт сифатида Усмоннинг «Қаро сатрлар» шеърини келтиради. Бу шеър Усмоннинг ўзи ҳақида эмас, интернатдаги бир етим бола ҳақида ёзилган эди. Бу шеърда, отасиз қолиб, етимча деб туртки егани, дарбадар бўлиб охири интернат бағрига кириб қувноқ яшаганини ва инқилоб даврида акаси инқилоб қурбони бўлганини эслайди. Усмоннинг акаси бўлмаган. Шундан ҳам маълумки, бу шеър Усмоннинг ўзи ҳақида эмас эди.

Эй, бу майли. Яна эсимда  
Кўчаларда оққан дарё қон.  
Мен билмайман, аммо тушимда  
Шунда акамни кўрдим қурбон.

«Кетдим», деган, қайтиб келмаган,  
Зулмга сабри чидалмаган.  
Йигит эди, сўзлар эди рост.  
Фақат шуни биламан холос,

дейди шоир етим боланинг тилидан.

Усмон Носир ота-онаси ва сингилларини 1936 йили Кўқондан Тошкентга кўчириб олиб келади. 1937 йилда оиласдан узоқлашиб, жудоликда юрган йиллари эса синглиси Равзахон қаттиқ касал бўлиб вафот этди. Ўғил, қизни йўқотиб жудолик дарди билан яшаган она ҳам 1957 йилда вафот этди. Усмон синглиси Равзахонга бағишлаб «Сенга, синглим» деган шеър ҳам ёзган эди. Ҳозир икки синглиси Роҳатхон ва Иnobатхонлар кўп фарзандли бўлиб яшамоқдалар.

Усмон Носир уйланишга улгурмади. Ундан оила ва фарзанд қолмади. Шоирнинг отаси Носир Масодиқов умр бўйи давлат ишида хизмат қилиб келган. У гражданлар уруши даврида ички ишлар бўлимида хизмат қилиб, босмачиларга қарши курашган. Кейинчалик у Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг боғида директор ўринбосари, Шредер номидаги боғдорчилик институтида директор ўринбосари, сўнгги йилларда, 90 ёшида ҳам Сирдарёдаги қамиш заводида директор бўлиб ишлаб келди. У республика миқёсидаги шахсий пенсионер бўлиб, 1975 йили 103 ёшда вафот этди.

Усмон Носир 1944 йил 23 марта Кемерово облас-тининг Маринск шаҳри яқинидаги Суслово қишлоғида оғир касаллик билан 32 ёшида вафот этди.

\* \* \*

Усмон Носир... Бу ном 20-йилларнинг охирида қулоққа иссиққина чалиниб, 30-йиллар бошида қулоқдан тилларга ва дилларга кўчди. Усмон—асарларини китобхонлар, қаламкашлар интиқлик билан кутадиган

шоирга айланди. Уни баъзилар «Туғма шоир» десалар, баъзилар «Табиатан шоир», дер эдилар. Бу йилларда Усмон Носир 20—21 ёшларда, ҳали табиатан бола эди. «Бола бошидан» дегандек ўтмишда ва ҳозирги замондаги машҳур кишиларнинг ёшлиги шундай ажабланарли ва ибратли ўтган. Уларнинг талант ва лаёқати ёшлигидан намоён бўлган. Улуғ доҳиймиз В. И. Лениннинг ёшлигини эслайлик. Навоий, Бобур, Пушкин, Горькийларнинг ёшлиги-чи? Улар ёшлигиданоқ катталар билан тенг ақлга, фаросатга, мушоҳадага, билимга эга бўлганлар. Улар жуда кўп нарсани билганлар ва жуда кўп ишлар қилганлар. Булар ҳаммаси қизиқиш, интилиш, билиш ва ижодий меҳнат самараси эди.

Усмон Носир ҳам мана шундай интилиш натижасида ижодда болаликдан танилди. Танилганда ҳам зўр талант бўлиб танилди. Бу танилишда шоирнинг табиатан шоирлиги, ижод сирини яхши билганлиги намоён бўлди. Усмон ўзи айтгандек «Гейне билан ўртоқ тутинган, Лермонтовдан кўмак ўтинган» шоир, рус ва жаҳон шеъриятининг мафтункор фазилатларини ижодий талқин қилиш билан мустақил овозга ва ўхшаши йўқ услубига эга бўлди.

\* \* \*

Усмон Носир ижоди икки поғонада кўринди. Биринчи поғона шоирнинг адабиётга кириб келиш даври, 20-йиллар охиридаги ижоди эди. Бу бошланғич ижодидаёқ шоир давр билан ҳамнафас бўлиб, ўша йилларнинг ижтимоий воқеалари ҳақида тўлиб-тошиб шеърлар ёзди. Лекин бу шеърларда риторика ва воқеаларни публицистик ифодалаш кучли эди. Шунга кўра бу шеърлар шиор ва чақириқ характеристида бўлиб, бадиий жилвасизроқ кўринди. Лекин шундай бўлса ҳам уларда шоирнинг илиқ нафаси гупуриб турар эди.

Усмон Носир ижодида Ватан, халқ, доҳий Ленин ва партия мавзулари етакчилик қилди. «Дилимдадир мангуга бутун», «Ленин саганасига», «Ҳақиқат қалами», «Қишлоқ», «Пахтакор», «Терим зарборлари», «Душман», «Бодом гуллаган кечаси», «Хотин» каби шеърлар шоирнинг дастлабки ижод намуналаридан эди.

Усмон Носирнинг шеърларида доҳий Ленин мавзуи жуда эрта, шоир ижодининг бошланишидаёқ ёритилган эди. Ёш шоир Ленин вафоти ҳақида «Дилимдадир мангуга бутун» деган таъсири шеърини ёзи.

Шундан кейингина мен англадим  
Ўлим борлигини дунёда.  
Шундан кейин ҳар куни уни кўрдим,  
Юрагимда, ерда, ҳавода.  
Ленин учун туғилиш куни бор-у,  
Аммо ўлим куни йўқлигини.  
Шундан бери дилимга ўт туташган  
Хаёлимда ҳамон ўша кун.  
Мен Ленинни дилимга кўмганман  
Дилимдадир мангуга бутун.

Бу шеър инсоният доҳийси В. И. Ленинга бўлган ёш шоирнинг эътиқоди, меҳри, доҳий ҳақидаги тушун-часининг ифодаси эди. Шоир 1929 йилда Москвага бориб, Ленин мақбарасини кўргач, «Ленин мақбарасида» деган яна бир шеърини ёзган эди. Усмон Носир бу мавзудаги ижодини давом эттириб, 30-йилларда «Лениннома» поэмасини ёзи. Лекин бу поэманинг кириш қисми «1870» сарлавҳа билан шоир тўпламида эълон қилинди. Поэма бутун ҳолда топилмади.

«Ҳақиқат қалами» шеърида шоир 20-йилларда ҳам совет тузумига, янгича ҳаётга қарши ҳаракат қилувчи душманларни фош этаётган мухбирларни олқишлиайди.

Ҳақиқатни ёзасан,  
Борлиқни сен кезасан.  
Золим кўнглини эзасан  
Эркин йўлни чизасан.

\* \* \*

Усмон Носир ижодининг иккинчи погонаси 30-йилларнинг биринчи ярмида кўринди. Маълумки, 30-йиллар ҳамма соҳадаги ишларимизнинг тараққиёт даври бўлган эди. Бу йилларда партия-ҳукуматимиз тузган беш йиллик планларнинг дастлабки уч беш йиллиги муддатдан олдин—ўн йилда бажарилди. Янги давр, янги ҳаёт, янгича меҳнат завқи ёзувчиларни ижодда шошибириб қўйди. Улар зўр илҳом билан ижод қилдилар ва ўз асарлари билан халқнинг кўнглига кирдилар. Бу даврда ўзбек адабиётида шеърият етакчи, байроқдор бўлди. Бу жанрнинг дастлабки вакиллари қаторига Султон Жўра, Амин Умариј, Ҳасан Пўлат, Зафар Диёр, Эргаш, Зулфия каби талантли шоирлар келиб қўшилдилар. Шулар орасида ўзига хос ижодий услуб, ўзига хос овоз ва сермаҳсул ижоди билан шоир Усмон Носир ҳам кўринди.

Усмон Носир лирик шоир эди. Бу янги янгроқ лирика ўзбек совет шеъриятидаги лирик оҳангга янада жозиба бахш этди. Шоир лирикасидаги хусусиятлар шеъриятда лириканинг янги тури, лирикада бадиий соддалик ва жозибадорликнинг энг яхши намунаси бўлиб қолди. Усмон лирикасидаги асосий хислатлардан яна бири — унда ҳиссиёт зўр эди. Шоир шу қайноқ ҳиссиёт билан ўз таассуротини юрак орқали баён қиласар эди. Юракка мурожаат қилиши, юрак орқали ижод қилиши туфайли у юрак шоирни бўлиб танилди.

Юрак, сенсан менинг созим,  
Тилимни найга жўр этдинг.

Кўзимга ойни беркитдинг,

Юрак, сенсан ишқбозим.

Шоир ўз шеърларининг сози юрак эжанлигини, шу соз билан тили—овози ёқимли овоз бўлган найга жўр бўлганлигини айтади.

Усмон Носир лириканинг ҳамма турда: сиёсий лирикада ҳам, гражданлик лирикасида ҳам, интим лирикада ҳам ноёб намуналар яратди. Унинг барча турдаги лирикасида коммунистик ғоявийлик, халқчиллик етакчи тенденция бўлди. Шоир инсон баҳтини ҳаётда, ишда, курашда деб билди. Шунинг учун ҳам у ўзини ёш авлод сифатида ҳаётга, меҳнатга, курашга сафарбар қилди.

Мен комсомол,  
Менга баҳт турмушдандир,  
Ишдандир.  
Жавлон этишим курашдандир.  
Мен севаман турмушни  
Ишни,  
курашни.

Яна шоир дейди:

Мен оддий ёш эмас,  
Лекин оддийликдан воз кечган--  
Мешкан: танноз ҳам эмас,  
Мен «ким» қизил аскар,  
Кўкрагимда Ленин значоги,  
Қалбимда «Қапитал» билан, партия.

Шоирнинг дастлабки давр ижодидаёқ ғоявийлик, замонавийлик, тематик актуаллик, ранг-бараңглик мавжуд эди. Шу билан бирга у илк ижодидаёқ ўз ғоявий позициясини аниқ белгилаб олган эди.

Кеч туғилдим, аммо  
Қола олмадим,  
Икки бўлак йўлнинг  
Аросатида  
Ҳар бир сўзим синфий,  
фалсафий, фард  
Синфий онг ётади  
Фаросатимда.

(«Мен ҳам бораман»)

Шоир шеърларида мана шу ғоялар кейинчалик риторик тусдан қутулиб, чиройли бадиий либосда кўрина борди.

Усмон Носир ўз ижодини, ўз шеърини:

Сен юрагимнинг чашма сувисан,  
Сен кўзларимнинг гавҳар нурлари  
Сенинг баҳонгни ким сўраса де,  
«Баҳом — умринг баҳосига тенг...»

(«Шеърим»)

деб баҳолаган йилдан бошлаб шоир ижодининг янги даври, янги оқими, янги тўлқини, янги оҳанги бошланди. Бу тошқин, бу оҳанг шоир ижодининг янги камолот босқичи эди. Бу босқичда у фалсафий фикрлашни, теран мушоҳадани, воқеликни лирик тасаввур қилишни ўрганди. Бу хусусиятни ўз шеърларига бадиий содда ифодаларда сингирди. Унинг лирикаси сиёsat, ижтимоий турмуш, нозик туйғу ва интим кечинмалар билан суғорилди. Булар юрак садоси бўлиб янгради ва меҳр ўти бўлиб оловланди. Шунинг учун ҳам шоир шу йиллардаги шеърий мажмуаларини «Юрак», «Меҳрим» деб номлади. Шу хилда унинг шеъри юрак бўлиб урди, юраги эса шеър бўлиб оқди ва Ватан ишқи билан ёнди,

Итоат эт!  
Агар сендан

Ватан рози эмас бўлса,  
Ерил! Чақмоққа айлан сен,  
Ерил! Майли тамом ўлсам!

(«Юрак»)

Юракка қилинган бу буйруқ, бу ҳукмнома шоир ижодининг ғоявий мундарижаси эди. Унинг дилрабо, майин интим лирикасида ҳам («Икки шеър», «Юрак», «Яна шеъримга», «Монолог», «Гуллар чаман», «Боғим», «Тифлис оқшоми», «Йўлчи», «Насимага деганим»), сиёсий лирикасида ҳам («Қарvon боради», «Нил ва Рим», «1870», «Ёшлиқ», «Исройл») мана шу фикр ҳукмрон эди. Бу шеърлар 30-йиллардаги ўзбек шеъриятининг машҳур намуналари бўлиб қолди. Улар оғиздан-оғизга ўтиб, ҳамманинг ёдида қолган эди. Айниқса катта ва ўрта бўғин шоирлар Усмон Носир китобларидаги шеърларнинг ҳаммасини деярли ёддан ўқишар эди.

Усмон Носирнинг «1870» шеъри «Лениннома» достонининг кириш қисмидир. Буни «1870» деб қўйилиши доҳийнинг туғилган йилини эслатади. Достоннинг бу кириш қисми шоирнинг «Меҳрим» тўпламида берилган. Бу достон 13 минг мисрадан ошиқ бўлиб, шоир репресияга учраганидан кейин йўқолган.

Шоир достоннинг бу кириш қисмida Россиянинг қонли ўтмишини, адолатсизликка қарши кўтарилган исёнларни, Стенька Разин, Пугачевларнинг аянчли тақдирини эслатди.

Волга, Волга — оч руснинг ёши,  
Волга, Волга фифонли дарё.  
Қуёш гўё Разиннинг боши,  
Кенг бағрингда ҳамон мағрур, о...

Унутилмас йилларнинг ёди  
Некрасовни зор-зор йиғлатган

Бурлакларнинг аччиқ фарёди  
Тубларингга тош бўлиб ботган...

О, тили йўқ сарин тошларим  
О, бақрайган совуқ мурдалар  
Қўзғолингиз, оқар ёшларим,  
Юрагимни алам бурдалар.

Ухшатишларга қаранг! Волга дарёсини алам, фифон билан тўкилган қашшоқ рус халқининг кўз ёшига, қуёшни Стенька Разиннинг кесилган бошига, бурлакларнинг фарёдини эса, уларнинг бағрига ботган тошга ўхшатади.

Усмон Носир шеърларининг мавзуи, мазмуни, характеристери ва табиатига қараб адабиётшунос ИброҳимFaфуров Усмон Носирни «Йўлчи», деб атайди. «У ҳар бир шеърида бизга Йўлчи сиймосида гавдаланади. У ўзини Йўлчи деб аташни яхши кўради», дейди. Бу таъбир тўғри, шоир худди саёҳатчи, Йўлчи каби юриб, йўлларда кўрган одамларни, ҳодисаларни ва табиат гўзаллигини шеър орқали суратини олади. Шоир манзили узоқлигини айтаб, йўлда кўрганларига тикилган сари кўнгил дардлари дарёдек оқишини айтади.

Йўлчиман, манзилим дengиздан нари,  
Ложувард уфқнинг тубига яқин.  
Кўнглимда дардларим дарёдан оқин  
Чайқалар, кўзларим тикилган сари,  
о, йўллар!

Йўлчи шоирнинг Кавказ томонларга ҳам йўли тушган эди. Унинг «Тифлис оқшоми», «Чаренц», «Хайр, Севан», «Шафақ — узун қизил лента», «Юр, тоғларга чиқайлик» каби шеърлари кавказ халқлари ва у ерлар табиатидан олинган таассуротлар эди.

Шоир Тифлис оқшоми шеърида у ердаги гўзал табиатни завқ ва лирик ҳаяжон билан таърифлайди.

Юлдузлар ёнар... Гуржи қизларнинг  
Кўзлари каби.  
Арагвадан эсган майин ел ўйнар  
Барглар — асабий...  
Туя мисолида оқ булут сузар.  
Судралиб бари.  
Осмон — каштали чодир... узоқ четлари  
Куррадан нари.

Шоирнинг «Хайр, Севан...» «Яна кўнглимда эрка  
бир шодлик» шеърлари Арманистоннинг мафтункор  
тоғлари-ю, боғлари ва у ерларга ярашиғлик халқнинг  
машғулоти ҳамда гўзал жилвали қизларига бағишли-  
ган. Арманистонни шоир ўз ватанидек ҳис қиласди.

Яна меҳрибон шонли Ватаним,  
Яна гулларга чўмганbekat.  
Яна ўғсан шонли мамлакат,  
Шонли мамлакат, салом Ереван.  
Салом меҳрибон, шонли Ватаним.

Шоирнинг шимолга қилган сафари таассуротлари  
ҳам яхши лирик из қолдирган. «Ёдимдадир узоқ ши-  
мол», «Йўлчи», «Бир ҳодиса хаёлимдан аста кетмайди»,  
«Кораб», «Денгиз ойна каби чирқирап», «Юрганмисиз  
бирга ой билан».

Усмон Носир болалик, ёшлиқ ҳақида ҳам шеърлар  
ёзди. «Эрматжон», «Мен ҳам бораман», «Кечмиш кун-  
ларим», «Қашшоф ваъдаси», «Соҳибанинг тили», «На-  
би», «Оқ ювиб, оқ тараб», «Ёшлиқ», «Болалигимга»,  
«Биринчи хат», «Юксал, оппогим» шеърларида ёшлар-  
нинг ҳаёти, ватанпарварлиги, ғурури, мардлиги ва душ-  
манларга нисбатан бешафқатлигини чиройли ифодалади.

Қўярмидик вайрон  
Қилсин Москвани

Қўярмидик бизнинг  
Қонни тўксин у.

Қўярмидик омон  
Қора, маст ёвни,  
Агар от солдирса  
Чегарамиздан.

Севги — шоир шеърларининг туп-ўзаги эди. У ҳар бир нарсага, Ватанга ҳам, одамларга ҳам, меҳнатга ҳам, гўзал қизларга ҳам бўлган севгини жон дили билан куйлади. Бу куйда юрак садоси ва иидоси эшитилиб турди. Шоир айниқса, севган ёрга бўлган севги фалса-фасини яратди.

Севги! Сенинг ширин тилингдан,  
Ким ўпмаган, ким тишламаган?  
Дардинг ёйдай тилиб кўксидан  
Ким қалбидан қонлар тўкмаган.

Сени яхши биламан, гўзал,  
Петраркани ўқиганим бор.  
Буюк Римнинг сапфоси азал  
Хаёлимни ошиқдай тортар.

Дездемона, гуноҳсиз дилбар  
Жигар қонларингни ичган ким?  
Биламан, Отелло, биламан,  
Отелло ҳақлими? — шоир жим.

Лирик чекиниб дейди шоир:

Жим! Уфқдан ботар қуёшни,  
Шарт кесилган бошга ўхшатдим.  
Парча-парча куйган шафақлар.  
Тирқираган қонни эслатди.

(«Монолог»)

Усмон Носирнинг айниқса, «Истроил», «Карвон боради» каби шеърлари фалсафий лириканинг энг яхши намунаси эди. Бу шеърлар романтик мазмунни, бадиий

таъсирчанлиги билан шеър муҳлисларининг эътиборини тортган эди.

Кўзни юмсам қора кафани  
Соя каби бекон, беҳаёт  
Бир скелет кўринди... Ҳайҳот!  
Тушимми ўнг? Бу қандай сир?  
«Қўрқма шоир! Мен — майиб асир  
Мен одамман, кўзни очмасдан  
Бешигимни тебратди ўлим...  
Ўлим! Ўлим! Хунук зарурат!  
Тур, эй шоир, руҳингни уйғот...  
Қўрқма мендан, босинқирама  
Мен — гулханда ёнган Бруно,  
Мен — Темурнинг қули, шоҳиди.  
Мен — ҳарамда зўрланган бир қиз,  
Мен — кўмирга айланган юлдуз.

(«Исройл»)

Бу ҳаяжонли мисралар Усмон Носирни ва унинг лирик ҳамда романтик тасаввурини эслатади.

Усмон Носир ёрқин лирик полотнолар, достонлар ҳам яратган шоир эди. Унинг «Норбўта» достонида ҳалқининг инқилобдан илгариги ва кейинги ҳаёти Норбўта образи орқали тасвир этилади. Етимликда, бойлар хонадонида хор-зор яшаган Норбўтанинг инқилобдан кейинги янгича ҳаёти, Қизил Армия сафида босмачиларга қарши кураши, колхоз тузумидаги фаолияти ва Сарварой билан ўрталаридағи муҳаббат тасвирланган достон 10 бобдан иборат бўлиб, ҳаётий ва тарихий воқеаларни ўз ичига олган эди. Достондаги воқеа ўша даврлардаги типик воқеа бўлиб, ҳамма ижодкорлар ижодида қайта-қайта ёритилган умумий мавзу эди. Лекин бу мавзуни шоир янги ифодалар билан ёритишга ҳаракат қилган бўлса-да, бу достон шоирнинг дастлабки ижоди даврида ёзилганлиги учун кейинги ижодий маҳоратидаги илиқ руҳ кам учраси эди.

Усмон Носирнинг иккинчи достони «Нахшон» шоирнинг Кавказ ўлкаларига, Ереванга қилган сафари таас-суротлари самараси сифатида ёзилган достондир. Унда арман халқининг ўтмиш тарихий революцион ҳаёти мисолида етим арман қизи Нахшоннинг дарбадарликда кечган аячли ҳаёт йўли тасвирланади.

Бу мавзу ҳам «Норбўта» достонининг мавзуси билан бир хил дейиш мумкин. (Бунинг сабаби тарихий давр учун бу воқеалар типик воқеа сифатида умумлашиб кетган эди: «Бой ила хизматчи» билан «Қутлуғ қон»га ўхшаш.) Лекин бу достон, шоирнинг ижодий етук йиларида ёзилганлиги учун китобхонларни мафтун қилган, шоирга хос лирик услубда эди. Ундаги чиройли тасвирий бўёқлар кўзни, дилни яйратарди.

Достоннинг кириш қисми «Багишлов» деб аталиб, унда шоир гўзал Нахшон билан танишувини ва уни интизорлик билан кутиш онларидаги ҳолатини беради.

Боғларга намозгар салқини тушди  
Гуллар нам баргини қайирди аста.  
Офтоб ҳам сув ичар тоғлардан пастда  
Лоладек қип-қизил ўт шафақ ўчди.

Кўз тутдим, кўзларим нигорон бўлди  
О, дилбар, сиймбарим, юзлари қирмиз.  
Киприги кўксига соя соглан қиз  
Кўз тутдим, юрагим тўла қон бўлди.

\* \* \*

Усмон Носир бадиий таржимонлик фаолияти билан ҳам машҳур бўлган эди. Шоирнинг «Боқчасарой фонтани», «Демон» (Иблис) поэмаларини рус ва фарбий Европа шоирлари шеърларини қойилмақом қилган таржималари адабиёт аҳлини ва китобхонларни ҳайратда қолдирган эди,

Усмон Носирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида адабиёт-шунослигимиз ҳали етарли иш қилганича йўқ. Ҳозирча «Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки»да берилган қисқа маълумот, ИброҳимFaфуровнинг Усмон Носир поэзияси ҳақидаги рисоласи, шоирнинг танланган асарига Уйғуннинг кириш сўзи («Ҳаёт ва шеърият ошиғи»), А. Ражабийнинг монографияси («Усмон Носир»), шоирнинг дастлабки танланган асари («Усмон Носир») ва шоирнинг сўнгги танланган асарига У. Рашид сўзбошлари («Ўзбек шеъриятининг ёруғ юлдузи»), шунингдек газета ва журналларда чиққан бир қатор мақолалар мавжуд. Усмон Носир яна кенг ўрганилиши керак бўлган шоирдир. Уни адабиётимиз, Ватанимиз ва халқимиз ҳеч қачон унутмайди. Буни шоирнинг ўзи ҳам айтган эди.

Баргдек узилиб кетсам,  
Унутмас мени боғим.  
Ишимни ҳурмат қилур,  
Гуллардан ҳайкал қуурур  
Шеърларим янграп қолур,  
Минг йиллардан кейин ҳам  
Унутмас мени боғим.

(«Боғим»)

Шоир яна ўтмишдаги шоирларнинг фожиали тақдирини эслаб:

Илҳомимнинг вақти йўқ, селдай келади.  
Жаллоддек раҳм этмай дилни тилади.  
Аёндир бир куни айлайди хароб...  
Майлига, меҳримни гўёки шароб  
Шимиридим. Яшайман тилсин дилимни,  
Бемеҳнат севмайман тирик тилимни,—

дейди.

Шоир яшаяпти. У севган боғида, севган элининг дилида яшаяпти.

Утқир РАШИД,  
филология фанлари кандидати, доцент.

# МУНДАРИЖА

Чақмоқ умри. Эркин Воҳидов . . . . . 3

## I

### Шеърим! Яна ўзинг яхвисан

Юрак . . . . .	6
Яна шеъримга . . . . .	7
Болалигимга . . . . .	8
Гулзор чаман . . . . .	9
«Илҳомимнинг...» . . . . .	11
Боғим . . . . .	12
Оқ шеър . . . . .	13
Ёшлик . . . . .	14
Бобомнинг фалсафаси . . . . .	15
Бегона . . . . .	18
«Юрганимисиз бирга ой билан...» . . . . .	19
«Ҳаёт ҳали менинг олдимда...» . . . . .	20
Нил ва Рим . . . . .	21
«Денгиз ойна каби ялтирас...» . . . . .	25
Йўлчи . . . . .	26
«Юр, тоғларга чиқайлик...» . . . . .	27
«Дўстларим, хабар олинг...» . . . . .	28
Карвон боради . . . . .	29
«Ширин бўлди ҳаёт иқлими...» . . . . .	30
1870 . . . . .	31
Дилимдадир мангуга бутун . . . . .	33

## II

### Эртани севиниб кут

Монолог . . . . .	36
Насимага деганим . . . . .	39
Юксал, онпоғим . . . . .	40
Едимдадир узоқ шимол . . . . .	41
Қизлар . . . . .	42

<b>«Мовийлик денгизи...»</b>	<b>51</b>
Биринчи хат . . . . .	52
«Яна кўнглимда...» . . . . .	57
Сенга, синглим . . . . .	58
«Шафақ — узун, қизил лента...» . . . . .	59
Хайр, Севан . . . . .	61
Кораб . . . . .	62
Денгизга . . . . .	63
Фазаб . . . . .	64
Улим йўқ . . . . .	65
Оқ ювиб, оқ тараб . . . . .	66
Қора сатрлар . . . . .	69
Мен ҳам бораман . . . . .	72
Бодом гуллаган кечаси . . . . .	77
Қуёш билан суҳбат . . . . .	87
Таъзим . . . . .	93
Исройл . . . . .	95
Ҳақиқат қалами . . . . .	102
«Шафақ ўчай деб қолди...» . . . . .	103
«Қушча каби...» . . . . .	104

### III

#### Достонлар

Кириш . . . . .	106
Норбўта . . . . .	113
Нахшон . . . . .	140
Атлас (Драма) . . . . .	191

### IV

#### Таржималар

Боқчасарой фонтани . . . . .	222
Демон . . . . .	242
Оташнафас шоир. <i>Ўткир Рашид</i> . . . . .	284